

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълим вазирлиги

Қўқон Давлат Педагогика институти

Палеография ва эпиграфика

фанидан

маърузалар матни

(бакалавриятнинг тарих йўналиши учун)

Қўқон-2005

Палеография ва эпиграфика

ТУЗУВЧИ: Р.Аҳмедов,

ТАҚРИЗЧИ: Т.Мадаминов,
П.Каримов.

Мазкур маъруза матни «Умумий тарих» кафедрасининг 2007 йил 26 август мажлисида муҳокама этилиб, маъқулланган (№ - сонли баённома).

Курс - II	
Умумий соат	- 40
Маъруза	- 22
Амалиёт	- 12
Лаборатория	- 6
Мустақил таълим	- 30

Палеография ва Эпиграфика фанининг предмети,мақсад ва вазифалари.

Режа

1. Ёзувлар ҳақида умумий маълумот.
2. Эпиграфика фанига кириш, фаннинг предмети
3. Дешифровка тушунчаси ҳақида .

Ёзув – бирор тилда қабул қилинган махсус белгилар йиғиндиси.

Ёзув 5-6 минг йил аввал *Миср,Месопотамия,Хетт,Ҳиндистон* ва *Хитойда* кашф этилган.

Шумерда (Месопотамия) мил.авв. IV – минг йилликда миҳсимон иероглиф ёзуви кашф қилинган. Шумер ёзувлари суратли ёзувлар бўлиб айтмоқчи бўлган фикр сурат шаклида акс эттирилган.Лекин суратли сўзлар билан кўп нарсани ифода этиб бўлмаган ва бу соддалаштирилиб понасимон миҳхат ёзуви кашф этилган.Миҳхат белгилари ёзувлар 600 дан ортиқ бўлган.Бу ёзув 3 минг йилликда Шумерда ихтиро қилинган. Месопотамиянинг Ур,Бобил,Ашур каби шаҳарларида кутубхоналар мавжуд бўлган. Миҳхат ёзуви Олд Осиёга кейинчалик Европа давлатларига кенг тарқалган.

*Миср*да бундан 6-7 минг йил аввал 750 белгидан иборат – расмлар иероглиф кашф этилган. Миср ёзувида нарса ва ҳодисалар турли хил расм ва белгилар билан ифода этилган бўлиб замонлар ўтиши билан бу белгилар Алифбо белгиларига айланган. Қадимги подшолик (м.а.2800-2250 й.й.) даврида 24 та товушни билдирадиган алифбо пайдо бўлган.1822 – йил Жак Франсуа Шампалон *Розетта* шаҳри яқинида тошга ўйилган бир хил мазмундаги Миср ва Юнон ёзувларини ўқишга муваффақ бўлган (Розетта тош ҳозирги кунда Лондондаги “Британия” музейида сақланади). *Мисрликлар ёзуви ўндан чапга қараб ёзилган,Шумерликлар ёзуви эса чапдан ўнгга қараб ёзилган.*

Ҳинд ёзуви – мил.авв. 3 – 2 минг йилликда 700 га яқин белги – расмдан иборат ёзув бўлган. Ҳинд ва Панжоб вилоятларида 700 белгидан иборат алифбо топилиб,олимларнинг фикрича бу ёзувлар Шумер ва Миср ёзувлари асосида вужудга келганлиги аниқланган. Ҳиндлар биринчи бўлиб эр.авв.3-2 минг йилликда ҳисоб сонига «0» рақамини киритган. Ҳинд ёзуви тахминан 400 ёки 250 – 300 белги – расмдан иборат бўлган Шумер ва Хетт ёзувига ўхшатилади. Мил.авв. V – асрдан бошлаб брахми , кхароштни , арамей , гупта ёзувидан фойдаланганлар.

Хитой ёзуви – бундан 3,5 – 4 минг йил аввал кашф этилган , Хитой иероглифи дастлаб Шан Ин даврида мил.авв. 2 – минг йилликда кашф этилган , шунда ёзувларнинг тури 2 мингга яқин бўлган. Хан даврида иероглифлар сони 18 мингга етган. Ҳозиргача қисман ўзгаришсиз сақланган. Дастлаб Хитойликлар суяк , ёғоч , чўп , тери ва бамбук дарахтидан тайёрланган тахтачаларга ёзишган , V – асрдан бошлаб ипак шойи парчасига ёзганлар.

Крит – Микенда мил.авв. 3 – 2 минг йилликларда – чизиқли ёзув мавжуд бўлган, “А” ва “Б” чизиқли хатга эга бўлган. Бу ёзувни 1953 йилда инглиз олимлари Вентрис ва Чадвик “Б” чизиқли Крит ёзувларини ўқишга муваффақ бўлган.

Этруск,Оск,Латин ёзувлари мил.авв. VIII – VII асрларда яратилган.

“Авесто” (қатъий қонунлар маъносида) миллоддан аввалги IV –асрда тўпланиб , 21 та китоб қилинади , матнларга ёзилган тафсирлар “Занд” деб аталади , Хоразм заминида китоб ҳолатига келтирилган.

“Авесто” нинг айрим қисмларини Француз олими А.Дюперрон таржима қилишга муваффақ бўлган.

“Авесто”га кўра Марказий Осиёдаги ижтимоий тузум : Мил.авв. I – минг йиллик бошларида аҳоли 4 гуруҳга бўлинган :

- 1.Кохин (рухонийлар);
- 2.Жангчилар;
- 3.Дехқонлар;
- 4.Хунармандлар;

“Авесто”га кўра маъмурий тузилиш :

Нмана – Катта патриархал оила (махалла);
Вис – уруғ жамоаси (қишлоқ);
Варзана – ҳудудий қўшничилик жамоаси (туман);
Занту – қабила (вилоят);
Даҳю – қабилалар иттифоқи (давлат);

Финикияда мил.авв. IX аср охири VIII аср (X аср) бошларида 25 та белгидан иборат ёзув кашф этилди. Ёзув ислох қилиниб 22 та белгига туширилди. Бу **Финикия ёзуви** деб аталди. Эр.авв. 2 минг йиллик охирларида **Сурияда** 29 белгидан иборат, **Финикияда** эса 22 харфдан иборат алифбо кашф этилган, дунё алифболари асосан Финикия алифбосидан келиб чиққан.

Финикия алифбоси асосида **Оромий ёзуви Эрон Аҳамонийлари ёзуви** ва **Парфия ёзуви** Ғарбий Осиёда келиб чиққан.

Оромий ёзуви асосида мил.авв. III-II асрларда **Сўғд ёзуви** шаклланди, бу ёзув қолдиқлари Панжикент яқинидаги Қалъаи Муғдан (1932 йил топилган, 74 та сўғдча, 2 та Хитойча, 2 та Арабча, 1 та Туркча), Шарқий Туркистоннинг Турфон шаҳри яқинидан, Самарқанддаги Афросиёб ёдгорлигидан топилган.

Оромий ёзуви асосида яна **Хоразм ёзуви** келиб чиққан. Бу ёзувнинг мил.авв. V-IV асрларга оидлари Ойбўйрқалъадан топилган. Мил.авв. IV-III асрларга оидлари Қўйқирилганқалъадан топилган.

Сўғд ёзуви ва **Хоразм ёзувлари** асосида 25 харфдан иборат **Тохаристон ёзуви** шаклланган, бу ёзув кўндалангига чапдан ўнгга қараб битилган.

Сўғд ёзуви асосида **Турк ёзуви** шаклланган, бу ёзув фанда **қўқ турк ёки Руник битиглари** дейилади, XVII асрдан ўрганила бошланган. Сибир, Мўғилистон (Тунюқуқ, Култегин, Билга Хокон, Онгин битиглари), Олтой, Ўрта Осиё (Фарғона, Еттисув, Зарафшон водийси) дан топилган. 38-40 харфдан иборат бўлган.

Оромий ёзуви асосида яна **Қушон** (бу ёзув бурчакли, тўтрбурчакли ва айлана шаклда бўлган) – **Бақтрия ёзуви** шаклланган, бу ёзув қолдиқлари қадимги Термиз шаҳридан топилган.

Оромий ёзуви асосида яна **Бақтрия ёзуви**, Бақтрия ёзувидан эса **Эфталлийлар ёзуви** (25 харфли) шаклланган.

Сўғд ёзуви ва **Хоразм ёзувлари** асосида яна бир ёзув **Уйғур ёзуви** келиб чиққан, **Уйғур ёзувидан Манжур ҳамда Мўғул ёзувлари** шаклланган.

Ҳозирги кунда ер юзидан 5 та ёзув асосида тузилган ёзув системалари тарқалган :

1. Лотин ёзуви графикасидан – дунё аҳолисининг – 30 % га яқини фойдаланади.
2. Фонетик Араб ёзуви графикасидан – дунё аҳолисининг – 10 % га яқини фойдаланади.
3. Словян – Крилл ёзуви графикасидан – дунё аҳолисининг – 10 % га яқини фойдаланади.
4. График – Хитой ёзуви графикасидан – дунё аҳолисининг – 25 % га яқини фойдаланади.
5. Бўгинли – Ҳинд ёзуви графикасидан – дунё аҳолисининг – 20 % га яқини фойдаланади.

Эпиграфика юнонча **эпи** ва **графика** сўзларидан олинган бўлиб, “**буюмга ёзилган**” деган маънони билдиради. Эпиграфика фани асосан тош, сопол, металл, ва бошқа қаттиқ буюмларга бирилган қадимги ва ўрта аср ёзувларини урганувчи фандир. Ушбу фан уйғониш даврида қадимийликка, чунончи Қадимги Шарқ ва қисман қадимги “Библия” га қизиқиш кучайган пайтда пайдо бўлган. Эпиграфика фани дастлаб Италия, Юнонистон, Шимолий Африка ва Фаластиндан топилган олтин, юнон, этруск, қадимги яҳудий, финикия пуни ёдгорликларигагина эга эди. XIX асрнинг ўрталаридан эпиграфика айниқса тез ривожлана бошлади. Эпиграфика фани ёрдами билан Кипр оролидан топилган милоддан аввалги XI-VIII асрлар тош ва идишларга битилган юнон тилидаги ёзувлар, Ливан, Сурия, Карфаген, Ўрта ер денгизи ороллари, Италия, Франция, Испания ва Шимолий Африкадан топилган Финикия, Пуни қадимги ёзувлари, шунингдек милоддан аввалги IV-III минг йилликларда Фила ороли ва Нил дарёсидан топилган қадимги Миср петроглифик

ёзувлари, милoddан аввалги VI асрдаги жанубий ва шимолий араб ёзувлари, Тигр ва Евфат дарёлари оралиги ва Олд Осиёнинг қадимги ҳудудларидаги милoddан аввалги 3 минг йилликка оид миҳхат матнлари, Аҳамонийлар сулоласининг ўрнатилишидан Артаксеркс III подшолиги (мил.авв. 358-338й) гача бўлган даврдаги қоялар, сарой деворлари ва олтин тахтачаларга битилган қадимги Эрон миҳхатлари, Славян, Грузин, Арман, Қадимги Туркий, Хитой, Осиё шунингдек Ўрта Осиё ва бошқа ҳудудлардан топилган кўплаб ёзма ёдгорликлар (битиклар) топиб ўрганилди. Эпиграфиканинг тараққиёти туфайли қадимги халқларнинг қадимги турмуш тарзи, ижтимоий - иқтисодий, сиёсий ва моддий маданияти, диний мазҳаби ва умумий тарихи ҳақидаги қимматли маълумотларни тўплаш икони яратилди ва тўпланди.

Ҳарф шакллариининг ўзаришини илмий жихатдан ўрганиш орқали археологик ёдгорликларнинг қайси даврга мансублиги, қадимги ёзувларнинг ривожланиш даражаси аниқланди. Енисей (Энсой) даёрсини ҳавзаси (Ҳакасия А.В. ва Тува А.Р. сиёсий) дан топилган Урхун-Енисей ёзувлар фанга кўпгина қимматли маълумотларни тўплаш имконини берди. Юмшоқ буюмга ёзилган ёзув қўлёзма ҳисобланади.

Эпиграфика фани қаттиқ буюмларга ёзилган ёзувларни ўрганади. Қўлёзмаларни эса полиграфия фани ўрганади.

Қадимги даврда қоғоз тақчил бўлган пайтда қаттиқ материаллардан ёзув воситаси сифатида фойдаланиш жуда кенг тарқалган. Ёзув учун юмшоқ материаллар тери, папирус, ва пергаментлардан ҳам фойдаланганлар. Лекин бу юмшоқ материаллар вақт ўтиши билан чириган ёки яхши сақланмаган шунинг учун қадимги дунё тарихини ўрганишда асосий манбаа бўлиб эпиграфик ёдгорликлар майдонга чиқади.

Дешифровка номаълум ёзув битилган матнни ўқиш демакдир. Бунинг учун татқиқ этилган ёзувдаги белгиларни ўша белгилар билан ёзилган тилдаги сўзларга ўхшатиш, матнлаштиришдир. Номаълум тил ёки номаълум ёзувни ўқиш учун қандайдир бир таянч, асос бўлиши керак: чунки йўқдан бор бўлмайди. Агар таянч бўлмаса, асос топилмаса, жиддий натижа чиқишини ҳам кутмаслик керак.

“Дешифровка” тушунчаси кенг маънода айтилганда одатда ёзма ёдорликлар устида ижтимоий олиб бориладиган уч хил ишни ўз ичига олади.

Биринчи, вариантда татқиқотчи номаълум тилда, бироқ маълум ёзувда битилган хат ёки ҳужжатни тушуниб олиши ва ўқиши керак. Масалан, ҳетт миҳхатида ёзилган матн ва этруск тилини ёки бизга янада танишроқ мисол – Португалияда лотин алифбосидан фойдаланишни олайлик. Агар португал луғати ва грамматикаси бўлмаса, португалча матнни қандай қилиб ўқиш мумкин? Бунинг учун татқиқотчи сўзларнинг маъносини тушуниши ва граматик формаларини билиши лозим.

Иккинчи вариантда, тил аниқ маълум ёки маълум деб ҳисобланадию, лекин матн номаълум ёзув билан битилган, масалан, Кипрнинг тугинли системасида ёзилган юнон ёзуви ёки оддий мисол: сиз немисчани тушунасиз, бироқ фақат лотинча ҳарф (шрифтни) ўқий оласиз ва гот ҳарфларини билмайсиз. Бу ерда татқиқотчига бир хил белгилар системасини бошқа хил системага ўтказишга тўғри келади.

Нихоят учинчи, охириги вариант сизга тил ҳам, ёзув ҳам номаълум. Бу татқиқот энг қийин бироқ энг жозибали ҳол албатта. Бунда татқиқотчи бир хил ёзув системасини бошқа системага ўтказиши ва маъносини тушуниб олиши лозим. Бу вақтда ёрдамчи фанларнинг имкони борица барча илмий воситаларининг ёрдами зарур. Шунинг учун, масалан, Ҳетт миҳхатида ёзилган матнни ўқиш билан Миср иероглифлари ёки миҳхатни ўқишни бир даражага қўйиб бўлмайди.

Номаълум матнни ўқиш, яъни дешифровка қилишнинг энг баракали воситаси – **билингва** дир, яъни турли тилларда ёзилган бироқ озми-кўпми бир хил мазмунга эга бўлган икки параллел матндир.

Масалан, рус ва ўзбек тилларда ёзилган эълонлар бунга мисол бўла олади. Агар билингва бўлмаганида Миср иероглифларини ҳам Бобил миҳхатларини ҳам ўқиб бўлмас эди.

Агар билингвалар бўлмасачи, унда нима қилиш керак?

Бунда юқорида таъкидлаганимиздек татқиқотчига қўл келадиган барча вариантлардан фойдаланилади.

Лекин шундай ҳолатлар ҳам бўладики, энг ишончли бўлиб, қўринган билингва ҳам ёзувни ўқишга ёрдам беролмайди, масалан:

Бундай бир неча йил илгари Ликия билингвалари топилди. м.л.авв. бир неча аср давомида бу подшолик гуллаб яшнаган. Билингваларнинг топган татқиқотчиларнинг қувончи ичига сиғмас эди. Ахир шу пайтгача Ликияликлар ёзувни ўқиш имкони бўлмаган эдида. Бироқ олимлар беҳуда қувонишган экан, топилган нарсалар билингва эмас, балки Ликияликлар бир неча сўздан иборат ёзиб қолдирган қабртошларлар бўлиб чиқдики, бу сўзлар луғат тузиш учун камлик қилар эди.

1974 йили Туркиянинг Жанубида Француз археологлари баландлиги бир метрдан сал ошиқроқ тош деворни топишади. Дворга икки тилда эмас, балки бир йўла уч тилда: Ликияликлар, қадимги Мисрликлар ва Оромий тилида битилган ёзув – тирилингва ни қўриб олимларнинг севинчи тўлиб тошди. Оромий ёзуви қадимги Юнон ёзуви каби яхши ўрганилган эди. У қадимги Эрон империясида давлат тили вазифасини ўтаган.

Шундай қилиб, татқиқотчи ёзувни ўқишга киришар экан, аввало ёзув системасининг умумий хусусиятини аниқлайди. У охириги сатрнинг тўлдирилмай қолган қисмидан, ёзувнинг йўналишини билиб олади, сўзларнинг бўлакларга ажралиши ажралмаслигини аниқлайди, бўлакларга ажратилган тақдирда бўлаклар қандай белгилар: чизиқча, нуқта, иккита нуқта ва хоказолар билан мунтазам такрорланаётганлигига эътибор беради.

Сўнгра белгилар сонини белгилаб чиқади. Шунга қараб, у қандай ёзув: ҳарfli, бўғинли, идеографик ёки аралаш ёзув билан иш қўраётганлигини билиб олади. ? Белгилари сони 30 тадан кам бўлган ёзувнинг ҳарfli система бўлишидан қўра, бир неча юз белгидан иборат, ёзувнинг эса мураккаб бўғинли система бўлиши аниқроқдир.

Татқиқотчи атоқли отларни билингва ёрдамида (агар бўлса) биринчи навбатда топади. Улар олимни номаълум ёзувга олиб кирадиган сўқмоқ йўл бўлиб хизмат қилади, масалан, В.Томсон Урхун Енисей битигтошлардаги ёзувлар ичидан биринчи бўлиб, **“Турк”**, **“Тангри”** сўзларни ўқийди. Билингва бўлмаган ҳолларда номаълум тилда ёзилган текстни ўқиб тушуниши учун қуйидаги икки усулдан фойдаланилади.

Биринчи - комбинацияга асосланган усул, бунда ёзув ўқиладиган (лекин таржима қилинмаган) , текстдан келиб чиқаётган қонуниятлар асосида тушунтирилади ва шарҳланади. Турли гуруҳдаги белгиларнинг тузилиши ва ўзгаришини, умуман текстнинг тузилишини, жумланинг асосий бўлаклари қандай ўрин эгаллаганлигини кузата бориб, кейин ҳулоса чиқарилади.

Иккинчи - этимологик усул. Бу усул ўқитиладиган текстдаги сўзларни таҳлил қилинган қардош тилдаги сўзларга таққослашга асосланган, бироқ бу усулни қўллаш учун мазкур икки тилнинг қардошлигини исботлайдиган жиддий далиллар зарур. Ҳарф (белги)лар шаклининг ўхшашлиги етарли далил бўла олмайди, масалан: русча “Н” билан лотинча “N” нинг шакли бир хил лекин улар ҳар хил ўқилади.

Ёзувчи ҳар қандай контекстда ўқиш мумкин бўлгандагина дешифровкани ниятисига етган деб ҳисоблаш мумкин.

Таянч иборалар:

Иероглиф, Миххат, Билингва, Полеография, Эпиграфика, контекст.

Назорат саволлари:

1. *Полеография қандай фан?*
2. *Эпиграфика нимани урганади?*
3. *Дешифровка нима?*
4. *Билингва нима?*
5. *Нима учун қадимги даври асосан эпиграфик ёдгорликлар орқали ўрганишади?*

6. *Трилингва нима?*
7. *Билингва бўлмаганда олимлар ёзувларни қандай ўқийдилар?*
8. *Номаълум текстда биринчи бўлиб қандай сўзлар ўқилади?*
9. *Контекст нима?*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек совет энциклопедияси. 13 жилд. Тошкент. 1979й.
2. Виктор Дравчук. “Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди” Тошкент. “Ўзбекистон” 1980й.
3. Е.Ф.Фёдорова. “Введение в латинскую эпиграфику” Москва. МГУ. 1982г.

Мавзу: Ёзув, унинг пайдо бўлиши, тараққиёти ва ёзув воситалари.

Режа:

- 1. Ёзувнинг пайдо бўлиши учун туртки бўлган омиллар.**
- 2. Шаклдан ҳарфга ўтиш учун зарурият.**

Кишилиқ жамияти ўз тарихининг кўпроқ қисмини ёзувсиз ўтказган. У ёзувга етиб келгунча узок йўлни босиб ўтган ва нутқни ёзиб олиш учун бир неча минг йил илгаригина белгилар қўлланила бошлаган. Бу қарийб олти минг йил илгари, эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликда содир бўлган, деб ҳисобланилади. Бироқ 1901 йили Трансильванияда, Тэртерия посёлкаси (Руминия) яқинида археологлар жуда ҳам кўп сирли расм-белгилар чизилган учта сопол тахтача топишди. Булар деярли етти минг йиллик ўтмишга эга ёзма ёдгорликлар эди.

Одамнинг тажрибаси ва билими орта борган сари унда билганларини ёдда тутиш ва бошқаларга бериш зарурати туғилди. Замонавий тил билан айтганда, ахборотни сақлаш ва узатиш проблемаси келиб чиқди.

Бевосита алоқа боғлаш йўли билан буни амалга ошириш қийин эмас эди, бироқ бу ҳолда инсон хотирасининг мукаммал эмаслиги туфайли кўп ахборотлар эсдан чиқиб қолган, йўқолган. Бунга фазо ҳамда вақт асосий тўсик бўлиб, ёзилган сўзгина улардан устун кела оларди.

Буюмлардан дастлаб мнемоника воситалари ёки «эслатувчи» воситалар сифатида фойдаланиш замонавий ёзувга олиб келувчи машаққатли узок йўлдаги биринчи қадам бўлди. Бу воситалар фикрни узатмас, балки уни фақат эслатарди. Бирор нарсани эслаб қолиш учун рўмолнинг учини тутиш одати шундан қолган.

Сўнгра буюмларга конкрет маъно берила бошлаган. Улар олдиндан келишиб олинган нарсаларни билдирувчи ўзига хос сигналлар, шартли белгилар бўлиб ҳисобланган. Чўпхатга ёки дарахт танасига кертиб белги солиш, тугунлар, тизимчалар, уруш эълон қилиш вақтида эса камон ўқи ва бошқа буюмлар шундай шартли белги вазифасини ўтаган. Буюмга маъно бирктириб қўйишнинг бу усули «буюмли ёзув» деб аталган.

Сон, рақамларни билдириш учун, масалан, тахталаларга кертиб шартли белгилар ўйилган. Бу хатчўплардан ҳар хил шартномалар тузишда фойдаланилган. Шартнома тузишда хатчўпни бўйига қоқ ўртасидан бўлиб, ярми бир томонга, иккинчи ярми иккинчи томонга берилган. Хатчўп бўлакчалари бирлаштирилганда кертиклар бир-бирига мос келган. Хатчўплар календарь сифатида ҳам қўлланилган (унга кунлар, ҳафталар сони ва ҳаказолар ўйилган). Улар қарз шартномаларида тилхат ўрнида ҳам хизмат қилган. Хотирада узок вақт сақлаб турилиши лозим бўлган воқеалар тўғрисидаги унутилмас маълумотлар рўйхати сифатида ҳам хатчўплардан фойдаланилган.

Тўғри ҳисоб-китоб учун ҳисоблаш тизимчалари қўлланилган. Улар перулик чўпонларда, Латин Америкаси ва Африканинг бошқа баъзи халқларида ҳозир ҳам бор. Бир тизимча ҳўкизларни, бошқа тизимча сигирларни санаш учун хизмат қилади; бу тизимча икки тутамга ажратилади - бир тутами билан соғим сигирлар ва бошқа тутами билан бўғоз сигирлар саналади. Учинчи тизимча

бузоқларни санаш учун ишлатилади. Тизимчадаги тугунлар сони шу чўпоннинг подасида неча бош мол борлигини билдиради.

Қадимги хитойлар ҳам ҳисоб-китоб ва ёдда сақлаш учун тизимчалардаги тугунлардан фойдаланганлар. Қадимги халқларда вақт ҳисоби ҳам кўпинча тугунлар билан олиб борилган. Эрамиздан олдинги V асрда яшаган қадимги юнон машҳур тарихчиси Геродот ҳикоя қилган Доро календари бунга мисол бўла олади.

Геродотнинг таъкидлашича, Эрон шоҳи Доро I Скифияга юриш қилганида Дунай дарёсига махсус қурилган кўприкдан ўтган. Кўприкни сақлаш, қўриқлаш учун Доро ўз иттифоқчиси бўлмиш ионияликларни қолдирган. Уларга олтмиш тугунли камар бериб, бундай деган: «...Бу камарни олинглар: энди гапимга қулоқ солинглар: менинг скифларга қарши чиққанимни кўришингиз биланоқ, шу вақтдан бошлаб ҳар куни битта тугунни ечаверинглар. Агар тугунлар билан кўрсатилгандаги кунлар тугаса-ю мен шу вақт ичида қайтмасам, ўз ватанларингизга жўнайверинглар. Ҳозирча кўприкни қўриқланглар ва уни мумкин қадар бут сақлашга ҳаракат қилинглар. Бу билан менга катта ёрдам кўрсатган бўласизлар».

Тугунлардан иборат календардан Сибирь, Гвинея, Полинезия, Шарқий Африка халқлари ҳам фойдаланган.

«Ахборот ҳассалари» ҳам ўзига хос буюм-мактуб вазифасини ўтаган. Улар Қадимги Европада, Қадимги Хитойда, австриялик ва африкалик қабилалар ўртасида машҳур бўлган. Бошқа қабиланинг элчиси олиб келган ҳасса ташриф буюрган шахснинг ваколатини тасдиқловчи ўзига хос ҳужжат ҳисобланган. Ҳассага кертиб белгилар ва хотира нишонлари туширилган. Элчи уларга қараб ўзига қанча топшириқ берилганини эслаган. Кертик-белгиларнинг жойлашиши, эҳтимол, маълум фактларни ифода этгандир.


«Вампум» камари (пўтаси) Шимолий Америка ҳиндуларининг буюмли ёзуви бўлиб, шакли жуда ажойибдир. «Вампум» камари ранг баранг чиғаноқлар қўшиб тўкилган бўлади ёки чиғаноқлар унга тегишлича осиб қўйилади. Чиғаноқларнинг ўзаро жойлашуви, сони ва ранги муайян маънони англатади. Баъзан камарга хабарнинг мазмунини аниқлаштирувчи расмлар ҳам чизилган бўлади.

Пенна камари (МАКТУБ)



XVII аср охирида муҳим сиёсий ҳужжат ҳисобланган вампум ҳам бизга маълум. Пенна вампуми деб аталувчи, ўртасига иккита қора шакл (киши шакли) туширилган бу оқ камарни лениленапе қабиласидан бўлган ҳиндулар ўртасидаги тинчлик ва ҳамкорлик гарови сифатида тақдим қилганлар.

Ҳозирги Перунинг азалги аҳолиси инкларнинг тугунлардан иборат мактуби – кипу - буюмли ёзувнинг ажойиб намунаси бўлиб ҳисобланади. Бунда буюмли ёзувнинг ҳамма имкониятлари очиб берилган, деб саналади. Кипу чалкаш-чулкаш боғланган, тугилган тизимчалар осилган йўғон арқон ёки таёкчадан иборат мактубдир. Тизимчалар ва тугунларнинг сони, уларнинг катта-кичиклиги, жойлашиши ва ранги турли маънони англатган. Кипунинг оғирлиги баъзан тўрт килограммча келган. Бўялмаган тизимчалар сонли ҳисоб учун ва муҳим



вокеа-ходисаларни ёдлаб қолиш учун, ранг-баранг тизимчалар эса анча мураккаб хабарлар учун қўлланилган.

Ҳиндларда ҳар бир ранг муайян маънони: қора ранг - бахтсизликни, ўлимни, бинафшаранг - хавф-хатафни ёки душманликни, қизил ранг - урушни, оқ ранг - тинчликни, сарик ранг - олтинни, яшил ранг - дон-дунни билдирган. Ҳиндлар турли ранглارни ва тугунларни турлича қўшиб ишлатиб ҳар хил хабарларни билдириш имкониятига эга бўлганлар. Баъзи олимлар, кипуга қонунлар мажмуи, хроникалар, хатто шеърлар ёзилган бўлиши мумкин, деган фикрни айтмоқдалар. Бошқа олимлар эса мураккаб ёзувларни тугунлар ва рангба-ранг тизимча ёрдамида амалга ошириш мумкин эмас демоқдалар.

Ҳозирги вақтда ҳам ишлатиш қулай бўлган жойларда сигнализация учун буюмли ёзув принциpidан фойдаланилмоқда; масалан, сув йўлларида хатарли жойларни кўрсатиб турадиган сузғич - бакенлар, маёқлар ва сигнал байроқчалари - денгизда, светофор ва семафорлар - курукликдаги йўлларда, сигнал лампочкалари - ҳар хил приборларда қўлланилади. Буларинг ҳаммаси «ахборот ҳассалари» ва перулик чўпонларнинг тизимчаларига «қариндош»дир.

Буюмли ёзув ўзининг асосий вазифасини бажара олмади: инсониятнинг тўпланган билимларни сақлаб, ёдлаб қоладиган ўзига хос хотирасига айлана олмади. Ижтимоий турмуш мураккаблашган сари бунга эҳтиёж тобора ортиб борарди. Урф-одатлар, анъаналар шаклланди, уларни янги авлодга етказиш лозим эди. Меҳнат тақсимоти ва мол айирбошлаш аниқ ҳисоб юритишни талаб қиларди. Қабила бошлиқлари ва коҳинлар ажралиб чиқдилар, уларнинг фаолиятини абадийлаштириш зарур эди.

Пиктография ёки расмлардан иборат ёзув замонавий ёзувга олиб борадиган йўлдаги навбатдаги босқич бўлди. Унинг хусусияти ахборот узатиш билан белгиланар эди. Расмлардан иборат ёзувнинг хусусияти шуки, буида фикр айрим тушунчаларга ажратиб эмас, балки тўла ифодаланади. Пиктограмманинг энг майда парчалари (фрагментлари) ҳам, замонавий ёзувдаги жумлалар сингари, мазмунан тугалдир. Жумла таркибий қисмларга бўлинади, аммо пиктограмма бўлинмайди. Пиктограмма ҳаракатни, воқеа-ҳодисани тасвирлайди, лекин оғзаки тилни, буюмларнинг номларини мутлақо акс эттирмайди. Пиктограмма нимани тасвирласа ўшани ифодалайди, унда символика йўқ. Шунинг учун пиктограммани ҳар бир киши, қандай тилда гапиришдан қатъи назар, шарҳлаб бериши мумкин.

Пиктограммалар ов ҳақидаги маълумотларни, рўзғор ишлари билан боғлиқ, ёзувларни, жанговар юришлар, босқинчиликлар, тўқнашувлар тўғрисидаги хабарларни, куф-суфларни (улар айниқса Шимолий Америка ҳиндулари ўртасида, шунингдек Индонезияда кўп тарқалган), сиёсий шартномаларни, арзномаларни, ультиматумлар ва севги мактубларини ўз ичига олган.

Пиктограммаларни изоҳлаш учун энг қулайи шеърӣ формадир. Ерликлардан бири кироат билан ўқиган бундай шеърнинг ҳар сатри айрим расмни ифодалайди.

Пиктография ибтидоий санъат кучоғида вужудга келди. Олимлар инсонларнинг бундан 40—10 минг йил илгари қадимги палеолит даврида чизган расмларини топишган. Қадимги одам тошни ўйиб нақш солган, суякка белгилар ўйган, ғор деворларига ҳайвонлар: бизон, мамонт, охулар, каркидон, отлар, буғулар ёки одамлар тасвирини бўёқлар билан чизган. Бу билан у гўё дунёни билиб олган ва тасвирлаган.

Европада эрамикдан олдинги тўққизинчи-олтинчи минг йиллик деб сана қўйилган мезолит даврида умумий мазмунга бирлаштирилган мураккаб тасвирий композициялар янада кўпроқ тарқалган. Улар расмлар билан ифодаланган тугал ҳикояга ўхшайди.

Теварак-атрофимиздаги оламни билиш йўлидаги бу янги қадам воқеа-ҳодисаларни, воқеликни ифодалашга интилиш эди. Ибтидоий одам тафаккури конкрет фактларни қамраб олиш билан бирга мавҳум тушунчаларни ифодалашга ҳам ҳаракат қилган. Расмларда рамзий элементлар ва шартли белгилар тез-тез учраб туради.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, пиктографик ёзув неолит даврида, тарқоқ уруғдош гуруҳлар қабилага бирлаша бошлаган вақтда узил-кесил шаклланган.

Пиктографик белгилар ҳозирда ҳам кенг қўлланилади. Магазин ва устахоналарнинг вивескаларидаги моллар тасвири, кўча ҳаракатини тартибга солиб турувчи белгилар, заҳарли моддалар солинган идишлар деворидаги бош суяги, чалиштирилган суяклар тасвири ва йўналишни кўрсатувчи қўл ёки стрелкалар расми ва ҳоказо шулар жумласидандир. Масалан, Шимолий Осетияда марҳумнинг фазилатлари ёки истеъдодини билдирувчи пиктографик белги чизиш одати сақланиб қолган: моҳир чавандознинг қабр тошида - от ёки эгар, олимнинг қабр тошида - китоб, моҳир тикувчи қабр тошида эса тикув машинаси тасвирланади.

Тадқиқотчилар пиктографияни фикрни ёзув билан ифодалашнинг дастлабки усули деб ҳисоблайдилар. Пиктография яққоллиги туфайли ҳаммабоп бўлган-у, бироқ маъно, мазмунни ихтиёрий шарҳлашга йўл қўйган. Расм фикрни аниқ ифодалашга имкон берадиган, кўп жойни эгаллайдиган восита бўлганлигидан мавҳум тушунчаларни расм ёрдамида англатиш жуда қийин эди.

Бир хилдаги буюмнинг тасвири турли пиктограммаларда турлича чиққанлиги, ҳаракатлар, воқеалар ҳам ҳар хил тасвирланганлиги сабабли баён қилинаётган маълумотларнинг аниқлиги бузилган. Масалан, «қурол» бир жойда найза кўринишида чизилган бўлса, бошқа жойда камон ва ўқ, яна бир жойда тўқмоқ шаклида тасвирланган.

Ёзув биладиганлар ниҳоят даражада кам бўлганлигидан ва ёзувдан тасодифий ҳоллардагина фойдаланилганлигидан пиктографик ёзувнинг камчиликлари кўзга ташланмаган. Лекин давлат тузуми ривожланиб, ёзишмалар кундалик ишга айлана борган сари ёзувга эҳтиёж ортаверган, ёзув кундалик ҳаётда заруратга айланган. Ёзишни тезлаштиришга эҳтиёж туғилган. Ҳар бир тасвирдаги расм аста-секин соддалашиб бориши ва уларнинг ҳаммаси аниқ график белгиларга ажралиб кетиши қонунийдир. Муайян расм буюмнинг номи билан аталган, буюм тасвирловчи бўлиб қолган.

Ёзув битиладиган материал белги-расмларнинг шаклига жиддий таъсир кўрсатган. Масалан, Олд Осиёда тўғри бурчакли ёки чўзинчоқ доира шаклидаги сопол тахтачаларга белгилар чизилган. Лойнинг ковушқоқлиги тахтачаларга айлана чизиклар чизишни қийинлаштирган, шунинг учун пона шаклидаги белгилар - миҳхат ишлаб чиқилган. Мисрда асосий ёзув материали сифатида папирусдан фойдаланилган; папирус - хат ёзиш учун махсус тайёрланган биринчи материалдир. Миср ёзувлари тасвирийлиги билан ажралиб туради. Хусусан тошга ўйиб ёзилган хатлар кўзга яққол ташланади. Улар кўпинча нақш билан моҳирона уйғунлаштирилган.


Ёзма ёдгорликларнинг бут ҳолда сақланиши ҳам унинг қандай материалга битилганига боғлиқ бўлган. Тез йиртилидиган, уваланадиган, мўрт материалга битилган хатлар йўқ бўлиб кетган, пишиқ, мустаҳкам асосга битилган ёзувлар эса замонамизгача

сакланиб қолган. Узоқ ўтмиш садоларини бизга айлани шу ёзувлар етказмоқда. Эрон подшоҳи Доро I нинг тошга ўйиб ёзилган қуйидаги дабдабали огоҳлантириши шундай ёзувлардан биридир: «Доро, шаҳоншоҳ дейди: Сен, келгусида менинг буйруғим билан қояга ўйилган мана шу ёзувни ёки ана шу тасвирларни кўрасан, - Уларни вайрон қилма! Қудратинг етар экан, уларни эҳтиёт қил».

Ёзувнинг ривожланиши ҳақидаги ҳикоямизга қайтайлик. Замонавний ёзувга олиб келадиган йўлдаги навбатдаги босқич жумлаларнинг айрим тушунчаларга, сўнгра сўзларга бўлинишидан иборат бўлди. Пиктограмма айрим элементларга (гап бўлаклари) бўлинмасдан фақат тугалланган фикрнигина ифодалар эди, энди ҳар бир тушунчага ва конкрет буюмга белги-расм биркитиб қўйилди. Улардан, ўз навбатида, ёзув пайдо бўлди. Бундай белгилар системаси – идеография - бошқариш, ҳисоб юргизиш, конунларни ёзиш ва шу каби бошқа ишлар учун барқарор, аниқ ёзувга эҳтиёж сезган давлат кўламида тартибга солинган. Бир қанча мамлакатларда (Миср, Шумер, Хитой, Крит ороли) идеография жамият тараққиётининг ўша бир хил босқичида, қулчилик давлати билан бирга пайдо бўлиб, унинг бағрида камолотга эришган - юксак даражада тарққий қилган.

Идеографик ёзув ахборот мазмунини баёи қилиши билан бирга, тилнинг луғавий таркибини ҳам белгилаб берган. Белги расмларнинг изчиллиги энди манзаранинг инжиқлигига боғлиқ бўлган, у тилнинг ўзига хос синтактик тузилишини акс эттирган.

Маъноси аниқ ва тасвирланиши осон бўлган сўзлар учун белги-идеограммалар яратилиши график шаклларни соддалаштириш йўлидан борган. Масалан:



Крит ёзувида

Хитой ёзувида

Мавҳум ва мураккаб тушунчаларни баён қилиш анча қийин бўлган. Бироқ бу қийинчилик ҳам бартараф этилган. Мирзаларнинг барча қийинчиликларни четлаб ўтишдаги ижодкорлиги кишини ҳайратда қолдиради. Масалан, кадимги миср ёзувларида тасвирий-рамзий принцип моҳирона қўлланилган. Жангчи сўзи икки қўл шаклида тасвирланган: бир қўлга қалқон ва иккинчи қўлга найза ушлатилган. Бу идеограмма *жанг*, *жанг қилиш* тушунчаларини ҳам англатган. *Юрмоқ* феъли қадам ташлаётган икки оёқ, *қўрмоқ* феъли - икки кўз шаклида тасвирланган. *Хасислик*, *очкўзлик* сўзлари - тимсоҳ тасвири орқали, *салкин*, *совук* сўзлари эса сув оқиб чиқаётган идиш тасвири билан ифодаланган.

Аниқ буюм билан мавҳум тушунча ўртасидаги боғланиш баъзан беҳабар одам ишонадиган ривоят ёки эътиқодга асосан ифодаланган. Масалан, Қадимги Мисрда туяқуш қанотидаги ҳамма патларнинг узунлиги бир хил бўлади деб, шунга қатъий ишонишган, шунга асосан *ҳаққонийлик* сўзи туя қуш пати тасвири билан ифодаланган. Йил сўзи эса пальма дарахти шохи билан тасвирланган, чунки мисрликлар пальма дарахтида бир йилда фақат 12 та новда ўсиб чиқади деб ўйлар экан.

Шумер ёзувларида *қуёшни* тасвирловчи белги - *нур*, *қун*, *оқлик* деган сўзларни англатиш учун, *юлдуз* белгиси - осмон, *худо* деган сўзларни, *чигиртка* тасвири эса *йўқ* сўзини ифодалаш учун ишлатилган.

Хитой тилида белгилар шакли ёки вазияти ўзгариши билан янги маъно касб этганлар. Масалан, *одам* деган сўзни англатувчи иероглиф бирмунча ўзгартирилганидан (янги чизиқлар қўшилганидан) кейин *тана*, *қўл* деган маънони англатган. Хитой мирзалари сонларни ва фазовий муносабатларни билдириш учун махсус шартли-рамзий иероглифларни қўлланганлар. Кўпинча мураккаб ва мавҳум тушунчалар икки идеограммани бир белгида уйғунлаштириш, бирлаштириш йўли билан баён қилинган. **Масалан, шумер тилида қуйидаги бирикмалар ишлатилган:**

нон+огиз = емоқ
қўз+қучук = ёвуз
қуш+тухум = турмоқ

Хитой тилида:

аёл + бола = севмоқ
қулоқ+эшиқ = эшитмоқ, билдирмай қулоқ солмоқ
килич + юрак = сабр қилмоқ, тоқат қилмоқ
аёл+том = тинчлик, сукунат, жимлик.

Атоқли отларни идеограмма билан англатиш айниқса қийин бўлган. Мирзалар баъзи отлар учун маъноси жиҳатдан ўхшашроқ идеограммаларни қўлланганлар. Бироқ ҳамма отлар ҳам қандайдир маънога эга бўлавермаган. Бу биринчи галда хорижий отларга тегишлидир. Лекин зийрак мирзалар бу қийинчиликни ҳам бартараф этганлар. Улар тадқиқотчилар «ребус» усули деб атайдиган усулни қўлланганлар. От қисмларга шундай ажратилганки, бу қисмлар эшитилишига қараб қандай бўлмасин бирор сўзга мос келтирилган. Бу сўзларнинг идеограммалари йиғиндисидан эса от тузилган. Бундай ёзув тилнинг товуш томонини акс эттирган, товушли (жаранглайдиган) сўз билан мустақкам боғлиқ бўлган; шунинг учун у логограмма деб аталади (логограмма фақат маъно билан боғлиқ ва ҳар қандай тилда ўқилиши мумкин).

Овоз чиқариб айтиладиган нутқни акс эттирувчи мураккаб ва мавхум тушунчалар учун белгилар яратишнинг яна бир усули бўлган. У айтилиши бир хил, маъноси бошқа-бошқа сўзлар - омонимлар учун қўлланилган. Омонимлар бир белги - логограмма билан белгиланган, бироқ уларни бири-биридан фарқ қилиш учун логограммага детерминатив - аниқловчи белги (бамисоли сарпарда - очкич аломати) қўшилган, бу белги сўзнинг аниқ маъносини кўрсатиб турган. Талаффуз этилмайдиган ёрдамчи белгиларга айланган бошқа идеограммалар шундай аниқловчи белгилар вазифасини бажарган. Масалан, хитой ёзувида *фэн* сўзи аниқловчи белгиси бўлмаса, *қилмоқ* феълени билдиради. Уша логограммага *юрак* шаклидаги аниқловчи белги қўшилса - *жаҳл*, *газаб* тушунчасини, *ин* шаклидаги аниқловчи белги қўшилса - *чигал*, *чатоқ*. тушунчасини, белги *идиш* шаклида бўлса - *тоғора* тушунчасини англатади.

Идеографик ёзув тилнинг маъно томони билан боғлиқдир. Идеограмманинг шакли сўзнинг қандай жаранглаши (эшитилиши)га боғлиқ бўлмаган. Шу туфайли идеограммалар бошқа тилларда ҳам ишлатилган ва мутлақо бошқача жаранглайдиган сўзларни билдирган. Масалан, хитой тилидаги иероглифлар япон, корейс ва вьетнам ёзувларидан ўзлаштириб олинган.

Ҳозирги замон тилида биз ҳам белги-идеограммалардан фойдаланамиз. Булар рақамлардир; биз уларни, мазмуни қайси тилда баён этилганлигидан қатъий назар, текстдан билиб оламиз. Лекин улар ҳар хил ўқилиши мумкин. Математикадаги, химиявий формулалардаги белгилар, халқаро ўлчов бирликлари системаси томонидан қабул этилган турли шартли белгилар ҳам идеограммалар бўлиб ҳисобланади.

Масалан, тенгламани олайлик: $128081563033616 = : 4604 \times 1151$ тенгламаси турли тилларда турлича эшитилса ҳам, доимо бир хил ёзилади.

Қадимги мирзаларнинг тиришқоқлиги, ижодкорлигига қарамай, идеографик ёзувда, умуман олганда, жиддий камчиликлар бўлиши нутқни ёзишнинг янги принципларини излаш заруратини туғдирган.

Идеография мавхум тушунчаларни белгилар билан ифодаласа-да, сўзларнинг грамматик формаларини кўрсатиб бера олмаган, шу туфайли тушунчалар ўртасидаги боғланишни аниқ англатмаган. Идеография системасининг бартараф этилиши энг қийин бўлган камчилиги - унда белгиларнинг жуда ҳам кўплигидир. Жамият тараққиётининг айрим босқичларида

идеографик ёзувда ўн минглаб белги бўлган. Шу билан бирга, пиктограммалардан олинган, буюмни яққол тасвирлайдиган белгилар ўз «моделлари»га ўхшамайдиган бўлиб қолган. Бундай белгилар билан ёзишни ва уни ўқишни ўрганиш учун йиллар керак бўлган, ҳаммада ҳам бундай имконият бўлавермаган.

Қадимги халқлар ёзувни муъжизавий санъат ҳисоблаб жуда қадрлаганлар, ёзувни ўзларининг катта худолари яратган деб, шунга ишонганлар. Бобиллар ёзув ва ҳисобнинг ижодкори деб, коинотни яратувчи илоҳ Мардукнинг ўғли, донолик тангриси Набуни, қадимги мисрликлар эса донолик тангриси Тотани ҳисоблаганлар. Бу иккала худо одамларнинг тақдирини белгилаб берадиган, ҳар кимнинг тақдирини унинг пешонасига «қисмат таёқчаси» билан ёзиб қўядиган ҳукмдорлар деб аталган. Қадимги хитойлар ёзувнинг ижодкори сифатида аждархо тумшукли худони - Цан Цзени, хиндлар Брахмани, қадимги германлар, уларнинг эътиқодича, сеҳрли ёзув - рунанинг ижодкори ҳисобланган худо Одинани эъзозлаганлар. Қадимги юнонлар сон, ўлчов ва алифбени худо Гермес яратган деб билганлар, одамларга бу санъатни Гермес ўргатган эмиш.

Ёзув ундан беҳабар одамларга шу қадар муъжизавий таъсир кўрсатганки, уни имтиёзли кишиларгагина ато этилган инъом ҳисоблаб, оддий одамлар уни тушунолмади, биллолмади деб, шунга ишонганлар. Хат-саводли кишилар алоҳида табақага киритилган; қоҳинлар, мирзалар, олимлар ва давлат арбоблари шулар жумласидандир. Мирзалик ҳурматга сазовор касб ҳисобланган. Хатто аслзодалар, тўралар, юқори мансаб эгалари ҳам ўзларини ёзиб ўтирган қиёфада тасвирлатишни яхши кўрганлар.

Жамият тараққиёти билан боғлиқ эҳтиёжлар ихчам, аниқ ва идеографияга қараганда осонроқ ёзув яратиш заруратини турдирган. Ёзувни янада такомиллаштиришга туртки бўлган янги принцип идеография бағрида вужудга келган. Бу - маънони ёзишдан товушни ёзишга ўтиш йўлидир. Биз отларни «ребус» усулида ёзишни эслатиб ўтган эдик, бунда отларни ёзиш учун маъноси жиҳатдан эмас, балки эшитилиши жиҳатдан ўхшаш сўзлар танланар эди. Масалан, Шумерда эрамиздан олдинги уч минг йиллик бошидаёқ шумер ҳокимларининг фаолиятларини - ҳарбий юришлар, жанглар ва бошқаларни мадҳ этувчи ёзувлар (ўзига хос абадий «жанр» сифатида) тарқалган эди. Бу сўзларда забот этилган шаҳарлар ва ўлкаларнинг номлари, ажнабий подшоҳларнинг айнан «ребус» усулида ёзилган отлари келтирилди.

Эшитилиши (жаранглаши) жиҳатдан бир-бирига яқин сўзлар - омонимларни умумий белги билан ифодалашда ҳам фонетик принцип қўлланилган. Инсон логограммани айтилган сўзнинг ёзувдаги ифодаси сифатида идрок этишни ўрганган.

Бўғинли ёзув ҳарфга олиб бораётган йўлдаги навбатдаги қадам бўлди. Бу мутлақо янги ғоя эди, унинг юзага келиши юсак абстракт (мавхум) тафаккурни талаб қиларди. Бу осонликча кўйиладиган қадам эмас.

Яхлит маъно англатадиган сўзни биринчи марта ҳеч қандай маънони билдирмайдиган қисмларга бўлиб юбориш учун маънони гўё аҳамиятсиз бир нарса ҳисоблаб, товуш қобиғини ундан ажртиш керак эди. Ҳолбуки сўз маънони англатиш, етказиш мақсадидагина мавжуддир. Бунинг учун инсониятга қарийб икки минг йил керак бўлди. Агар дастлабки идеографик системалар эрамиздан олдинги тўртинчи-учинчи минг йилликларда вужудга кела бошлаган бўлса, бўғинли сўз системаси фақат эрамиздан олдинги иккинчи-биринчи минг йилликлардагина пайдо бўлди.

Бўғинлар Қадимги Миср, Шумер, Оссурия, Бобил, Қадимги форс, хитой ва бошқа идеографик ёзув системаларида ажралиб чиққан. Одатда бир бўғинли идеограммалар - «ребус» усулида бўғинларга айланган.

Бироқ турли тарихий шароитлар тақозоси билан қадимги ёзувлар баъзан соф бўғинларга айланишга улгура олмай, муомаладан чиқиб кетган. Бошқа, анча «ёшроқ» ёзувлар эса, аксинча, қадимги идеографик системанинг белгилар асосидан фойдаланиб, бўғинли ёзувга айланган (масалан, япон ёзуви). Хитой ёзувининг ривожланиш йўли ўзига хос бўлган.

Бўғинли ёзув системаси ўрганиш ва қўлланиш учун идеографик ёзувга қараганда анча қулай бўлган. Ундаги белгилар сони икки-уч юздан ошмаган ва бир неча белгидан кам бўлмаган, шунга кўра ёзув анча ихчамлашган, тилнинг фонетик ва грамматик тузилишини аниқроқ акс эттирган.

Шундай бўлишига қарамай, тил оз бўғинлардан «йиғилган» ҳолдагина бўғинли ёзув ўзини оқлай олган. Бошқа ҳолларда ёзув ихчамлигини йўқотган - кўп жой эгаллайдиган бўлиб қолаверган.

Ёзувнинг бундан кейинги ривожланиши товушлар оқимини жуда майда «бўлакчаларга» - товушга қадар бўлиш йўлидан борган.

Инсоният ғоят даражада зўр, улуг иш бажарган. Дастлаб бизнинг мураккаб ва турли-туман нутқимизни ташкил этган «бир андазага тушган» тил элементлари алоҳида ажралиб чиққунга қадар товушлар оқимини майда бўлакчаларга, қисмларга бўлиш, уларни ўзаро таққос-лаш, уларнинг фарқини ва ўхшашлигини аниқлаш керак бўлган, ахир. Масалан, *сен* сўзидаги биринчи товушни талаффуз этганда лабларимизни бир оз ёзамиз, *сўнг* сўзидаги биринчи товушни талаффуз этишда лабларимизни салгина олдинга чўзамиз ва юмалоқлантирамыз, *сал* сўзида лабларимизни думалоқлантирмаймиз, *сув* сўзида эса лабларимизни олдинга чўзамиз ва юмалоқлантирамыз. Бироқ турлича эшитилган шу товуш ёзувда бир хил ҳарф - с ҳарфи билан ёзилади. *Қад* ва *қат* сўзлари, гарчи охирги ҳарфлари турли товушдан иборат бўлса ҳам, бир хилда эшитилади ва ҳоказо.

Қадимги Миср ёзувида дастлаб ундош товушлар ажратилган, бунга қадимги Миср тилида бир товушдан тузилган логограммалар бўлганлиги ёрдам берган.

Биринчи алифбони эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда **финикияликлар** яратган. Бу алифбо йигирма икки ҳарфдан иборат бўлган, ҳарфлар фақат ундош товушларни ёки ундош ва унли товушлардан тузилган бўғинларни ифодалаган. Чунки финикияликлар тили семит тиллари группасига мансуб бўлиб, унда ундош товушлар асосий роль ўйнаган. Сўзларнинг илдизи ундош товушлардан тузилган. Унли товушлар эса асосан грамматик боғланишларни ва сўзнинг шакли (формаси)ни ифодалаган. Шу сабабли финикияликлар алифбоси ёзувнинг бўғинли ва ҳарф-товушли системалари ўртасида оралиқ масофани эгаллаган. Финикияликлар алифбосидаги белгиларнинг шакли содда бўлиб, ёзиш учун ҳам, ёдлаб қолиш учун ҳам қулайдир. Финикияликлар ёзувининг келиб чиқиши ҳақида бир қанча фикр бор. Олимлар миср ёзуви ҳам, оссурия-бобил ёзуви ҳам, крит-микен ёзуви ҳам финикияликлар ёзувига асос солган бўлиши мумкин, дейишмоқда. Ҳар бир назариянинг тарафдорлари ўз далилларини келтир-моқдалар. Бироқ биз учун муҳими - финикияликлар алифбоси ёзувнинг узоқ ривожланиш йўлидаги қонуний натижа эканлигидир. Финикияликлар алифбосидаги ҳарфлар юнон ва арамей ёзувларидан ўзлаштириб олинган. Ҳарфли-товушли ёзувнинг шарқий тармоғи ва Осиёдаги тарқалган баъзи бўғинли системалар арамей алифбосидан келиб чиққан. Юнон алифбоси ғарбий ҳарфли-товушли ёзув системаларининг бешиги бўлганки, унли ва ундош товушларни ишлатиш бу системаларга ҳам хос бўлган.

Қадимги юнонларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар унли товушларни ажратиб, бу товушлар учун алифбога махсус белгилар киритганлар. Юнон алифбосининг шу кунгача сақланиб қолган асосий кўриниши шу тарзда касб этилган. Бу эрамиздан олдинги биринчи минг йилликда содир бўлган. Янгилик нутқдаги товушларни аниқроқ ифодалаш имконини берган. Инсониятнинг ҳарфли-товушли ёзувдан - турли воқеа, ҳодисаларни, фикр ва ҳиссиётларни ифодалаш, билдириш учун хизмат қиладиган шу мухтасар қуролдан фойдаланаётганига мана икки минг йилдан ҳам ошиб кетди.

Ёзувнинг ривожланиш схемаси: пиктограмма - идеограмма (логограмма) бўғин-ҳарф - бирунча содда-лашпирилган ва тузатилган, албатта. Бироқ биз бу йўлни минг йиллик кўламда кўздан кечирдик. Географик харитада юзлаб километрларга чўзилган нотекис, ўнқир-чўнқир йўللار бўйи бир неча миллиметр келадиган қисқа чизиқча бўлиб кўринганидек, бизнинг ҳикоямизда ҳам ёзувнинг ривожланиш йўлидаги боши берк кўчалар очилмай қолди.

Бугунги кунда ёзувнинг тўрт юзга яқин тури маълум. Ҳар бир ёзув системаси жонли, ўзгарадиган, ривожланадиган бир бутундир, қачонлардир айтилганларни турлича ёзиб олиш усуллариининг ажойиб равишда уйғунлашган чиройли бирикмасидир.

Бу системаларни ўрганиш соҳасида актив иш олиб борилаётганига икки юз йилдан ҳам кўп бўлди. Айрим ёзувларнинг сири тўла очилди, бошқалари эса ўз навбатиини кутмоқда. Шумерларнинг энг қадимги, эрамиздан олдинги тўртинчи минг йилликнинг охири ва учинчи минг йилликнинг бошида ёзилган ҳужжатлари ҳали жумбоқлигича турибди; шумерлар жамият тараққиётининг илк босқичида мисрликлар билан бирга турган ва умуман, ёзувнинг дастлабки ижодкорларидан бири бўлган. Шумерларнинг анча кейинроқ ёзилган хатларигина ўқилган, холос. Финикияликлар ёзувининг қандай пайдо бўлганлиги бизга шу кунгача номаълум.

Тадқиқот ишлари вақтида бизга мутлақо номаълум ёзув топилиб қолиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

1969 йили совет археологлари Енисей дарёсининг бошида, Минусинск яқинидан ола-була қилиб расмлар чизиб ташланган еттита ёғоч тахтача топишди. Тахтачаларнинг шакли жанговар қилични эслатарди. Экспедиция раҳбари, тарих фанлари доктори М. Грязнов мана бундай ҳулосага келди: расмларнинг жойлашишига қараб буларни пиктографик ёзув намуналари дейиш мумкин. Қадимги енисейликлардан асрлар оша бизгача стиб келган бу мактубнинг мазмуни, ёғоч «откриткалар»да нималар ифодаланганлиги ҳозиргача маълум эмас.

Таянч иборалар:

Ибтидоий ёзув турлари, Икки дарё оралиғи ва Миср ёзуви, Хитоеё ёзуви, Финикия ёзуви.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек совет энциклопедияси. 13 жилд. Тошкент. 1979й.
2. Виктор Дравчук. “Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди” Тошкент. “Ўзбекистон” 1980й.
3. Е.Ф.Фёдорова. “Введение в латинскую эпиграфику” Москва. МГУ. 1982г.

Мавзу: Қадимги Миср эпиграфияси.

Режа

1. Миср иероглифлари ҳақида тушунча, уларнинг ўқилиши.
2. Миср қабртошлари ҳақида тушунча.
3. Розета тошидаги ёзувлар.

Миср ёзуви асоси эътибори билан идеографик хат бўлиб, унда ҳар бир тушунча муайян тасвир белги иероглиф билан ифодаланади. “Иероглиф” юнонча сўз бўлиб, луғавий маъноси **“Муқаддас белги”**.

Миср ёзуви системасида уч хил белги ажралиб туради:

1. Хис туйғу билан идрок этиладиган нарсаларни тасвирловчи идеограммалар. Бунда бирор сўзни ифодалаш учун айнан шу сўзни ифодаловчи буюм ёки предметнинг ўзини расми чизилади.
2. Хис туйғу билан идрок этиладиган ҳаракатлар. Бунда бирор ҳаракатни белгиларда ифодаламоқ учун айнан ўша ҳаракат расми чизилади. Масалан, “учмоқ” сўзини ифодалаш учун, кушнинг қанот қоқиб кетаётган расми чизилади, “йиғламоқ” сўзини ифодалаш учун, кўз ва кўздан ёш оқаётганлиги тасвири туширилади ва хоказо.
3. Мавхум тушунчаларни тасвирий йул билан ифодалаш. Масалан, “кексалик” сўзини ифодалаш учун, одамнинг хассага суянган расмидан фойдаланишган, “топмоқ” сўзини ифодалаш учун эса лайлакнинг энгашган холда, тумшугида қандайдир нарсани ушлаб турган холатидан фойдаланилган ва хоказо.

Мавхум тушунчаларни ифодалаш учун фонетик белгилар ҳам қўлланилган. Эшитилиши бир-бирига ўхшаш, лекин маъноси ҳар хил сўзлар, яъни омонимлар шундай белгилар билан ифодаланган. Ҳа, бир-бирига ўхшаш, лекин айнан бир хил бўлмаган “хол” (юздаги хол) ва “хол” (хол-ахволи маъносида) сингари сўзлар бир хил белги билан ифодаланган бўлиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган “детерминативлар” ёки “очқич белгилар”, гарчи талаффуз этилмаган бўлсада жуда катта аҳамиятга молик деб ҳисобланган. Улар битта белги билан ифодаланган омонимларни бир-биридан фарқлашга хизмат қилган. Миср белгиларининг аксарият кўпчилиги детерминативга эга. Масалан, жинс детерминативи : эркак кишининг исмидан кейин эркак билан боғлиқ бўлган ифодадан сўнг ўтирган эркакни тасвирловчи белги ва аксинча, аёл киши исмидан кейин ёки алоқадор ифода охирида аёлни тасвирловчи белги қўйилган. Мамлакатлар детерминативи – катталиги чекланган бир парча ер, вақт детерминативи – қуёш гардиши, иш ҳаракатлар детерминативи - бирон юмуш билан боғлиқ қўл, мавҳум тушунчаларники – қўлёзма ўрами билан ифодаланган.

Мисрликларнинг ўз фикр мулохзаларини ёзма равишда баён этишларига ёрдам берган бу белгилар икки маъно келиб чиқишини истисно этган.

Энди белгиларнинг жойлашиши хусусида. Хатни ёзиш йуналиши қатъий белгиланмаган. Биз чапдан ўнгга қараб ёзамиз, Мисрликлар эса камдан-кам холлардагина чапдан-ўнгга қараб ёзган-лар. Уларга белгиларни ўнгдан чапга ёзиш кўпроқ маъқул келган. Лекин белгилар устун тарзда, юқоридан пастга қараб қўйиб чиқил-ган.

Исм ва номлар “ребус” услубида ёзилган, бироқ бу ёзувларда унли товушлар йўқ. Мисрликлар тилида бир ундош ва унлилардан таркиб топган бир бўғинли сўзлар бўлган, лекин унли товуш ёзувда кўрсатилмаганлиги сабабли, бир бўғинли сўзлар ҳарфга ўхшаш шаклда ёзилган. Лекин, бундан, Мисрликлар ҳарфни ихтиро қил-ганлар деган маъно келиб чиқмайди. У замонларда кишилар ўз нутқларини бўғин ва товушларга ажратишини билмаганлар, шунинг учун бундай белгиларни ҳарф деб тушунмаганлар. Юқорида биз Миср ёзувини иероглиф деб атадик. Аслини олганда бундай дейиш тўғри эмас, ёзув тушунчасининг маъноси кенгрок. Гап шундаки Мисрликлар уч хил: иероглиф , иератик ва демотик ёзувлардан фойдаланганлар.

Иероглифика ёзуви асосан ҳашаматли ёдгорликларда қўланилган.

Иератика (ёки китоб) ёзуви белгиларининг оддийлиги билан ажарлиб туради; бу ёзув ўзининг расмлик хусусиятини бироз йўқотган. Иератика белгилари папирус қоғозига тушириш жараёнида шакланган ва дунёвий китоблар ҳамда хат-хабарлар учун қўлланилган.

Диний ёзувлар ҳам иератикада ёзилган. Иератика ёзуvidан иборат энг қадимги ёдгорлик милoddан аввалги 3000 йилликка мансуб.

Демотика Ююнонча “демос” сўзидан олинган бўлиб, халқчил маъносида ёки тезхат. Бу хат белгиларнинг шаклини тобора содда-лашгириш жараёнида мил. авв. VII асрда шаклланди.

Бизга маълумки, Миср дунёнинг энг қадимги маданият ўчоқларидан биридир. Бу ерда мил.авв. IV мингйилликда давлатлар пайдо бўлган. Мил.авв. III минг йилликда бу ерда фиръавнлар мақбаралари – эҳромлар қурила бошлаган. Ана шу эҳромлар ичида тошларга ўйилган ёзувлар мавжуд.

Қадимги Мисрликлар нариги дунёда ҳам ҳаёт борлигига ишю-нишган. Бу ишонч шунчалик қатъий эдики, улар бир умр ўзларини нариги дунёга тайёрлашган. Албатта, бундай ҳаётга эришиш ташви-шини кўпроқ фиръавнлар чекишган. Улар ўзлари учун улкан мақба-ралар қуришган. Улар бу эҳромларни турли уй-рўзгор буюмлари, олтин ва қимматбаҳо буюмлар билан безашган. Шу ерда археолог ларни бир нарса ўйлантиради. Ўзида қимматбаҳо металлarnи кони бўлмаган Миср шунча бойликни қаердан олиб келган? Жавобларни энг аввало эҳром ичидаги – деворлардаги иероглифлардан излашган. Уларда Миср хукмдорлари ҳаётидан хикоялар талқин этилган. Бундан 3,5 минг йил аввал, яъни мил.авв. XVI асрда Нил бўйидаги буюк мамлакатда Хатшепсут исмли фиръавн аёл хукмролник қилган. Унинг гўзал сиймоси Карноқдаги Дайр-ал-Бахри эҳромида ҳам акс этган. Эҳром унинг мақбараси бўлиши керак эди. Шунинг учун ҳам унга катта эътибор берилган. Унинг айвони хушбуй Мирра дарахтидан ишланган. Мисрда эса бундай дарахт бўлмаган. Шу каби, бошқа дарахтларни, қимматбаҳо маҳсулотлар ва олтин олиб келиш учун Хатшепсут беш кемадан иборат савдо экспедициясини ташкил этади. Карвон денгиз ортидаги Пунт мамлакатига

йул олади ва зафар билан қайтади. Бундай юришларнинг ҳар қадами ҳақида эҳромнинг деворида ёзувлар ва суръатлар мавжуд.

Улардан биридаги иероглиф бундай хикоя қилади:

“Кемалар Пунт мамлакатининг ажойиб нарсалари турли ўсимликлар, мирра ва обнус дарахтлари, фил тишлари, тоза олтин ва бошқа нарсалар билан тўлдирилади”.

Қадимги ўймакорлар Пунт мамлакатадаги ҳабашлар, пальма, маймун ва қурилишларни тасвирлаганлар. Афсуски расмларнинг бир қисмигина сақланиб қолган холос. Қадимги Мисрликларнинг Пунтда бўлганликлари ҳақида бошқа қадимий ёзувлар ҳам гувоҳлик беради. Уларнинг биридан маълум бўлишича, фиръавнлардан бири Сапура даврида 80 минг мира, 6000 ўлчов бирлигидаги электрум (олтин ва қумуш қуймаси), ва 2600 бўлак кимматбаҳо дарахтлар олиб келиш билан яқунланган.

Рус олими В. С. Голенищев 1888-89 йилнинг қишида Мирсга саёҳат қилади. Мана шу саёҳат давомида у мил. авв. 3 минг йиллик охирига оид Ахмимдаги ёзма ва тасвир ёдгорликлари ҳақида тадқиқот олиб боради. Унинг у ерда олиб борган тадқиқотларидан ёдгорлик сифатида олиб келган ёдгорлик буюмлари 1911 йилдан буён А.С. Пушкин музейида сақланади. Бу қуйи Мисрдан топилган ёдгорлик асосан бир ҳарбий раҳбарнинг қабр тошидаги ёзувлар ҳақидадир. Бу қабр тош тахтадан тайёрлаган қалинлиги 2 мм дан 3,5 мм гача, эни 10-20 см гача, баъзи жойлари 30-60 см. тахта ёдгорликнинг узунлиги 1м 80 см. қабр тош чўл юлғунидан тайёрланган. Шу юлғундан алоҳида тахта михлар ҳозирланган ва шу михлар ёрдамида қабр тош деворига қокилган. Тахтадаги ёзув иероглифлар ва зангори рангда берилган. Олим тахтачани текшира-ётиб бир сўзни ифодаловчи икки хил иероглифга эътибор берган. Яъни қадимги Миср омочини икки шакли айна бир сўз “севмоқ” ни ифодалаган. Биз юқорида айтганимиздек Мисрда уч хил ёзув бўлган. *Иероглиф, демотик, иератик*. Ана шу мисол ёзув уч турининг исботидир. Тахтачда жангчи сўзи қурол ушлаб турган одам қиёфасида берилган. Ҳарбий бошлиқ эса қурол ушлаб юриб кетаётган жангчи сифатида кўрсатилган.

Энди Ахмимдаги қабртош ҳақида . Қабртош тахтачанинг қопқоғи – бу тахтача ҳар бири қалинлиги 3 мм бўлган кёдр фанеридан тайёрланган. Қопқочани узунлиги 196,5 см, эни 44,7 см, қалинлиги 7,8 см. бу тахтача яхши сақланган бўлиб, ёзув остидан ва устидан оқ чизиклар тортилган. Бу оқ чизикнинг ёзувдан узоклиги 0,9 см дир. Иероглиф қаторнинг баландлиги эса 7 см. қабр тошидаги ёзувлар қуйидагилардир.

“Подшо ва Анупис, Ср.Хокими худо ибодатхонасига бошчилик қилувчи, илтифот қилувчи ва чақирувчи, дунёга ажойиб бир хокимлик қилиш учун жўнатилган, қабристонда ўзининг мақбараси бор, у худонинг олдида ҳақиқий подшоҳ, осмон хокими.”

Кўндаланг кесилган тахта фрагменти.

Бу фрагментнинг кенлиги 4,5 см, баландлиги (қанчалик сақланиб қолган бўлса шунча) 29,8 см қалинлиги тахминан 5 см, охири емирилган бўлиб 3,2 см ташкил этади. Фанерларнинг қалинлиги 1,2-3,5 мм ни ташкил этади.

Тахтачанинг охридан бошига қараб 45 градусда емирилган.

Унг ён бошдаги тахтачанинг узунлиги 196,5 см, баландлиги 52,5 см, қалинлиги (фанерасиз) – 5,2 см. бу тахтачанинг охиридан бошлаб ичкарасигача 45 градус емирилган. Ёзувнинг остки ва устки қисмида 1 см қалинликда оқ чизик ортилган. Иероглифлик қаторнинг баландлиги 6,7-7 см. тахтча икки қаторли ёзувлардан иборат :

Биринчи қаторда.

“Подшо ва Анупис, ўзининг боғида жойлашган, ибодатхона-лар мамлакат хокими, илтифотли ва хайр эхсонли, худонинг ҳақиқий ва буюк дўст и, осмон хокими, сағанаси қабрдадир”

Иккинчи қаторда

“Фиръавн ва Анупис, худо ибодатхонасининг хокими, унга хайр эхсонлар булсинким, у қабрда Қуйи Миср подшосининг ягона дўст и, ота онасини жондан севувчи, Ҳарбий бошлиқ - spsj ётибди, унинг ҳақиқий исми, spsj-pw-mnw”.

Учинчи қаторда

Тахтача узунлиги 196,5 см, баландлиги 52,5 см, каллиги 5,2 см фанерлар қалинлиги 2-3 мм. Бу тахта қисмдан иборат бўлиб, 1) Иероглифларнинг горизонтал қатори (юқоридаги охириги қатор) 2) кўз расми Wdzjt ва унинг устида иероглифларнинг горизонтал қатори. 3) кўз расми остида 5 та сопол идиш ва 2 та ювинадиган идиш. 4) мархумга бағишланган буюмлар номи ёзилган қатор.

Биринчи қатордаги ёзув қуйидагича

1) “Подшо ва Осирис, Бусирис шахрининг хокими, ғарбий томонга бошчилик қиладиган, Обидос шахрининг хокими, хайр эхсонли, тота байрами, худонинг ажойиб байрами, Княз, Ҳарбий қўмондон, сарой бошқарувчиси spsj-pw-mnw”/

2) Wdzjt кўз расми, бундаги ёзув қуйидагича: “Княз, қуйи Миср хазиначиси, подшонинг ягона дўсти, сарой бошқарувчиси, Ҳарбий қўмондон spsj”

3) 5 та идишдан иборат фрагментда эса асосан масаллиқ номлари кўрсатилган.

4) бу бўлим 2 қаторли иероглифлардан иборат, қатор асосида пақирча шаклидаги идиш мавжуд

Демак бу қабр тош Миср фиръавни Ҳарбий қўмондони Анубисга тегишлидир. Ёдгорлик асли ўтган аср охирида В.С. Голе-нишев томонидан Юқори Мисрдан, яъни Ахмимдан топилган ва ҳозирда А.С. Пушкин номли давлат санъат музейида сақланмоқда. Бу ёдгорлик орқали биз Ҳарбий қўмондонлар ҳам юксак мавқега эга бўлганлигини билиб оламиз. Қабртош мил.авв. III минг йиллик охирига, яъни биринчи ўтиш даврига мансубдир.

1908 йили академик Н.П.Лихачев Каирлик антиквар Алидан қадимги Миср сағанаси тасвири туширилган фрагмент (рельеф) сотиб олади. Бу фрагмент 1938 йили Эрмитаж музейига қўйилган. Кейинчалик бу фрагмент устида Ю.Я. Перепелкин чуқур изланиш олиб борган. Олим бу ёдгорликни қадимги Мисрда 5 сулолага тегишли эканлиги аниқлади. Перепелкиндан кейин бу ёдгорлик устида ҳеч ким иш олиб бормаган. Бу рельефнинг энг баланд жойи 170 см, эни 145 см. Рельефда асосий фигура Осирис худосидир. Рельефда янги йилдан кейин биринчи кун нишонланадиган Тота байрами ҳам кўрсатилган. Бу байрам фақат V сулола вакиллари томонидан нишонланган.

Хоким номи рельефда – nj+mt.+ худо исми ва номи шаклида берилган. Хоким ва худо исмлари кўпинча бузилган. Бу белгилардан охирида қўл ва бармоқларинг чапга ва вертикал ҳолатдаги белгиси мавжуд. Бу балки худонинг номидир. Бу белги ўнг қўлни бармоқлари узатилган ҳолатда тасвирланган.

Белги асосан қуйидагича билдиради.

$R'(w) \neq Pa$

Pa бу қуёш худосидир.

Рельефда Pa худоси ўтирган ҳолатда тасвирланган. Ўнг қўли тиззалари узра чўзилган. Чап қўли эса қайрилган ҳолатда қўкрагида турибди. Юзи ва париги яхши тасвирланган, ҳайвонлар эса шу қабрда ётган одамга нариги дунёда керак бўладиган буюмлар эди. Pa худосининг рўпарасида ҳайвон паррандалар ўшлаб турган одам-ларнинг тасвири берилган.

Пастдаги иккинчи қаторда саккиз кишининг турли идишлар ушлаб турган, парранда ва ҳайвонлар ушлаб турган суръати акс эттирилган, охириги учинчи қаторда эса мархумни хотирлаш учун сўйиладиган буқа акс этирилган. Бу иероглиф – “хотирлаш учун буюмлар қўйиладиган яшиқ” - деган маънони билдиради.

Бу ёдгорлик мил.авв. III минг йилликка оид бўлиб, эски пойтахтлар Саккаар ёки Гизада тайёрланган бўлиши мумкин. Аниқроғи, Гизада тайёрланган бўлиши керак. Чунки қадимги Гиза ёдгорликларида хотира буюмларни ритула (диний маросим) ёзувлар билан ифодалаш кўпроқ тарқалган эди.

1798-99 йиллари Наполеон Банопарт Мисрга экспедиция уюштиради. Ана шу экспедиция даврида жаҳон аҳамиятига молик воқеа руй берди. 1799 йил 2 августда французлар инглизларнинг денгиз томонидан бўлаётган ҳужумини даф этиб, сохилни қўлда сақлаб қолдилар. Розеттадан етти мил наридан Қадимий Рашид қалъасини химоя қиладиган аскарлар ҳандак қазиб, аллақандай

ёзувлар битилган қоп - қора тошни топиб олганлар. Маълумки, Наполеон армиясда бирмунча маълумотли кишилар тўпланган эди. Силлиқланган бу қора базальт тоши устига ёзувлар битилган экан. Силлиқланган бу қора базальт тошидаги ёзувлар уч тилда ёзилган-лигини зобитлар бир назар ташлашдаёф фахмлаб олганлар. Уч тўрт сатрлик юқоридаги ёзув иероглифдан иборат ; Анча яхши сақланган ўртадаги ёзувни офицерлар Сурия ёзувиға ўхшатганлар (лекин бу ёзув Миср демотика ёзувининг бир тури бўлиб чиққан); Пастки ёзувнинг эски усулдаги ҳарфлар юнон ҳарфлар билан ёзилган юнон хати эканлигини зобитлар ўша захотиёқ аниқлашган.

Олимларнинг орзулари ушалди. Ахир улар иероглифларни ўқишға узоқ йиллар уриндилар ва ниҳоят билинғва “икки тилдаги” ёзув; иероглиф ва европаликларға тушунарли тилдаги ёзув топилсағина бу соҳада муваффақиятға қозониш мумкин, деган хулосаға келдилар. Бу ерда эса бир йул, “Уч тилдаги ёзув” - трилингва топилди. Розетта тоши дастлаб Қоҳираға жўнатилди, кейинчалик Мисрда Франциянинг мағлубиятидан кейин Британия музейиға келиб қолган.

Қадимғи замонларда Мисрдан Римға сиртиға иероглифлар чизилган ёдгорлик тошлар олиб келишган. XVII асрда иезуит А. Кирхер ана шу тошларни ўрганишға киришган. У қанчалик қаттиқ уринмасин Миср иероглифларини ўқий олмайди. У қадимғи Миср тилидан келиб чиққан копт тилини билмасдан туриб иероглифларни ўқиб бўлмайди деган хулоса чиқаради.

Розетта тоши топилгандан кейин француз шарқшуноси С.де Саси бу ёзувлар устида жуда кўп бош қотирган. У дастлаб демотик текстни чуқур ўрганиб чиқиб , юнонча текстдаги Птоломей Епифан, Александр ва бошқа исмларига тўғри келадиган белғи группалари борлигини аниқланган. Лекин, барибир, у иероглифларни ўқий олмаган ва ошқора суратда: “муаммо ниҳоятда чигал ва уни илмий жихатдан ечиб бўлмайди” деган. Лекин у ўз тахлилларини швед археологи, келт тилини билимдони Д. Окерبلادға жўнатади. У демотик текстни юнонларға оид қисмидаги барча атоқли отларни мустақил равишда таниб - билиш ва ўқишға муяссар бўлди, шу билан бирға айрим Мисрча сўзларни (ибодатхона, юнонлар ва бошқаларни) ҳам ўқий олган. Бироқ с.де Саси ҳам, Окерبلاد ҳам Миср тилида унли товушлар тушиб қолишини ҳисобға олмаганлар.

Шундан кейин Миср ёзувини ўқишни инглиз олими Т. Юнг давом эттирди. У дематик ёзув иероглифларнинг ёзиладиган варианты эканлигини исботлаб берди. Т. Юнг иероглифлар жумбоғни демотик ёзув ёрдамида ечиш мумкин деган хулосаға келган ва 70 дан ошмиқ иероглиф ёки иероглиф гуруҳларининг маъносини аниқлашға муваффақ бўлган. У текстдан Птоломей ва малика Береникаларнинг исмларини излаб топган.

Лекин олим демотик ёзувда ҳам, иероглифда ҳам фонетик белғи бўлмаган деган нотўғри йулға тушиб қолади ва ишини охириға етказа олмайди.

Кейинчалик Миср иероглифларининг ўқиб чиқиш француз олими Ж.Шамполъонға насиб бўлди. У узоқ изланишлардан кейин 1821 йил 23 декабрда айни туғилган куни олимнинг миясига Розетта тошидаги иероглиф белғилари билан юнонча текстдаги сўзларни санаб чиқиш фикри келади. Ёш олим узоқ изланишлардан кейин Мисрда учинчи ёзув тили – иератик ҳам бўланлигини исботлайди. Бунгача олимлар Мисрда икки хил ёхув бўлган деб ҳисоблаб келар эдилар.

Ёш олим иероглифларни санаб кўриб ҳайратда қолади:

1486 та юнонча сўзға 1419 та иероглиф тўғри келади. Иероглиф ёзувида эса 166 та белғи. Ана шундан кейин Х. Шамполъон иероглифлар фақат белғи сўзларданғина, идеограммаларғина бўлмай, улар товуш ҳам эканлиғиға ишонч ҳосил қилади.

У ишни бошлаб юборади. Дастлаб текстдаги подшо Птоломей Епифанни ўқийди. Тошда подшо исми рамка картуша ичига олинган бир неча белғидан иборат эди. Бу ерда саккизта белғи бўлиб, унда подшо исми ёзилган эди. Лекин бунға далил керак эди. Ўша йиллари топилган “Фалей ёдгорлиғи” деган осори атиқа топилиб, унда икки хил – иероглиф ва юнонча ёзув ёзилган эди. Бу билинғвада Розетта тошидағидек подшо Птоломей исми Картуша ичига олинганди.

Энди солиштирадиган нарсас бор эди. Яна рамка олинган баъзи белғилар олимни диққатини тортади. Олим юнонча текстдаги Клеопатра сўзини ўқиб буни, малика номи эканлигини исботлади. Олим бошқа картушадан Александр сўзини ўқиш орқали иероглифлар

руйхатига “Н” ва “С” товушларини қўшди. Малика Береника исмини ўқигач иероглиф алифбосига “Б” товуши ҳам қўшилди . Узоқ изланишлардан кейин Ж.Шамполъон 24 товушни бемалол ўқийдиган бўлди. Кейинчалик олим тошдан Рамзес, Тутмос Фиръавн исмларини ўқишга муваффақ бўлди.

Таянч иборалар:

Детерминатив, Иероглиф, Иератик, Демотик, Розетта, Фиръавн, Хатшепсут

Назорат саволлари:

1. *Розетта тоши қачон топилган?*
2. *Розетта тошидаги трилингва ҳақида нималарни биласиз?*
3. *Иератика, Иероглиф ва Демотик ёзувлар ҳақида нималарни биласиз.*
4. *Розетта тошини асосан ким ўқиган?*
5. *Пунт мамлакати ҳақида нималарни биласиз.*
6. *Иероглиф нима?*
7. *Ахмидан топилган ёдгорликни тушунтириб бера оласизми?*
8. *Акадмик Лихачев рельефни нима ҳақида хикоя қилади?*
9. *Хатшепсут мақбараси ҳақида нимаи биласиз?*
10. *Мисрга қора ёғочлар қаердан келтирилган?*
11. *Миср қабртошлари ҳақида нималарни биласиз?*
12. *Миср иероглифларида рақамлар қандай ифодаланган?*
13. *Фале ёдгорлиги ҳақида нималарни биласиз?*
14. *Миср ёзувидаги уч хил белгини биласизми?*
15. *Детерминатив нима?*
16. *Демотик ёзув қандай пайдо бўлган?*
17. *Миср ёзувини ўқишда Т. Юнгнинг хизмати қандай бўлган?*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В. Дравчук “Ёзувлар ўтмиш сирлари даракчилари”
2. И. Г. Лившин “Надписи из Ахмида” (1-ая часть) Эпиграфика Востока, Ленинград 1971г.
3. Лившин “надписи из Ахмида” (2-ая часть) Эпиграфика Востока, Ленинград 1972г.
4. А.О.Большаков “Египетский рельеф старого царства из собрания Г.Э.”, Эпиграфика Востока, Ленинград – 1985г.
5. “Ғаройиб пунт мамлакати” Даракчи газетаси 2000 йил. 20 май.

Мавзу: Эрон ва Месопотамия эпиграфик ёдгорликлар

Режа

1. **Бехустун қоятош ёзувлари.**
2. **Шумер эпиграфик ёдгорликлари .**
3. **Аморийлар даврига оид эпиграфик ёдгорликлар.**

1761 йил Дания қироли узоқ Арабистон, Эрон ва бошқа номаълум шарқий мамлакатларни ўрганиш учун экспедиция уюштиради. Экспедиция составида рухоний ўғли, араб тилини билган **К.Нибур** ҳам бор эди. 1765 йил у Арабистонга жўнаб кетади. У ердан Месопотамия сўнгра Эронга ўтади ва нихоят Шерознинг шимолий шарқий томонида, яъни Шероздан 7 миль узоқликда унинг кўп йиллик орзуси рўёбга чиқади, у қадимги Персеполь шаҳрининг ҳаробаларини топади.

Персеполь шаҳри қадимда А. Македонский томонидан ёндирилган эди. 1939 йилларгача бу ҳароба аҳоли учун тош қони бўлиб хизмат қилган эди. Лекин К.Нибур бу ердан ўзига керакли нарсани топа олади. У уч хафта мобайнида: хайкал, қабртош, бахайбат тошларга битилган миҳхатлардан нусха кўчиради. Ана шундай изланишлар оқибатида Ахамонийларнинг миҳхат ёзувлари топилди. Лекин кўпчилик олимлар уни ўқишга муваффақ бўла олмадилар. Миҳхат

ёзувинини ўқибга **Г. Гротефенд** мувоффақ бўлди. Хатларнинг уч хилдаги кўринишдаги ёзувда битилганини К.Нибур пайкаган эди. Кейинчалик Г. Гротефенд мил.авв. 540 йилда Кир Бобилни тор мор қилиб, Буюк Эрон (Персия) подшолигини барпо этганлигини билиб олади. Олимлар қадимги форс тилидаги текст ўрта устунда жойлашган имтиёзли мавқега эга деган тахминни ҳам айтишади. Текстда белгиларнинг бир туркуми анча тез учрайди, бу подшолик унвон эмасмикан. Г.Гротефенд қабр тошларини подшоларига атаб ёзилганлигини аниқлаб дастлаб “Подшо” (шоҳлар шоҳи) деган сўзни ўқиди. Сўнгра у муҳим тафсилотни пайкади: барча лавҳаларда дастлабки группалардаги миҳхатларнинг фақат икки хил вариантыни учратди. Демак, К.Нибур нусха кўчирган хайкал, қабр тош, ёдгорликлардаги ёзувлар икки шоҳга тегишли. Яна бу номлар алоҳида - алоҳида ёзилганлигидан исмдан кейин “шоҳ” сўзини ифодаловчи белги қўйилган, иккинчи исмдан кейин белги қўйилмаган. Бундан келиб чиқадиган схема: В. Шох Б шох ўғли, Б шох, А шохнинг ўғли, демак, биринчи подшонинг отаси шох бўлмаган, масалан, Доронинг отаси.

Узоқ изланишлардан сўнг Г.Гротефенд бу ёзувларни ўқий олди “Ксеркс улуғ шоҳ, шохоншоҳ, Доро, шох ўғли Ахиманид, бу саройни ўша қурдирган”. Бу воқеа 1802 йили бўлган эди.

Шумер эпиграфик ёдгорликларини бизга таржима қилиб берган олим **Д. Смитдир**. у ёшлигида тирикчилик учун пул топиш мақсадида Лондонга келади ва гравюрачиликка ишга қиради. Лекин у кейинчалик буюк олим бўлиб етишди. У дастлаб Британия музейига ассистентликка ишга қиради. Бу ерда у музей ертўлаларида сақланаётган машҳур Ашурбанипал кутубхонасига мансуб сопол лавҳаларни ўқишга киришади. У сопол лавҳаларни чанг лойдан тозалайди, синиқларни симлаб ёпиштириб бутун ҳолатга келтиради. Бунга бир ой вақт кетади. Ана энди ёзувларни дешифровка қилса бўлади: “Гильгамеш, Урук ҳукмдори, Ўз фуқароларига нисбатан шафқатсиз бўлган. Оғир ишларда мадори қуриган бу мазлумлар золимнинг жазосини беришни сўраб худоларга илтижо қилганлар. Худолар мазлумларнинг илтимосини қондирганлар: Гильгамеш ўрмонда ҳайвонлар орасида яшаган полвон Энкидуни шайдо қилиб йўлдан оздириш учун унинг ҳузурига чиройли кохинани махвий равишда жўнатади.

Энкиду Урукка келиб Гильгамеш билан яккама-якка олишади. Бироқ ракибларнинг кучи тенг бўлганлиги учун ҳеч ким ғолиб чиқа олмаган. Шундан кейин улар дўстлашганлар ва халқ манфаати йулида биргаликда жасорат кўрсатганлар. Дахшатли шерлар билан олишиб, маъбуда Иштарни бахайбат маҳлуқлар қўлидан озод қиладилар.

Тўсатдан Энкиду касал бўлиб, вафот этади: Гильгамеш содиқ дўст идан жудо бўлганига қаттиқ қайғуриб зор-зор йиғлайди ва абадий яшашлик (боқийлик) сирини топишга аҳд қилади. У абадий ҳаёт, мангулик сирини биладиган киши - Утнапиштимни излаб ке-тади. У жуда кўп қийналиб дунё тўфонидан омон қолишни пешо-насиға ёзиб қўйилган мангулик инъом этган якка-ю ягона кишини Утнапиштимни излаб топади. Д. Смит кўзларига ишонмайди. Нахотки Библиядаги Нух пайғамбар қадимги Шумерлар достонида тирилган бўлса? У достоннинг қолган қисмини ҳам ўқийди

*“Гильгамеш сенга махфий сўзни айтиб берай,
Худолар сиридан сени вокиф қилай
Шуруппак-фрот соҳилидаги шаҳар биласан:
Бу кўхна шаҳар унга худолар яқин
Буюк тўфонни ният қилибди худолар...”*

Қадимги Шуруппак шаҳри қаерда деган савол узоқ вақтдан бери тадқиқотчиларга тинчлик бермаётган эди, бу саволнинг жавоби миҳхат лавҳаларидан топилди. Афсонавий Нух аниқроғи Библиядаги Нухнинг тимсоли бўлиб қолган. Халқ уни Утнапиштим деб атаган. Бу киши шу шаҳарда яшаган. Афсуски достоннинг бошқа қисми йўқ эди. Лекин шу озгина нарсга ҳам Лондонни оёққа тургизди. Ҳазил гапми! Қадимги Шумер достони Библия ижодкорлари бутун дунё тўфони ҳақидаги афсонани Шумерлардан олганликларини очиқдан очиқ айтиб Библияни зарбага учратди. Бу ҳол кўпчилиكنи қизиқтириб қўйди, хатто “Дей-ли телеграф” газетаси қолган лавҳаларни топган кишига

минг фунтстерлинг пул ваъда қилди. Қолган лавхаларни 1873 йил Д. Смит топади. Олим 380 та лавхани топиб, ундан достоннинг қолган қисмини қайта тиклаган. Одамларнинг гуноҳларига тоқат қилолмаган худо Энлиль одамзод уруғини қуритишга аҳд қилди. Қиёмат мудҳиш кун тобора яқинлаша берди. Нахотки дунёни сув босиб, ер юзида бирон бир мавжудот, жонивор омон қолмаса?

Тун. Ҳамма ёқни зулмат қоплади. Қадимги шаҳар чеккасида қамиш ва шох шаббадан қурилган кулба якка ўзи қалқайиб турибди. Бу Утнапиштим деган тақводор кишининг олачиғи. Унга шамол ёқимли овоз билан шивирлаяпти :

“Қулоқ сол!

Ўзинга кема қуриб ол,

Мол-мулкингни ташла,

Хаётингни сақлаб қол!

Кемага бир оз уруқ,

ҳар хил жонзодлардан жуп-жуп қилиб ол!”

Ажабо, бу қандай гап! ўйлади Утнапиштим. Яна илоҳий овоз эшитилди. Бу осмоннинг “туби тешилиб”, жала қўйиб ер юзини сув босганда қутилиб қолиш учун керак бўладиган кемани қуриш кераклигини унга тушунтираётган овоз эди. Утнапиштим кема қурди, барча тешиқ ёриқларни энг яхши мум билан мумлади. Кема жуда қўп бўлимларга ажратилган, бир неча қаватли жуда катта яшиқдан иборат эди. Уни томи зўр хафсала билан ёпилган бўлиб, энг кучли ёмғир ҳам ўтолмас эди. Утнапиштим илоҳий топшириқни ҳаммасини бажариб бўлгандан кейин довул турди, осмонни қоп-қора булутлар қоплаб олди, момақалди роқ гумбурлаб, чақмоқ чолид ва кучли жала куйди.

Жала 6 куну 7 тун давом этди. Утнапиштим Ницер (Нисер) тоғига етиб келгунча тўлқинлар унинг нажот кемасини парахадек у ёқдан бу ёққа иргита берди. Инсонлар лойга айланди. Теварак аторф бепоён денгиз. Фақат Ницер тоғининг чўққисигина сувдан чиқиб турарди.

Эрмитаж музейида Шумер белгилари битилган кичкина сопол лавҳа сақланади. Бу сополнинг ёши мутахассисларнинг фикрича 5 минг йилдир. Лавҳада бор йўғи 4 та белги. Қўл ва тўсиқ. Гарчи барча белгилар суръатлардан иборат бўлсаларда уларни пиктограмма деб аташ мумкин эмас. Бу тушунчаларни англатувчи ўзига хос ёзув, белгилар эса типик идеограммалардир. Идеограммалар пиктограммалардан келиб чиққан. Миххатнинг ривожидан расмларни соддалаштириш йўлидан борган. Шумерда “ёмоқ” тушунчаси “нон” ва “тоғ” билан ифодаланган.

Вақт ўтиши билан бу ҳам Шумерларни қаноатлантирмаган, чунки бу тилнинг бойлигини ва қўп охангдорлигини ифодалай олмаган. Ёзувдаги белгилардан хўжалиқ ишларига доир ҳисобот тузишда фойдаланганлар. Афсоналарни, тарихий воқеаларни достонларни қандай қилиб ёзиш мумкин? Шумерларни ёзувга фонетик қўшимчалар киритишга ундаган нарсаси шу бўлди. Шумерлар турлича талаффуз этиладиган (қўп охангли белгиларни бунда қўп белги қўп товуш комплексларини ифодалаган) ва аксинча, бир охангли белгиларни қўллай бошланганлар (бундан бир бўғин бир неча белги орқали ифодаланган). Бўғинли белгилар ёрдамида сон, келишиқ ва бошқа грамматик формаларни акс эттириш мумкин бўлган. Шумерлар ёзуви шу тариқа идеографикдан логографик ёзувга кейин эса бўғинли ёзувга айланган. Гарчи бу ўзгариш узоқ вақт давом этган бўлса ҳам товушли нутқни Шумер ёзуви билан ифодалаш, баён қилиш имконияти туғилган. Бироқ Шумер миҳхати ҳарфий ёзув даражасига кўтарила олмай шу босқичда қолаверган. Вақт ўтиши билан белгиларнинг ташқи кўриниши ҳам ўзгарган. Расмлар тобора шартли тус олган. Шумерлар маданиятини мерос қилиб олган Бобилликлар ва Оссурияликлар Шумер ёзувини қабул қилиб, уни ўз тилларига мослаб соддалаштирганлар ва тубдан ўзгартирганлар.

Оссурийлар миҳхат системасини соддалаштирганлар. Ундаги белгилар сонини камайтириб ўз қўшимчаларини қўшганлар. Миҳхатлар ўқилгач, кўримсиз кулранг лавҳаларга

бўлган муносабат ўзгарган. Агар улар илгари ташлаб юборилган бўлса, кейинчалик улар сараланган, чанг лойдан яхшилаб тозаланиб илмий марказларга юборилган. Кўп миқдорда сопол лавхалар топила бошланган.

Урукнинг ўзида бу сопол лавхалари, тол новдасидан тўқилган саватларда сақланган кейин даста даста қилиб боғлаб, дасталарга “ишчиларга мактуби”, “боғ ишларига доир хужжатлар”, “тўқимачлик устахонасига тегишли хужжатлар солинган кумуш сават” деб ёзилган ва ёрликлар осиб қўйилган.

Булар подшо ва ибодатхоналар хўжаликларининг архиви бўлган. Архивларда қуйидаги сопол лавхалар мавжуд бўлган: “кемани тузатиш учун керак бўлган қамишни ташиш ва саройга тўсинлар келтириш учун бир кунга 45 нафар қул юборилди”. Бу хўжалик хужжати қулдорлик тўзуми моҳиятни очиб беради.

Мана онанинг ўғлини сотганлиги тўғрисида васиқа: “Синнурининг Залилум исмли ўғли учун Балмунамхе онасига 11 шекеля кумуш тортиб берди, у келгусида даъво қилмайман деб заргар ибн Илабрат олдида, кумуш тортувчи Сингамил олдида, Илимахи олдида қасам ичди”. Бундан биз ўз ўғлини сотишга мажбур бўлган онанинг қандай қашшоқликда яшаганини билиб олишимиз мумкин.

Лувр фондларида қадимги Шумернинг бухгалтерия ҳисоб-китоб китобларидан олинган “Сахифа” сақланмоқда. Нозир қулларни боқиш учун керак бўладиган донни ҳисоблаб чиқиш учун қулларнинг руйхатин тузган аёллар ва болаларнинг исми устунча қилиб ёзилган бўлиб, кўп исмлар ёнига “улган” де белги қўйилган. Кўп қуллар ўлганидан истеъмол қилинадиган буғдой камайиб бораверган.

Шумерлар хизматга доир бу хужжатларидан ташқари бизга математик қишлоқ хўжалиги ва медицинага доир ва адабиёт асарлари ҳам қолдирганлар, Пифагор теоремасини Месопотамия математиклари ўша замонлардаёқ исбот қилган. Шумер олимлари тақвимлари, хариталар тузганлар, табобатда турли ўсимликлардан муваффақиятли фойдаланганлар. Сопол лавхалар бизга Шумер халқининг донолиги, ижодкорлиги, кўркемлиги тўғрисида хикоя қилади.

Мақолларни олинган улар Миср мақолларидан ҳам қадимийроқдир:

“Агар мамлакат яхши қуролланган бўлмаса, душман ҳеч қачон дарвоза олдидан кетмайди”

Ёввойи хўкиздан қочиб,

Ёввойи сизирга дуч келди.

Шумерларнинг Миххатда ёзилган 17 та лавҳаси ер бағрида қарийб 4000 йил ётган, уларни қазиб олиб, ўқиб кўрган археологларнинг таажубдан оғзи очилиб қолди. Ундан бир парча отанинг ўғли билан суҳбатини келтирамиз :

“Қаерга бординг?”

“Ҳеч қаерга бормадим.”

■ *ҳеч қаерга бормаган бўлсанг нега бекор юрибсан? Мактабга жўна. Устозинг олдида туриб тайёрлаган дарсларингни унга айтиб бер. Сумкангни оч, Ўз тахтачанга ёз, аканг сен учун янги тахтача ёзиб бера қолсин. Дарсларингни тайёрлаб бўлгач, муаллимингга кўрсатгин, сўнг кўчада санғиб юрма, олдимга қайт, нима деганимни тушундингми?*

■ *Тушундим ҳаммасини айтиб бераман.*

■ *Қани такрорла*

■ *Ҳозир айтаман*

■ *Айт, ахир! Қани бошла!*

■ *Сен менинг мактабга боришимни, тайёрлаган дасрларимни, устозга гаприб беришимни, сумкамни очишимни, ўз тахтачамга ёзишимни ва акам мен учун янги тахтача ёзиб беришини айтдинг. Дарсни тайёрлаб бўлгач, машғулотимни давом эттиришим, кейин*

ҳаммасини мураббийга кўрсатишими сўнгга сенинг олдинга қайтиб келишим керак, сенинг айтганларинг шу.

Бизга маълумки Месопотамияда мил.авв. 4-3 минг йилликлардаёқ шаҳар давлатлар - “Эн” лар пайдо бўлган. кейинчалик Месопотамия яъни Аморийлар даврида айниқса кучайди. Самсуилин ва унинг Вориси Ҳамураппи даврида Бобил давлати ўзининг юқори чўққисига кўтарилди. Албатта, Месопотамиядан шу даврга оид жуда кўплаб эпиграфик ёдгорликлар топилди. Шулардан энг машҳури Ҳамураппи (мил.авв. 1792-1750йй) томонидан қора базальт тоши устига ёздирилган Ҳамураппи қонунларидир. Бу қонун 247 моддадан иборат бўлиб, тошда ёзлишича **“Мамлакатда адолат ўрнатиш”** учун қабул қилинган эди. Бу ҳақида жуда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Энди биз айнан Самсуилин ва Ҳамураппи даврида машҳур бўлган шахслардан бири Шеп-Син архивига оид ёзувлар билан танишамиз. Бу шахс исми Самсуилин 6 йил подшолигига қадар бўлган ҳужжатларда ҳам мавжуддир. Шеп-Син фаолияти Римсин ҳукмронлиги даврида бошланиб, унинг ўғли Кудурмабуг, Ҳамураппи ва Самсуилин даврида ларса шахри босиб олингандан кейинги даврда кўп учрайди. Ҳамураппи даврида Шеп-Син тамқарлар бошлиғи лавозимида ишлайди. Унинг исми Ҳамураппининг жанубий Месопотамия ҳукмдори Синиддинам номига ёзган хатида ҳам учрайди. Шу даврга оид Шеп-Синга боғлиқ ҳамма ҳужжатларда у эхтиромли киши сифатида хотирланади. Шеп-Синга оид барча ҳужжатлар: солиқ, қимматли буюмлар, махсулотлар тарқатиш ҳақида дир. Бу ҳужжатлар немис олими П.Кашакер, кейинчалик В.Ф. Лейман томонидан тадқиқ қилинган. Албатта, бу даврда ёзувлар қоғозга эмас, балки сополга, тахтачага ва тошларга ёзилгандир. Энди биз Шеп-Синга оид ҳужжатларни баъзиларини кўриб ўтамиз. Эслатиб ўтамизки бу ҳужжатларнинг барчаси Берлинда сақланади. Ҳужжат 9,8, VIII, 34 X.. Бу ҳужжатларда Синимгурнинг ўғли Ипку-Ирро ва укаси Шеп-Синдан 7,5 сикл кумуш қарз олганлиги ва уни 12 кундан кейин қайтариши таъкидланган. “7,5 сикл кумуш Ҳамураппи ҳукмронлигининг 33 йилида ҳисобланади. Тамқарлар бошлиғи Шеп-Синдан Синимгуран ўғли Ипку-Иррова укаси олдилар, бу пулни улар Кислим ойининг биринчи куни қайтариб беришлари керак. Ўз мухрларини илова қилдилар. Варақ санна ойи 18 кун.

Ҳужжат 12.2.П.35 X.. бу ҳужжатда Шеп-Син Апил Шамашга пул берганлиги ва бу пулни ҳосил йиғиб олгандан кейин қайтариб бериши кераклигини таъкидлаган. “1 $2\frac{1}{3}$ сикл кумуш бунди Апил Адат сенга олиб борид. 2,5 сикл саёҳатдан қолаган кумуш ҳаммаси бўлиб, 4 1.6 сикл кумуш ва 6 сила ёғ Апил Шамаш Шеп-Синдан қарздор. Қарз ҳосил йиғиб олингандан кейин қайтарилади. Айярум ойи 12 кун, 7 йил (Ҳамураппи ҳукмронлигининг 35 йили).

Ҳужжат 10, 5, VI. 35.X. Бу ҳужжатда Шеп-Син Эриштили ўғли Убаятулга 6 сикл қарз берганлиги, унинг муҳри олингани ҳақида. Лекин қарзни қайтариш муддати ҳақида ҳеч гап йўқ. 6 сикл кумуш тўлиқ ҳисобланади. Шеп-Синга боғлиқлик ери у ҳужжатни муҳри билан олди. Шеп-Син Эриштили ўғли Убаятумдан бу пулни олиши керак. У ўзини муҳрини илова қилди. Умулум ойи 5-кун, йил (Ҳамураппининг 35 – ҳукмронлик йили)

Ҳужжат 6.XI. 36.X. бу ҳужжатда Некий манум тамқарлар бошлиғи Шеп – Синдин 90 гур арпа (тахминан 2300 литр) оддий фоиз билан келаси йилнинг 3-ойида қайтариши кераклиги ёзилган. 90 гур фоизни у ўзи кўшади. Тамқарлар бошлиғи Шеп-Син Манум-Липид-Иштар ўғли эгаллаган. Симанум ойида арпа ва унинг фоизи қайтарилади. У ўз муҳрини илова қилган. Шабатум ойи, йил (Ҳамураппининг 36-ҳукмронлик йили).

Бу ҳужжатлардан кўринади-ки, Шеп-Син узоқ вақт Аморийлар давлатида тамқарлар бошлиғи вазифасида ишлаган. Ҳужжатлардан яна биз ўша пайтда муомалада бўлган ой номлари, оғирлик ўлчовлар ва савдо муносабатларини ўрганишимиз мумкин. Бундан ташқари Шеп-син архиви бизга давлат ихтиёрида тамқарлар родини қандай бўлганлиги ҳақида тушунча беради. Масалан, “150 гур арпа – 1 мина кумушга сотилган. 225 гар арпа эса, 1,5 мина кумушга сотилган. Этелпи Мардук исмли киши 144 гур арпага оид Месопотамиядаги ёзма ёдгорлик, тошга ёзиб ўйилган “Қарати ҳақида” ги поэма билан танишиб чиқамиз. Бу поемада подшонинг диний маросимларда тутган ўрни ҳақида маълумотлар мавжуд. Достон асосан подшо оиласининг келишиб олиш учун Удумли

мамлакатига қилган юриши ва бу юришда подшо отасининг халок бўлиши ҳақида ёзилган. Бу юришда кўнгилли аскарлардан ташқари армиядан бўшаган жангчидлар ҳам қатнашган. Поёманинг давомида Каратини ўғли Йацибаннинг отасига қарши исёни акс эттирилган. Йацибан отасининг соғлиғи ёмонлашганидан фойдаланиб отаси подшолигини инкор қилади. Ана шундан кейин Каратин соғлиғи ёмонлашгани туфайли тахтдан воз кечишга мажбур бўлади. Хужжатда яна подшонинг қайси ой, қайси кунда диний маросимларда қатнашганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Энди дostonдаги баъзи эпизодларни бошқа хужжатлар билан солиштирамиз.

С. 35 (=КУ.1,41) хужжати. Хужжатда Райишяну ойининг 13-куни подшо диний ювишни амалга ошириши, 14-ку эпиграфика бошини тўқ қизил мато билан боғлаши ва кўринишидан тахтга пок бўлиб ўтириши ёзилган. Подшонинг ювиниши, қурбонлик қилиши, тахтга ўтириши дoston билан бир хил.

С, Ар, П. (RS.18. 56=КТU, 87). Бу хужжатда подшонинг 13-куни покланиш ва бошига қизил мато боғлаши қайтарилади. Шам ойининг 14-куни покланиш мақсадга мувофиқдир. Бошқа бир хужжатда эса подшонинг Хштару ойининг 18-куни покланиш керак. Демак, бу хужжатлардан кўринадики, подшо ҳар ойининг 13 ва 14-кунлари тайёрланади. Бу покланиш одатда Иеруссалимдаги Йахва ибодатхонасида амалга оширилган. Бу ибодатхонада яна бронзадан ясалган бассейн бўлиб, кўмондонлар учун диний маросимлар амалга оширилган. Ўша давр диний тушунчасига кўра бу диний ювиниш, покланиш подшони нафақат поклаш, балки уни ёшартириш ва кучлик қилиш учун хизмат қилган. Яна бир хужжатда айтилишича, ибодатдан кейин подшо кўзи олдида Никкаль Худосини кўкларга кўтаришган. Шундан кейин шох қурбонликлар вақтини очиб берган. Қурбонликлар асосан бузоқ бўлган. Гано ойининг 8-куни қурбонликлар куни бўлиб, шу куни асосан 14 кўзи, 7та бузоқ сўйилган ва имкон қадар балиқ пиширилган. Шундан кейин рақс маросими бўлган. Рақс асосан боғда ижро этилган. Бу боғнинг номи Эден бўлиб, “БИБЛИЯ” да ҳам кўрсатилган. Бу боғ маданият бешиги бўлиши билан биргаликда хушбахтлик тимсоли ҳам эди. Финикияликлардан Адонис шарафига бағишлаб ўтказиладиган байрам боғда бўлган.

Қадимги Месопатамияда озиқ-овқат ойининг 22 кун бўлган. Овқатланиш учун алоҳида кун бўлган. 25 кун подшо покланган Лилу учун тахт тайёрланган. Озиқ-овқат учун 9 та қўй, хўкиз ва тустовуқ сўйилган. Булар Илу ва Арйу худоларига бағишланган.

Таянч иборалар.

Утнапиштим, Шумер, Бехистун, Лувр, Гилгамеш.

Назорат саволлари

1. *Бехистун қоятош ёзувлари уқилишини тушунтириб беринг.*
2. *Бутун дунёни тўфон босиши ҳақидаги афсона нимага асосланган?*
3. *Шумер эпиграфик ёдгорликларини ким ўқийди?*
4. *Қора базальт тоши ҳақида гапиринг.*
5. *Шеп-Син архиви ҳақида гапиринг.*
6. *Г. Гротофент ким?*
7. *1761 йилги Дания киролиги экспедицияси нима мақсадда ташкил этилган*
8. *Персеполс шаҳрининг ёндирилиши ҳақида нимани биласиз?*
9. *Гилгамеш ким?*
10. *Энкиду ким?*
11. *Шуруппак шаҳри қаерда жойлашган?*
12. *Утнапиштим ким?*
13. *Тамкарлар кимлар?*
14. *Лувр фонди ҳақида нимани биласиз?*
15. *Шумер маколлари ҳақида нималарни биласиз?*
16. *Ҳамураппи қонунлари ҳақида нималарни биласиз?*
17. *Карати ҳақида ги дoston ҳақида нималарни биласиз?*
18. *Қадимги Месопатамияда худоларни поклаш қандай усулда амалга оширилган?*

Адабиётлар.

1. Виктор Дравчук “Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди” Тошкент 1980 й
2. “Эпиграфика Востока”.Ленинград 1971

Мавзу: Қадимги Хетт эпиграфикаси.

Режа

1. Қадимги Хетт ёзувнинг ихтиро қилиниши.
2. Қадимги Хетт ёзма ёдгорликларининг ёзлиши.
3. Хеттлардаги адабий эпиграфик ёдгорликлар.

Милодан аввалги 1296 йили бахорида Орант дарёси водийсида қадимги Миср Фиръавини Рамзес II ва Хетт подшоҳи Муваталлис (Хатесулий III) қўшинлари ўртасида Кадеш шаҳри ёнида яқинида тўқанашибди. Бу жангда ғолиб бўлмай, иккала томоннинг кучлари ҳам тенг келади ва мил.ав.1280 йил икки давлат ўртасида “Абадий тинчлик ва дўстлик тўғрисида” битим тузилади. Рамзес II битимнинг исботи сифатида Хетт подшоҳи қизига уйланади.

Рамзес II мамлакатига қайтиб келгач, Мисрликлар уни Хеттларнинг ғолиби! деб кутиб олади. Уни “бутун мамлакатда хурматга сазовор” Хеттлар мамлакатининг махтанчоқлигига барҳам берган, довжорак, буюк Худо “Ра нинг, Хеттлар мамлакатини оёқ ости қилган ўғли” деб эълон қилади. Сарой шоҳи Рамзес II нинг ғалабасига бағишлаб, дoston яратади, дostonда Кадеш яқинидаги жангларнинг бориши тасвирланади.

К. Керан “*Тор дара ва қора тоғ*” деган китобида бу асарни батафсил таҳлил қилади, дostonнинг ҳақиқатга зид томонларини ва Рамзес II нинг ўз ғалабалари тўғрисидаги даволари асосизлигини тўла ишонarli қилиб тасвирланади. К.Керан бу фактни “тарихни тўғридан-тўғри сохталаштириш, бизга маълум бўлган биринчи сохталаштириш”, “қалбаки тарғибот дурдонаси деб атади”. Бу ёлғон уч минг йил яшаб келди, тарихчилар Кадеш яқинида ўша узок даврлардаги иккита энг катта Ҳарбий куч тўқнашганлигини хатто билмаганлар.

Нихоят, узок даврлар ўтгандан кейин Хеттлар кашф қилинди. XIX аср 70-йилларида Британия шарқшуноҳи **А.Сейс** қадимги шарқда фақат иккита Оссурий-Бобил ва Миср маданияти ва ёзуви ҳам бўлибгина қолмай, қадимда ўзига хос цивилизацияга эга бўлган бу халқни **Хеттлар** деб атаган эди. Бироқ унинг баёнатида совуқ муносабатда бўлганар, А.Сейсга эса “*хеттлар ихтироҳчиси*” деган лақаб белганлар.

“Хетт” халқининг номи Библияда ҳам келтирган. Унда, жумладан : “Авраам давридаёқ хеттлар Хананни эгаллаган”, дейилган. Бироқ XVIII охири XIX аср олимлари тарихий маълумотлар манбаи сифатидаги Библияга ишончсизлик билан қараганликлари бу далилига жиддий муносабатда бўлишга ҳалақит берган, холбуки қадимги шарқ айна шу вақт чинакамига кашф этилган. Бу даврда археология ва тилшуношлик жадал ривожланган. Иероглифлар ва миҳхатлар ўқилган, изоҳлаб берилган.

Янги ёзувга эътибор беришга мажбур қилган биринчи топилма **Ҳама тошилари** бўлган. Бу тошлар жами тўртта бўлиб,Суриянинг **Ҳама** шаҳридаги бозордан топилган.Тошларнинг учтаси деворга ўрнатилган, тўртинчиси эса майдонда ётган экан.Майдон марказидан топилган тўртинчи тош “шифобахш” кучга эга бўлганлиги айтиб ўтилган , бод касалидан азоб чекувчи киши унинг устига бироз чўзилиб ётса, “бир зумда соғайиб кетаркан”.

Қисқа вақт ичида Олд Осиёнинг бир-биридан узок масофадаги турли жойларидан яна хетт ёзма ёдгорликлари топилади. Бу А.Сейсга хеттлар олимлар ўйлаганидек кам сонли Шимолий Сурия қабилалари бўлмай, катта халқ бўлган, деган хулоса чиқаришга ёрдам берган.

Сурияда археологик қазилар ўтказилган вақтда Ҳама тошларидагидек ёзувлар битилган хайкаллар топилган. Туркиядаги Мараша шаҳри дарвозасини безаб турган шернинг ёлкасига ва биқинларга шундай ёзув буюртма белгилар билан ёзилганлиги аниқланган.

Анкарадан 150 км масофада қояга ўйилган ибодатхонадан ўзига хос Худолар хайкаллари топилган бўлиб, хайкалларда бир белги - _____ такрор такрор учрайди. А.Сейс уни худо тушунчасини ифодаловчи идеограмма бўлса керак деб тахмин қилинди.

1900 йил юзлаб номни ўз ичига олган хетт ёзувлари руйхати нашр этилган. Қадимги Шарқда учинчи буюк далаат бўлганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқловчи бошқа ишончли далиллардан бири сифатида аввало Миср фиръавнлари архивларида сақлаётган мактубни кўрсатиш мумкин, бу хеттлар подшоши Суппилулиумнинг мактубидир. Мактубда хетталар подшоши Миср фиръавини Аменхотопнинг тахтга ўтирганлигини маълумот учун қабул қилганлиги айтилган. Мактуб хушмуомалалик ва ифтихор билан ёзилган. Мавқеи тенг кишигина шундай ёзиши мумкин эди. Рамсес II нинг хеттлар ҳукмдори устидан “ғалаба” қозониши муносабати билан унинг номига айтилган мадҳиялар ҳам Хеттлар қудратли ва дахшатли рақиб бўлганлигидан дарак беради. Бироқ бу қандай халқ бўлган? Қачон пайдо бўлган, қайси тилда сўзлашган, қандай сиёсий ва иқтисодий тизимга эга бўлган? Бу саволарнинг ҳаммасига жавоб бериш керак эди.

1905 йил археологлар Бўғозқоя туманини қазий бошладилар, ва у ердан кутилмаганда хетт подшолигининг давлат архивини топадилар! Кўплаб Хетт ёзувлари битилган сопол лавҳалари топилган. Топилган лавҳаларининг бир қисмидаги ёзувлар аккад тилида экан. Бу вақтда аккад миҳхатининг сири очилган “**аккад**” ёзувлари ўқиладиганди. Шунда экспедиция Хеттлар давлатининг қадимги пойтахти ёнида турганлиги маълум бўлади. Худди шу ердан ҳаммани ҳаяжонга солган нарсаси – Миср фиръавини билан Хетт подшоши ўртасида тузилган “абдий тинчлик ва дўстлик тўғрисидаги”, Фивдаги Амое қасрида Миср тилида ўйиб ёзилган машҳур битимнинг хетт тилидаги варианты топилади.

Энди олимлар ихтиёрида етарли миқдорда ёзма ёдгорликлар бор эди, уларни ўқишга киришилса бўлар эди. Хетт ёзувлари икки хил белгилардан – миҳхат ва иероглификага нисбатан кенгрок тарқалган эди. Ўрта аср Европасида латин алифбоси қандай роль ўйнаган бўлса, ўз даври учун Хетт ёзуви ҳам шундай рол ўйнаган ва латин алифбоси сингари кўпгина қадимий тилларни ёзишда фойдаланилган.

Миҳхатларни, иероглифларни ўқиш принципи маълум бўлгани учун дешифровка муаммоси Хетт тилининг хусусиятларини аниқлашдангина иборатлиги кўриниб турарди. Хетт текстларни тушунмоқ учун тил тузилишини ва унинг грамматик шакллари аниқлашга қолган эди.

Хетт ёзувининг миҳхат ва иероглифи вариантларини ўқишнинг бошланиши чех олим Б. Грозний номи билан боғлиқ.

Б. Грозний 1 жаҳон уруши олдида Хетт миҳхатидан нусха кўчириш билан шуғлланади. Хетт текстларини ўқишни биринчи навбатда, билингва йўқлиги қийинлаштирган (билингва кейин топилган сўзларнинг тўғри тушуниланлиги тасдиқланган). Биргина йул қолган эди, у ҳам бўлса мантикий ҳулосалар чиқариш ва бегиларни солиштириш воситасида тилнинг структурасини аниқлаш эди.

Олим ишни хетт қонунлари ёзлган текстларни изоҳлашдан бошлаган. Қонунларнинг параграфларида жумлаларнинг тузилиши бир тартибда бўлган: “агар кимда – ким шундай – шундай қилса, у шундай тўлайди”. Олим тилнинг грамматик тузилишини жуда тез ўзлаштирган. Унинг Олд Осиёдаги кўпгина қадимий тиллар сингари, **сомий тили** бўлмай, **хинд-европа тили** бўлиб чиқиши олимни таажублантиради, бир сўзнинг ўзгариб бориши, яъни турловчи кўшимчанинг алмашиб туриши аниқ билиниб туради, сўзлар турланишининг бутун системаси, гарчи аккад сўзлари ва сўз бирликлари кўп бўлсада, бунинг хинд – европа тили эканлигидан далолат беради.

Олим бутун жумлаларнинг моҳиятига таяниб туриб, Хеттча кўпгина сўзларни, грамматик шакллар маъносини тез аниқлай олди. Шундай қилиб, Хинд – европа тиллари ҳақида яхши маълумотга эга бўлган Б.Грозний бу оиланинг энг қадимгиси бўлмиш - Хетт миҳхатининг сирини очишга муваффақ бўлди. Агар илгарилар Гомернинг поэмалари ва милоддан аввалги II минг йилликнинг ўрталарига мансуб бўлган хинд эпоси “Ригведа” хинд –европа тилларидаги энг

кадимги текстлар деб хисобланилган бўлса, Хетт текстларининг ўқиб чиқилиши олимларга асрлар қарига яъни милoddан аввалги XVIII асргача нигоҳ ташлашга ёрдам беради.

Хеттларнинг дастлабки ёзуви иероглиф бўлганлиги ҳозир исботланган. Хеттлар уни ўзлари яъни расмли ёзувдан ҳосил қилиб, Мисрликлардан мустақил равишда яратганлар. Хеттлар кейинчалик миҳхатни ўзлаштирганлар шунга қарамай иероглиф ёзув кенг тарқалган эди.

Миҳхат давлат маҳкамаларининг ёзуви бўлиб, давлат шартномалари қумушли, темир ёки қўғошин тахтага ўйиб битилар экан.

Хеттларнинг яна бир ажойиб ёзуви бўлган; бу тошга ўйиб ёзиш санъатидир. Бунда ҳар бир белги шу қадар зўр ҳафсала ва пухталиқ билан оғро этилганки, ёзув чинакам санъат асарига айланган.

Хетт ёзувининг энг қадимги ёдгорлиги йигирма тўққиз нафар хетт подшосини руйхатини ўз номи билан бошлаб берган шох Аниттас ёзуви ана шундай имконият туғдирди.

Эндиликда хеттларни миҳхат ёзуви – тили қўпчилик олимларни меҳнати туфайли иқричкиригача очиб берилди. Тадқиқотчилар хетт тили жумбоқларини жуда секинлик билан эгаллаб бордилар. Текстлардаги бир хил сўзнинг ўзи бир холда идеограмма ёрдамида бошқа холда фонетик усулда ўқилганлигидан уларни қандай талаффуз этилиши аниқ бўла борди. Қўп қўлланадиган сўзларни доимо идеограмма билан ифолдаланиши хетт тилида урғуни қандай талаффуз этилиши имкониятини бермайди. Маслан, угил, ака, хотин ит сўзлари хетт тилида қандай талаффуз этилиши ҳозиргача маълум эмас. Кейинчалик халқнинг тарихи баён этилган миҳхатли лавҳа ўқиб чиқилди.

Авалло шу нарса маълум бўлдики, хеттлар кичик осийёни туб аҳолиси эмас экан. Улар ғарбдан келиб Анатолияда ўрнашиб қолганлар.

Бўғозқоядан топилган миҳхатли лавҳалар орасидан қўп бўлмасада, хетт тилидан фарқ қиладиган, лекин хинд-европача ҳам сомча ҳам бўлмаган тилларда ёзилган лавҳалар чиқиб қолди. Б.Грозний томонидан очилган бу янги тил янада қадимийроқ ва ибодат тили бўлса керак. Уни **Хаттлар тили** (*Хеттлар кичик осийёга кириб келганида бу ерда Хатт деган қабил астеҳомат қилган, буни Хетт ёзувининг энг қадимги ёдгорлиги хисобланган “Шоҳ Аниттас” ёзуви исботлайди*) деб атадилар.

Хеттлар кичик Осийёга кириб келганларида бу ер чўл эмасди, бу ерда хетт қабилалари яшардики, хеттлар кейинчалик бу номни олишган. Кейинчалик хеттлар билан хеттлар аралашиб кетганлар. Худолари ва маданияти билан бирга ибодат тили сифатида қабул қилганлар. Бироқ *хетт нессий* тилигина зодагонлар тили, умумий тил бўлиб қолган.

Хетт подшолари ўша архивидан хинд европавий тилидан лавҳалар ҳам топилган эди.

Иероглифлар монументал ёзувларда қўлланилган. Машҳур ҳамма тошлари ёзувли қояга ўйиб ишланган худолар шакли галереяси ва бошқа 69 жойдан топилган қўплаб ёдгорликлар тилга киритилмаган эди. Олимлар ушбу битикларни тилга киритиш учун яна 60 йил курашдилар.

30 йилларда ўғил-идеограммаси, қисмоқ феъли ва қўпгина ёзувлар охирига қўйиладиган қарғиш формуласи аниқланган эди.

1947 йил кузида немис профессори Г.Боссерт Туркиянинг жануби ғарби томонидаги Қоратепа деб аталувчи тепалиқдан қисман хетт иероглифидаги ва қисман финикияликлар тилида ёзилган анча узун текст топди. Бу билингва эди. Профессор Г.Боссерт бу тошни туркларнинг “шертоши” ҳақидаги афсонасини эшитиб, узоқ изланишлардан сўнг тоғ тепасидан топган.

Олим финикияча ёзувни ўқиб чиққанидан сўнг, белгиларни иероглифларга ҳам солиштирса бўлардию, бироқ бунинг учун аввал билингва эканлигини аниқлаб олиш зарур эди.

Тошга икки хил хетт иероглифлик тестк билан баробар учта финикияча ёзув ҳам битилган эди. Лекин белгилар шу қадар тартибсиз холда сочилиб кетган эдики, хеттча иероглиф текстни бошини топиб бўлмас эди.

Текстларда шох Азитованд ҳақида сўз бораётганини аниқлашга муваффақ бўлишди. Лекин икки тилда битилган текстларнинг бир хил мазмунда эканлигини бутун бир жумлани ўқиб чиққандан кейингина исботлаш мумкин эди.

Иероглифлар билан ёзилган текстларни янада батафсил ўрганиш натижасида бу текстлар луғавий тилга ўхшатилади, яъни Анатолиядаги яна бир хинд европа тилида ёзилганлиги аниқланди. Бундай ёзувлар хетт давлати архивларида ҳам бор эди. Текстни ўқиш ўзини кўрсатиб турган инсон тасвиридан бошланди, бу тасвир мен дегани. Ҳозирда хеттларнинг ёзуви тўлиқ ўқиб бўлингани йўқ. Хеттлар икки ярим минг йил бурун тарих санасидан ғойиб бўлганлар. Лекин хеттларнинг маданий анъаналарини аниқлаш жанубий районларда яшайдиган халқларда узоқ вақтгача сақланган. Иероглиф билан ёзилган ва милоддан олдинги X-VIII асрларга оид Хетт ёзувлари айтиш жойлардан топишган.

Хеттлардаги адабий – эпиграфик ёдгорликлар. Хеттлардан маданият ёдгорликлари кам қолган. Улар ҳам асосан фрагментлар-дан иборат. Лекин Хетт ёзувининг ўқилиши натижасида бизга бу халқ унинг табиати урф одатлари тузилиши тўғрисида жуда кўп нарсалар маълум бўлди..

Хетт худолари содда бўлган, улар доноликлари ва идрокчилиги билан ҳам ажралиб турган. Хеттлар ўз худоларидан адолатсизлик учун ёрдам сўрайдилар. Уларга ёлвориб, чиройли сўзлар билан илтижо қиладилар илтимосларини изхор этадилар.

Хеттлар поэзияси таъсирчан ва бой. Мана уларнинг қуёш тўғрисидаги шеъри.

“Сенга салом айтаман, кўкнинг Қуёш тангриси!

Ҳамманинг юрагини кўриб турасан ўзинг,

Аммо сенинг қалбингни кўра олмас ҳеч одам,

Ким агар жиноят, бадном қилса ўзини,

Бошида сен тургансан, кўкнинг қуёш тангриси!

Тўғри йулда юрибман ўзинг шохидсан бунга,

Ким бошимга ғам солди о кўкнинг кун тангриси!”

Тошдаги ёзувлардан биз хетт адибларидан бирининг исми Киллас эканлигини билиб оламиз. У бизга ҳозргача маълум бўлган шоирларнинг энг қадимийсидир. Гомердан 500 йил илгари яшаган бу шоир осмон салтанатида худоларнинг ҳукмронлик учун кураши тўғрисида катта асар ёзган ёки қайта ишлаган.

Хеттларнинг Момақалдиноқ худоси тўхтовсиз ўсиб худо тахтини емириш ҳавфини туғдираётган баъзалит қоя ҳақи томон укаси Тасмис билан бирга йул олади:

“Қўлидан ушладию, йул олди ҳақи томон,

Шитоб билан қаради у дахшатли қояга,

Бўлди дахшатли қоя кўз олдида намоён

Ғазабдан ўзгардию, юзларидан қочди қон.

Чақмоқ тангриси мана, ўлтирди ерга,

Ва кўзларидан оқди дарё-дарё ёш

Деди чақмоқ тангриси нигоҳлари нам бўлиб,

Бу дахшатни қишлоққа ким тоқат қила олар?

Бу билан курашмоққа ким журъат қила олар?

Маъбуда Иштар ва деди Чақмоқ сотувчи зотга:

Жигарим, учун кучли ҳам, ожиз ҳам эмас зинҳор,

Гарчи бу (тош) нодондир, учун йигитча кучи бор...”

Хетт адабиётида қисқа хикоялар ҳам яратилган, тарихчилар уларга “давлат ва номақулчилик тасвирлари” деб ном беришган. Ташқи кўринишидан улар бировларнинг чизилган расмига ўхшаб кетади. Ишқмас, виждонсиз амалдорларни, бюрократлар судяларни тасвирлайди.

Хетт аҳолиси математика, геометрия соҳасидаги билимларни Бобилликлардан ўзлаштирганлар, ўзларидан ҳеч қандай нарсга қўшмаганлар.

Энди хеттларнинг қандай ёзганликлари ҳақида қисқача тўхтаб ўтамиз. Бу рельефларнинг бирида Таргумписа тахтининг вориси бўлмиш бола онаси билан тасвирланган. Боланинг ёнида ўқувчилар дафтари билан сиёҳдон тахтадан бор. Хеттлар ёғоч тахтага мато тортиб, унинг устига

оҳак қоплашар экан. Улар қалам ва тош билан ёзишган. Хат қўрғошин “тасма” сига ёзилган “тасма”ни осонликча ўраб, қўйиш ёзувини эса тўғрилаш ва яна қайтадан ёзиш мумкин бўлган

Асосан ёғоч тахталардан фойдаланганликлари учун ёзма ёдгорликларнинг аксар қисми бизгача етиб келмаган.

Таянч иборалар:

Хетт, Рамсес II, Кадеи, Ҳамма, Анатолия, Иштар, Шертош.

Назорат саволлари

1. *Кадеи ёнидаги жанг қачон ва кимлар ўртасида бўлган?*
2. *К.Керам Хетт ҳақида қандай аср ёзган?*
3. *Хеттларнинг буюк халқ эканлигини ким биринчи бўлиб исботлари?*
4. *Бўғоз қоядаги ёзувлар қачон топилди?*
5. *Ҳамма тоши ҳақида гапиринг?*
6. *Г. Боссерт ихтироси ҳақида гапиринг?*
7. *Хетт шоири Киллс ҳақида гапиринг?*
8. *А. Сейс ким?*
9. *1905 йилдаги топилма ҳақида гапиринг.*
10. *Б. Грознийнинг хизматлари ҳақида айтинг?*
11. *Хетт ёзуви қандай шаклда бўлган?*
12. *Хетт поэзияси қандай бўлган?*
13. *Миср-Хетт тинчлик битими қайси тилларда битилган?*
14. *Хетт ёзувлари руйхати қачон нашр этилган?*
15. *Қўрғошин тасма нима?*
16. *Тошга ўйиб ёзиш санъати қандай бўлган?*

Адабиётлар:

1. В.Дравчук “Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди” Тошкент 1970й.
2. В.Петров. “Введения в латинскую эпиграфику” М. 1975г.
3. Эпиграфика Востока. 1969 г. Ленинград.

Мавзу: Қадимда туркий эпиграфик ёдгорликлар.

Режа:

1. **Қадимги Туркий эпиграфик ёдгорликлар, уларнинг ўрганилиш тарихи.**
2. **Урхун-Енисей ёдгорликлари.**
3. **Ўрта Осиёда топилган Туркий битиклар.**

1. ҚАДИМГИ ТУРКИЙ ЭПИГРАФИК ЁДГОРЛИКЛАРИ, УЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ.

Бир неча минг йиллар давомида шаклланган туркий ёзувлар тақдири Шумер миҳхатлари каби узоқ вақтгача жамоатчиликка маълум бўлмай келди.

XVIII асрда туркий халқлар ёзувлари ҳақида дастлабки маълумотлар пайдо бўлди. Лекин ёзувлар қайси халққа мансуб эканлиги муаммолигича қолаверди. Чунки бу ёзувларни ҳеч ким ўқий олмади. 1691 йилда ўз даврининг йирик олими, Москвадаги Голландия элчихонаси аъзоларидан бири Николай Видзен Верхотур шахридан унча узоқ бўлмаган жойда номаълум алифбода ёзилган битигтошларни топди. Н.Видзеннинг бу соҳага қизиқишига Сибирь вилояти бошлиғи Головин сабабчи бўлган эди. У Сибирь бўйлаб саёҳат қилиб юрганида Об дарёсининг ўпирилган жойидан одам суяклари сақланган ёғоч кути, қумуш болдоқ, идишлар топади. Бу топилмаларни у Н.Видзenga совға қилади. Лекин бу топилмалар ва ёзувлар қайси халққа тегишли эканлиги номаълум эди. Орадан 5 йил ўтгач 1696 йилда Тобольсклик бояр ўғли Семен Ремезов ҳам Сибирь ерларининг харитасини чизаётиб, бир пунктига Урхун тоши деб белги

қўйади. Номалум ёзув битилган бу тош харитада чегара вазифасини ўтай бошлайди. Бундай ёзувлар ҳақида 1710 йилда асирликка тушган швед зобити Филипп Иоганин Страланберг тўлиқроқ маълумот беради. Асирликда у 13 йил яшаб номалум ёзувнинг жадвалини ҳам чизиб олади. Унингча бу ёзувлар рун ёзувлари деб атала бошланди. Рун деб аталишига сабаб , гот ёзувига ташқи жихатдан ўхшашлигидир. Руна - сир маъносини билдиради. Қадимги олмонларнинг рун ёзуви милодий II-III асрларда келиб чиққан .Туркий ёзувлар эса Ғарбдаги рун ёзувлари пайдо бўлгунга қадар ҳам мавжуд эди.

1716 йили Пётр I Данцигда профессор Брейнинг табиёт-тарих музейини бориб кўради. Шундан сўнг олимдан бу соҳада иқтидорли киши беришни илтимос қилади . Брейн дўсти , тиббиёт фанлари доктори Даниил Готлиб Мессершмидтни тавсия қилади. У тарих, жуғрофия, ботаника соҳасида ҳам билимдон эди. Орадан кўп ўтмай Д.Мессершмидт Петербургга чақирилди. Унга Сибирнинг физик тасвирини яратиш топширилди. У етти йил тинимсиз ишлади.

Қадимий туркий ёдномаларнинг илк тўпловчиси ва тадқиқотчиси бўлган Ф.И Страланбергнинг фаолияти ҳам Д.Г.Мессершмидт номи билан боғлиқ.Улар 1720 йили Тобольск шаҳрида танишади. Мессершмидт ҳукуматдан уни ҳам ўз экспедициясига киритишни илтимос қилади. Улар икки йил давомида бирга ишлашади. 1730 йили улар Любенда «Оврўпа ва Осиёнинг шарқий ва шимолий қисмининг тарихий ҳамда жуғрофий тасвири» китобини нашр этдилар. Бу китоб икки олимнинг кундаликларидан иборат бўлиб , унда дунё аҳамиятига молик фикрлар баён қилинган эди. Шундан сўнг Энасой ёзувлари ҳақидаги илк мунозаралар бошланди. Бу ёзувларни шаклига қараб , гоҳ славян, гоҳ кельтларга, ва грекларга нисбат бердилар. Бу назария тарафдорларининг фикрича : “туркий халқлар Сибирнинг ерли аҳолиси эмас шунинг учун бу ёзувларнинг Туркий халқларга тегишли эканлиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас”.

XIX асрнинг II ярмида «Славян назарияси» унутила бошланди. Бу даврларда қадимшунослар Энасой,Абакан дарёси қирғоқларидан ,Олтинқўл яқинидан ,Булуқ дарёси бўйларида кўплаб тошга ёзилган ёзувларни топдилар. Лекин бу ёзувларнинг тақдири ҳам авалги ёзувларнинг тақдирига ўхшаб номалумлигича қолаверди. Ёзувларнинг туркий халқларга тегишли эканлигини биринчи бўлиб **Н.Ядринцев** исботлаб берди. У топилган ёзувларнинг тахминан 2000 йиллар илгари яратилганини , туркий халқларнинг скиф ва готларга қўшни бўлганлигини , бу ёзувлар туркий халқларга таалуққли эканлигини аниқлади. Лекин бу битигтошларда нималар ифодаланганлиги номалумлигича қолаверди.

Н.М.Ядринцев бошлиқ экспедициянинг Урхун ва Тула дарёларига қилган сафарлари рун битигларини бутун дунёга машҳур қилди. У топган «тангача» ли битигтошлар кўпчилик тарихчиларнинг диққатини ўзига жалб қилди.

Култегин битигида хитойча ёзув матнлари ҳам бор эди. Бу матнлардан маълум бўлишича , битигтошларнинг бири Билига хоқон ва иккинчиси укаси, лашкарбоши Култегин шарафига битилган экан. **Н.Ядринцев топилмасидан сўнг бу ёзувлар Урхун- Енисей ёзувлари деб номланди. Баъзи олимлар бу ёзувларни рун ёзувларига ўхшашлигини назарда тутиб , туркий-рун ёзувлари деб атайвердилар.**

1891 йили Н.Ядринцев Унгин дарёси бўйидан яна бир битигтош топади. У фанда Унгин битигтоши деб атала бошлади. Кейинчалик Еттисувдан битигтошлар топилди. Улар шакл жихатидан Урхун ёзувларидан бир оз фарқ қилган.

Ёзувларни ўқиш даниялик олим В.Томсон ва россиялик олим В.Радёловлар зиммасига тушди. 1893йил баҳорида Томсон Урхун дарёси бўйидан топилган ёзувларни ўқиганлиги ҳақида Дания қироллиги Фанлар академияси йиғилишида ахборот беради. Унинг бошқа халқлар ёзувини дешифровка қилиб ўқишда қўллаган тажрибаси Урхун ёзувларининг калитин очишда ҳам қўл келади. У ёзувлардан турли белгиларнинг қандай товуш ифодалашини билиб олгач, унга таянган холда, Урхун ёзувларидаги бутун алифбони аниқлайди ва биринчи марта

«Тангри», «Турк» сўзларини ўқийди. Бу битиктошларнинг туркий халқларга мансублиги аниқ исботлаб беради.

Томсондан кейин В.Радълов ҳам 1894 йил 19 январь куни Россия Фанлар академияси йиғилишида Култегин битигини ўқиганлиги ҳақида маълумот беради. В.Радълов бу битиктошлардаги туркий ёзувлар алифбосининг 15 ҳарфни 1893 йил кузида, яъни, Томсон ўқишига қадар аниқлаб бўлган эди. Шундай қилиб, икки олимнинг саъйи-ҳаракatlари билан бу ёзувлар – рун, яъни сир эмаслиги исботланди.

Бу битиктошлар туркий ёзувда битилганлиги исботлангандан сўнг, яна бир муаммо пайдо бўлди: Урхун – Енисей ёзувлари қайси ёзув асосида келиб чиққан: Лекин олимлар ҳалигача бу хусусда бир тўхтамга кела олганлари йўқ. В. Томсон бу ёзувдаги айрим ҳарфларнинг *селий* – *пахлавий* ёзувидаги ҳарфларга ўхшашлигини топди. Кейинроқ туркий алифбодаги 23 ҳарфнинг *оромий* алифбосига ўхшашлиги аниқланди. У туркий тилнинг товуш қурилишига мос ҳолда қайта ишланган ва оромий алифбосидаги бир неча белгилар билан тўлдирилган деган хулосага келди. Оромий ёзуви мил.авв. I минг йиллик бошларида вужудга келган. Бу ёзув дастлаб Сурия ва Месопотамияда пайдо бўлган. Дастлабки оромий ёзуви финикия ёзувидан деярли фарқ қилмаган. Кейинчалик мил.авв. I минг йиллик ўрталарида оромийлар финикия ёзувига айрим ўзгартиришлар киритганлар. Ҳарфлар сони қисқартирилиб, шаклини ҳам соддалаштирганлар. Мил.авв. VIII асрдан бошлаб кўпгина халқлар : яҳудийлар, вавилонликлар, ассирияликлар, форслар ва араблар оромий ёзувини ўз тилларига мослаштирганлар.

Қозоғистонлик олим А.С. Омонжуловнинг фикрича, туркий алифбо мил.авв. I минг йилликда шаклланиб бўлган эди. Бу фикрда жон бор. 1970 йил Олма-отадан топилган (Иссиқдан) ашъвий далиллар буни исботлади. Бу ердан топилган четларига туркий – руний ёзувларига ўхшаш белгилар битилган кумуш косача ҳамманинг диққатини тортади. Қазилма раҳбари ашъвий далиллар жойлашган қабр мил.авв. V – IV асрларга тегишлидир. 1960 йилларда Туркистон шахрига яқин бир жойда лойга битилган битигтош топилади. Учта белгини ҳисобга олмаганда битик Урхун ёзувига мансуб. Бу лой битиг ўзига хос тумор бўлган. Хўш бу янги белгилар қаердан келди. Бу белгилар ижодкори номаълум, лекин, бу белгилар ўша давр билан шуғулланувчи олимларнинг айтишича юнон алифбосидан олинган.

Е.Д. Паливанов турк – юнон ёзувларини туркий мухитнинг ўзида пайдо бўлганлиги ҳақидаги фикрни билдиради.

Энди қадимги туркий ёзуви ҳақида :

Қадимги Туркий ёзуви 38 ҳарфдан иборат бўлиб, 4 ҳарф унли, қолган 34 ҳарф унсиздир. Яна баъзан а – е, о – у, у – ю ҳарфлари учун бир ҳарф қўлланилган. Бу қадимги ёзув ўнгдан чапга қараб ёзилган ва сўзлар орасига икки нукта (:) қўйилган.

Демак, шунини хулоса қилишимиз мумкинки, қадимги турк ёзуви мил.авв. V асрда пайдо бўлган ва асосан оромий ёзуви асосида шаклландир.

2. УРХУН – ЕНИСЕЙ ЁДГОРЛИКЛАРИ.

Қадимги Туркий битигтошларнинг Урхун ёзувида битилган йирик намуналари қуйидагилардир.

Тунюқук битигтоши,
Култегин битиги,
Билга хоқон битигтоши,
Кули чур битигтоши,
Маюн чур битигтоши.

Тунюқук битигтоши 2-турк хоқонлигига асос солган Элтариш хоқоннинг маслахатчиси ва саркардаси Тунюқукка бағишланиб, 712 – 716 йиллари ўйиб ёзилган. Тунюқук бу битигни ўзи ҳаётлигида ёздирган. Битигтош Улан – Батордан 66 км. жанубий шарқидаги Баин Цокто деган

жойдан топилган. Битигтошни *Елизавета Клеменц* 1897 йили шимолий Мўғилистон сафарига борганда топган.

Тунюкук битигтоши Култегин ва Билга хоқон битигтошидан мазмунан фарқ қилади.

Битигтошда туркийларнинг душман қабилаларига қарши кураши, Тунюкукнинг халқ олдидаги хизматлари хикоя қилинади.

Тунюкук Турк хоқонлиги Хитойга бўйсундирилган вақтда (630 – 680 йиллар) Хитойга кўчиб кетган Турк оиласида туғилган. Фақат қайси туркий уруққа мансублиги аниқланмаган. Кейинчалик турклар хитойликлардан мустақилликка эришган пайтда Элтариш қутлуғ хоқон томонига ўтиб, Билге хоқон даврида ҳам Турк хоқонлигида биринчи вазир ва ҳарбий қўмондон вазифаларида қолган. Бу Тунюкук Тош ёдгорлиги Тула дарёсининг юқори оқимидан, Култегин ва Билга хоқон ёдгорликлари атрофидан топилгандир. Фақат ёдгорликнинг қайси йили ўрнатилганлиги аниқланмаган.

Култегин битигтоши Билга хоқон битигтоши билан бир вақтда пайдо бўлган. Радлов бу битигни немис тилига таржима қилган. Бу битигтош мраморга ўйилган, қалинлиги 41 см, баландлиги 3 метр 15 см, туб қисмининг қалинлиги 1 м. 24 см. Мрамор тош ўртасида бош бурчакли қалқон бор. Унга баландлиги 64 см, кенглиги 40 см. бўлган лавха ўйилган. Лавхада архар сурати нақшланган. У хоқонлик тамғаси ҳисобланган. Орқа томонга битигтошнинг ўрнатилиш тарихи, хаттот ёзувида битилган. Унинг олд томонига 40 сатр, ўнг ва чап томонига 13 сатрдан ёзув битилган. Баъзи жойларида ёзув ўчиб кетган. Бу мрамортошга ёзиш ишини Йуллиг Тегин исмли киши бажарган.

Бу битигтош Култегиннинг акаси Билга хоқон кўрсатмаси билан амалга оширилган. Битигда асосан халққа мурожаат қилинган. Битиг 732 йили Кул тегин хотираси учун Билга хоқон тарафидан битилгандир. Култегин 731 йили тўққиз-ўғизлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган эди.

Билга хоқон битиги – Билга хоқон 734 йил 25 ноябрда ўз яқинлари томонидан ўлдирилади. Унинг ўғли Ичан хоқон 735 йили отасининг хотираси учун Култегин битигидан 1 км узоқликда битилади. Бу ёзувни ҳам Билга хоқоннинг амакиси Йуллиг Тегин ёзгандир. Битигтош ағдарилиб 3 бўлакка бўлинган, шунинг учун ҳам ёзувларнинг маъноси унчалик тушунарли эмас. Битигтош Билга хоқоннинг тахтга ўтиришидан бошланади. Битигтошда Билга хоқоннинг хоқонлик йиллари, давлатни адолатли бошқарганлиги айтилади. Битигтошнинг сўнгги мисраларида Билга хоқоннинг ўз халқига қилган насиҳатлари акс этган: *“халқ хоқонидан, ер-сувидан (яъни ватанидан) айрилмаса, эзгулик кўради, бахтли, беташвиш яшайди”*.

Билга хоқон битигтошини ҳам Хитой усталари ўрнатган. Битигтош охирида эса унинг муаллифи Йуллиг тегиннинг исми келтирилади:

«Турк билга хоқоннинг сўзларини бу тош устига мен ёздим, Хоқоннинг жияни мен Йуллиг Тегин, бир ой 4 кун ўтириб ёздим...»

Бунга хоқоннинг вафоти санаси битиктошда қуйидагича кўрсатилган:

«Отам хоқон ит йили учинчи ойнинг йигирма олтисида вафот этди. Тўнғиз йили бешинчи ойнинг йигирма еттисида дафн маросимини қилдирдим». Бу ит йили 734 йилга тўғри келса керак.

3. ЎРТА ОСИЁДА ТОПИЛГАН ТУРКИЙ БИТИГЛАР.

Туркий битигтошлар Ўрта Осиёда кўп топилмаган. Асосан **Талас** водийсидан топилган ҳолос. Талас битигтошларини топиш ва жамоатчиликка маълум қилишда М.Е. Массон 1930 йилда **Терексой**да ўтказган археологик қазишмалари натижасида урхун – энасой харфи шаклидаги икки қатор ёзув битилган тош топди. Яна Таласдан 1933 йилда еттита катта – кичик ҳажмдаги битигтош топилди. 60-йилларда ҳам Ўш вилоятида Баткен тумани ҳудудида қабр тошига битилган ва қадимги турк даврига оид битигтош маълум қилинган.

Ёдгорликларнинг тарқалиши кенглиги ҳам ҳозирча муаммо бўлиб турибди. Бу ерларда топилган ёзувлар хаттотлик маҳорати жихатидан турли-туман, чунки ёзув кенг халқ орасида қўлланган. Ёзувнинг яхши эгаллаган одамларнинг катта бир гуруҳи орасида у кенгроқ қўлланилган. Масалан, йирик Урхун ёдномалари хуснихат билан ёзилган, унинг ижодкорлари ёзув маҳоратини

эгаллаган, мактабда махсус ўқитилган. Майада тошлардаги ёзувларни битишда ушбу ёзув авторларининг касб маҳорати етишмаслиги сезилиб туради, улар хунук хат билан ёзилган.

Қадимги туркий ёзувлар тарқалган ўлкалар орасида Ўзбекистон ҳудудларининг ҳам алоҳида ўрни бор эканлиги қатор топилмалар орасида исботланмоқда. Масалан, Фарғона водийсидаги **Исфара**дан топилган туркий битиг, А.Н. Бернштам эълон қилган Фарғона туркий битиги, **Қувада** топилган хум сиртидаги туркий битиг, С.Т. Кляшторний ўқиган Фарғонадан топилган бронза узугига ёзилган битиг ва бошқалар бу фикрни тасдиқлайди.


Тадқиқотлар Ўзбекистон ҳудудида яшаган янги туркий битиглар топилишига олиб келмоқда. 1986 йили Ўз. ФА Археология институти томонидан Андижон вилоятининг Марҳамат туманида жойлашган **Лунбигена ёдгорлиги**да қазилар ишлари бошланди. Бу ёдгорлик майдони 60х90 метр, баландлиги 8 метр келадиган тепа бўлиб, V – VIII асрларга оид бўлган мустаҳкамланган қишлоқ қўрғони эди. Бу ерда ҳаёт IX – X асрларда узилиб қолган.

Бу ёдгорликда қўплаб ашёвий далиллар қатори қадимги туркий ёзувига дахлдор муҳим обида топилди. Бу обида буйи 20 см.дан сал ортиқроқ, қорин қисмининг кенг нуктаси 16 – 17 см, бўйин қисми тор хумча бўлиб, унинг оғзи лабидан елкасига бирлашувчи бир ёқлама ушлагич банди бор. Унинг банди сиртига пастдан юқорига йўналган қадимий туркий битик ўйиб туширилган.

Битик идиш хумдонда пиширилишидан олдин битилган. Бу хумча ёдгорликнинг VI – VII асрларга оид қатламидан чиқди. Хумча боғида қуйидаги ёзув мавжуд.

1 2 3 4 5 6 7

Бу ердаги биринчи ва олтинчи харфлар « к » харфини ифодалар экан. Ҳар икки ўринда ҳам



харфлар Урхун–Енисей ёдгорликларидагига қараганда бир оз фарқи. Буни биз бу ёзув мутахассис бўлмаган бир қизиқувчан киши томонидан ёзилган бўлиши мумкин деб изоҳлаймиз. Тўртинчи харф « м » деб ўқилган. Тунюқуқ битигтошида шу харфни бирлаштирувчи чизиғи тўғри ёзилган бўлса, бу ерда қиялтириб ёзилган. Қолган харфлар номланиши қуйидагича: «к, и, а, м, и, к, ч». Турк хатининг товушлар уйғунлиги (сингармонизм) қонунига мослашганлиги, бу ерда сўзларнинг қаттиқ ёки юмшоқ ўзакли эканлигини аниқлашга имкон беради. Шунга асосан фикр юритадиган бўлсак, биринчи сўз юмшоқ ўзаклидир, чунки у « к » товуши билан келган. Туркий сўзларда биламизки, икки унли ёнма-ён келмайди. Демак, сўз чегараси ҳам шу ерда бўлади: « и » биринчи сўзга, « а » харфи иккинчи сўзга тааллуқли бўлади. Бешинчи белги « и » нинг қаттиқ (вариантини) ундан кейинги белги эса юмшоқ « к » ни ифодалайди. «и» олдинги, « к » эса охириги сўзга тегишлидир. Шундан келиб чиқиб битигни уч сўзга ажратиш мумкин: ўртадаги қаттиқ, икки ёндагиси эса юмшоқ ўзакли сўзлардир. Энди сўзларни ўқиб чиқишга ҳаракат қиламиз: 1 ва 2-харфи биринчи сўзга бирлашади, уларнинг олдида қадимий туркий имло қондасига кўра тушириб қолдирган юмшоқ «Э» товушини кўшсак, «эки» - деб ўқиш мумкин бўлади. Қадимги туркий талаффузда икки сўзи эки тарзида ишлатилган. Харфларнинг иккинчи гуруҳини (а, м, н) «амин» - деб ўқиш мумкин. В.Радловнинг туркий лохжалар бўйича луғатида бу сўзга «яшамок, турмок, туриш, ҳаёт, макон» дея таъриф берилган.

Сўнгги икки харфни « к » ва « ч » бирлаштириб «хеч» ёки «экач» деб ўқилса бўлади. Маҳмуд Қошғарийнинг луғатида ўз синглизидек қиз «экач» деб аталган. Яна бир фарз матндаги «экач» сўзига « а » қўшимчаси қўшилса, у жўналиш келишигида «эгачимга» шаклини олади. Юқоридаги даъволар асосида кўзачадаги ёзувни қуйидагича ўқиш мумкин бўлади:

Эки амин экач « а »

Талқинимизни чин бўлган тақдирда, унинг маъноси: «Эгачимга икки умр (берсин)», «Эгачимнинг икки дунёси обод бўлсин» деган мазмун англашилади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР

Билга , Эгачи , Култегин , Руний , Тунюқуқ.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ.

1. Дастлабки туркий ёзув ким томонидан топилган?
2. Пётр I нинг руник ёзувни ўқишига қўшган хиссаси қандай бўлган?
3. Туркий ёзувни биринчи бўлиб кимлар ўқийдилар?
4. Тунюқуқ , Култегин ва Билга хоқон битигтошлари ҳақида нималарни биласиз?
5. Фарғона водийсидан топилган туркий ёзув ҳақида нималарни биласиз?
6. Турк ёзуви нима учун рун деб аталган?
7. Дастлабки турк ёзувини ким ўқиган?
8. Турк ёзувини ўқишига Радълов қандай хисса қўшган?
9. Радълов турк ёзувини қачон ўқиб бўлди?
10. Радълов Турк ёзувида дастлаб қайси сўзларни ўқиган?
11. Турк ёзуви қандай шаклда бўлган?
12. Турк ёзувини ўқишига Томсон қандай хисса қўшган?
13. Славян назариясини тушунтиринг.
14. Турк ёзувининг келиб чиқиши ҳақида маълумотни аниқланишида Оможувлов А. С.нинг хиссаси қандай бўлган?
15. Йуллиз Тегин ким?
16. Турк ёзуви ҳарфлари сони қанча бўлган?
17. Ядренцевнинг турк рун ёзуви ҳақидаги фикрини айтинг.
18. Туркий битигтошлар тарихига М. Е. Массон қандай хисса қўшган?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Насимхон Рахмон «Турк хоқонлиги» Тошкент, 1993 йил.
2. Б. Ахмёдов «Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари»
3. Абулғозиев Б. « Янги топилган Қадимий туркий битик » Ўзбекистон , 1993 йил, 18 июнь.
4. М.Исақов, К.Содиқов «Янги топилган битиг талқини» Ўзб.А.С. 1993 йил, 9 июлғ.
5. Ali Kemal Meram “Gu’kturk imparatorligi” Istanbul, Milliyet – 1974 y.

Мавзу: Илк Ўрта асрлар Ўрта Осиё тарихига оид эпиграфик манбалар.

Режа:

1. Сўғд тилидаги манбааларнинг умумий тавсифи.
2. .Муғ тоғидан топилган Сўғд архиви ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.
 1. Сўғд тилидаги манбааларнинг умумий тавсифи.

Бизга маълумки, Сўғд ёзуви мил. авв. III-II асрларда шаклланган.Лекин милоднинг дастлабки даврларига оид Сўғд манбаалари кам топилгандир. Бунинг асосий сабаби , араблар истилосидир. Араблар Ўрта Осиёни босиб олганларидан кейин бу ердаги турли нарсаларга ёзилган ёзувларни беаев йўқ қилдилар. Истило натижаси Ўрта Осиё халқлари орасидаги тил муносабатларига ҳам таъсир қилди. Араб ва форс тили шаҳар маданият тилига айлана борди. Бу эса Сўғд тилининг амалий доирасини торайтира бошлади. Бунинг устига туркий тилнинг тобора кенг ёйилиши Сўғд тилининг мавқеини янада чеклаб қўйди. **Муҳаммад Наршахий** нинг «*Тарихи Бухоро*» асаридан маълум бўлишича, X асрда Сўғд тили фақат қишлоқ туманларидагина сақланиб қолган эди.Шунинг учун Сўғд тилида ёзилган манбаалар кам сақланиб қолган.

XX асрда Сўғд манбааларига қизиқиш кучайди. Асосан чет эл олимлари Сўғд манбааларини топишга ҳаракат қилишган. 1889 йили Н.И. Ядринцев томонидан Урхун дарёси хавзасидаги Қораболға сун деган ердан топилган уч хил ёзувли тош лавхадаги учинчи ёзув Сўғд тилида - «Сўғд ёзуви» деб аталадиган ёзувда битилганини аниқлади. Кизиги шундаки Сўғд тилида битилган дастлабки эпиграфик ёдгорликлар фақат Сўғд худудидан ташқарида топилган. XX аср 30-йилларигача Сўғд худудидан бирорта ҳам ёзув топилмаган. Умуман Сўғд тилидаги манбаалар IV-IX асрларга оид бўлиб турли мазмундаги юридик ҳужжатлар (аҳдномалар, никоҳ ҳақидаги шартномалар, олди –сотди ҳужжатлари, тилхатлар) ҳукмдорлар ўртасидаги ёзишмалар, кундалик турмушга оид ҳужжатлар ҳамда фармонлардан иборатдир.

Бу ҳужжатлар Сўғдийнинг ўзида (*Муғ қалъасидан*), Самарқандда (Афросиёбдан), Қирғизистон ва Шарқий Туркистондан топилган. (*Муғ қалъасидан топилган ҳужжатлар тафсилоти ҳақида кейинроқ тўхталамиз*).

1961-1965 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих ва археология институти экспедицияси Афросиёбда V-VII асрга оид сарой ҳаробаларини очдилар. Сарой меҳмонхонаси деворлари турли мазмундаги расмлар билан безатилган бўлиб улар орасида оқ кийим кийган Чағониён элчисининг сурати ҳам бор. Унинг этагида Сўғд тилида 16 сатрдан иборат ишонч ёрлиғи ҳам ёзиб қўйилган.

Мухим ҳужжатлар Сўғдийларнинг Қозоғистон, Қирғизистон, ҳамда Шарқий Туркистондаги савдо колонияларида ҳам топилган. Булар орасида айниқса, 1902-1906 йилларда А.Стейн бошлиқ инглиз экспедицияси топган эпиграфик ёдгорликлар машҳурдир. Бу экспедиция Хитойнинг Ғарбий туманларида –Дунхуан номли пунктда қазув ишларини олиб бориб, юзлаб хитойча, туркча ва бошқа хат ҳужжатлари орасида Сўғд ёзуви билан битилган нодир қўлёзмалар ҳам топишга муваффақ бўлди. Талас дарёсининг ўнг соҳилида, ҳозирги Талас шаҳрида 7-8 км шимолда жойлашган Кулунсой ҳамда Тераксой дараларида қоятошлар ўйиб битилган ёзувлар алоҳида эътиборга эга. Бу ёзувлар IV-XI асрларда Сўғд қасабаларидаги аҳвол ҳақида, Ўрта Осиё билан Шарқ Мамлакатлари орасидаги савдо алоқалари ва бунда Сўғдийларнинг роли ҳақида қимматли маълумотларни беради.

Дунхуан ва Хўтон ҳужжатлари А.Стейн, Таласдан топилган ёзувлар эса В.А.Камаур, М.Е.Массон, Д.Ф.Винник, А.Асаналиев, У.Жумагуловлар тарафидан ўрганилган.

Сўғд ёзма ёдгорликлари ҳам ёзув алфавит турлари, уларда акс этган диний дунёқараш мазмуни бўйича турличадир. Масалан, будда диний маросимлари акс этган ёзма ёдгорликларнинг аксарияти «Самарқанд ёзуви» ёки «Сўғд миллий ёзуви» номи билан юритиладиган ёзувда битилган.

Кушонлар империясида (милодий I-II асрлар) оид тангалардаги ёзувлар ҳам Сўғдча бўлган.

2. *Муғ тоғидан топилган Сўғд архиви ҳужжатлари ва уларнинг мазмуни.*

1932 йилнинг баҳорида Захматобод туманида (ҳозирги Айний) Хайробоод кишлоғи яқинидаги Қолган Муғ номли тепалик ёнбағрида чўпон Жўрали Маҳмудали ўғли колхоз қўйларини ўтлатиб юрганида, қалъадан номаълум ёзувда битилган хатни топиб олади. Чўпон кишлоққа қайтгач хатни маҳаллий саводхон кишиларга кўрсатади. Лекин хатни ҳеч ким ўқий олмайди.

Воқеадан хабардор бўлган А.Пулодий (Захматобод тумани партия комитетининг биринчи котиби) –хатни Дўшанбега жўнатади. У ерда хатни собиқ СССР ФА Тожикистон базасининг илмий котиби А.Ивасильев кўради. Ундан фотонусха олиб Петербургга –Сўғд ёзувидан хабардор олим А.А.Фрейманга жўнатади.

Шу йили кузда Қолган Муғда қазииш ишлари бошлаб юборилди. Қазиишмалар натижасида 400 га яқин ашёвий далиллар топилди, қалъа архитектураси ўрганиб изохланди, аввал топилганлари билан бирга 80 дона ёзма ёдгорлик текстлари қўлга киритилди. Улардан 74 таси Сўғдча, 2 таси арабча, биттаси туркий бўлиб фан учун бениҳоя қимматбаҳо маълумотларни беради.

Бу ердан топилган Сўғд ёзуви ёдгорликлари учун ишлатилган материаллар ёзув тараққиётини ўрганишда муҳим объектдир. Сўғд ёзуви ва Ўрта Осиё ёзувларининг энг Қадимийлари металл

предметлари юзасидан бизгача етиб келган. Уларда хатнинг шаклан энг содда турларидан тортиб , юксак курсив хуснихат шакларигача мавжуд. Сўғд ёзувининг кейинги намуналари кўпинча ипадек нафис ва пишиқ «хитой» қоғозига битилган. Бундан ташқари Самарқанд қоғози ҳам кенг тарқалган бўлиб, лекин, тадқиқотчилар фикрича VII-VIII асрларда бу ерда қоғоз ишлаб чиқариш қийин бўлганлиги учун қоғоз етишмаган ва жуда қиммат турган. Шу сабабли кўпинча хўжалик хисоби ишларида кундалик эhtiёжлар учун қоғоз билан бир қаторда ёғоч ҳам кенг қўлланилган. Ёғоч - толдан ясалган таёкчалар бўлиб (узунлиги 0,5м ва ундан ортиқ) уларнинг пўстлоғи шилинган , кўпинча узунасига иккига бўлиб ишлатилган. Ёғочнинг бўртик ва текис юзаларига ёзилаверган. **Муғ хужжатларининг 30 га яқини шу каби тол ёғочларига ёзилган.**

Хужжатларнинг бир қанчаси эса чармга ёзилган. Уларнинг сақланиш даражаси ҳар-хил. Булардан ташқари Сўғд ёзувининг қатор намуналари сопол парчаларида , идишларнинг сиртида, тошда етиб келганки уларнинг тарихий ва маданий жихатидан аҳамияти бекиёсдир.

Сўғд ёзуви мил. авв. I минг йилликда Осиёда кенг тарқалган Оромий ёзуvidан келиб чиққандир. Мил. авв. III-II асрларда Сўғд ёзуви тўла шаклланиб бўлган эди. Сўғдда саводхонликка интилиш кучли бўлганлиги кўпинча Сўғд давлатининг ички иқтисодий тараққиёти ҳам саводхонликни талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам Сўғдиёна савод ўргатиш мактаблари , котиблик санъати мактаблари бўлган. 1965 йили Панжикентдан топилган Сўғд алифбеси битилган машқ тахтчаси , Маврдан сополга битилган котиб машқлари бу фикрни исботлаши мумкин.

Энди бевосита Қолган Муғддан баъзи эпиграфик ёдгорликлар ҳақида , бу ёзма ёдгорликлар ўша пайтда Сўғднинг хўжалик ишлари, бир қатор юридик хужжатлар, араб ноибининг хатлари, Деваштич кўзғолони ҳақидадир.

Бизга маълумки, Деваштич кўзғолони бостирилгач , дастлаб у авф этилди, кейинчалик Арбинжон деган ерда дорга осиб ўлдирилди. Бу воқеа 722 милодий йилда бўлган. Олимлар томонидан ўқилган ва нашр қилинган жуда ёмон холда етиб келган (чармнинг кўп ерини қурт еган, чириган, ёзуви бир қадар ўчиб кетган) арабча хат Деваштичнинг араб халифаси ноибига хижрий 100 йилда (милодий 710-718 йиллар) ёзган махсус хати эди. Унда 710 йилда Гурак томонидан тахтдан четлатилган , ўзини ўлдирган Сўғд подшоси Тархуннинг болаларига хомий бўлишни ноибдан илтимос қилинган эди. Бу хол араб истилоси даврида Сўғдда тахт учун кураш ҳам давом этганини кўрсатса ажаб эмас. Аслида Деваштич Тархуннинг икки ўғлига хомий бўлган ва тахтнинг вориси деб ана шу икки болани билган . Шунинг учун 710 йилдан бошлаб Сўғд подшоси хисобланган Тархуннинг акаси Гуракнинг ҳаёт бўлишига қарамай Деваштич ҳам ўзини Панжикент хокими, Сўғд подшоси деб эълон қилган. Араблар сиёсати натижасида, кўпчилик зодагонлар араблар томонига ўтган. Сўғд подшоси Гурак ҳам Деваштичнинг тахтга даъвосидан ва халқ орасидан кўзғолон кўрқиб араблар томонига ўтиб кетган.

Муғ қалъасидан яна жуда кўплаб хужжатлар топилган, лекин бошқа хужжатлар айрим фан мавзуси бўлганлиги учун фикримизни шу ерда тўхтатамиз.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР.

Дуньхуан , Деваштич , Хўтан , Қораболгасун , Гурак.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Сўғд тилидаги манбаалар қаерлардан топилган?
2. Сўғд ёзуви қачон ва қайси ёзув асосида шаклланган?
3. 1961-1965 йиллари Афросиёбдан топилган Сўғд ёзуви ҳақида нималарни биласиз?
4. Сўғд ёзуви кимлар томонидан қачон топилган?
5. Муғ қалъасидаги топилмалар қачон топилган?
6. Муғ қалъасидан қанча ёзма ёдгорлик топилган?
7. Сўғддаги ёзув воситалари ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
8. Муғ қалъасидан топилган ёзувлар асосан нималарга ёзилган?
9. Муғ тоғидаги хужжатларнинг нечтаси тахтачаларга ёзилган?

10. Сўз тили қачон муомаладан чиқиб кетди?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЕТЛАР:

1. Б.Ахмёдов «Ўзбекистон халқлари тарихи манбаалари»
Тошкент, Ўқитувчи- 1991 йил
2. М.Исҳоқов «Сўғдиёна тарих чоррахасида»
Тошкент, ФАН –1990 йил.

Мавзу: Қадимги лотин эпиграфик ёдгорликлари.

РЕЖА:

1. Антик лотин ёзувлари.
2. Антик лотин ёзувларида фуқаро бурчларининг акс эттирилиши.
3. Антик лотин лавхалари туркумланиши.

Бизга маълумки, лотин ёзуви дунёдаги энг қадимги ёзувлардан биридир ва мил. авв. **VII – VI асрларда тўлиқ шакллана бошлади**. Қадимги дунё тарихидан маълумки, дастлабки даврларда қоғознинг етишмаслиги туфайли асосан сопол, тахтача, тошларга ва металллар сиртига ёзганлар. Шу жумладан, лотин ёзувлари ҳам пайдо бўлганидан то узоқ вақтларгача каттиқ буюмларга ёзилгандир.

Ана шундай лотин эпиграфик ёзувлари, ёдгорликлари ҳозирги кунда жуда кўплаб топилган. Бундай эпиграфик ёдгорликлар асосан музейларда, библиотекаларда ва хусусий коллекцияларда сақланади.

Энг кўп лотин эпиграфик ёзувлари, ёдгорликлари Италияда сақланган. Италияда, Ватикандаги **Къярамонте музейи** ўзининг лотин эпиграфик ёдгорликларига боғлиқлиги билан ажралиб туради. Музейнинг лапидария галереясида **5000 ёзувли** ёдгорлик сақланади.

Лотин эпиграфик ёдгорликлари коллекциясини бойлиги жихатидан иккинчи ўринда **Римдаги Капитолий музейи** туради. Капитолий музейининг лапидария галереясида **2000** дан ортиқ лотин ёзувли ёдгорлик мавжуд.

Булардан ташқари, лотин эпиграфик ёдгорликлари папа Юлий III (1550 – 1555) асос солган уй музейида, Неапол, Флоренция, Венеция, Верона, Палуй каби шаҳарларидаги музейларида сақланмоқда. Лотин эпиграфик ёдгорликлари Рим империясига кирмаган мамлакатлар: Венгрия, Руминия, Болгария, Туркия, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида сақланмоқда.

Россияда ҳам лотин ёзув намуналари мавжуд бўлиб, бу ёдгорликлар XVIII – XIX асрларда келтирилган. Бу ёдгорликлар асосан мармар тоши устига ёзилган бўлиб, асосан Санкт – Петербургдаги Эрмитаж ва Павлов музейларида сақланади.

Энди биз лотин эпиграфик ёдгорликлари ўқилиш услуби ва мазмунлари билан танишиб чиқамиз.

Лотин эпиграфикасида исми тўғри ўқий олиш катта аҳамиятга эга, чунки исм ёдгорликларда жуда кўп учрайди. Энг кўп учрайрадиган исмлар қисқартирилган шаклда берилган.

ЭРКАКЛАР ИСМИНИНГ ЁЗИЛИШИ: Римда эркалар исми ёзувда икки қисмдан иборат бўлган: шахсни исми (praenomen) ва уруғнинг номи (numen).

Ёзувларда эркаларнинг шахсий исмлари қисқартирилган шаклда берилган.

Масалан: A. Avl - бу сўз Ъlus исмининг архаик шаклидир. Ъlus исми эса ёдгорликларда қисқартирилиб, «О» тарзида ёзилгандир.

Gaius, Gnaeus, Decimus, Marcus, Publius ва хоказо исмлар ҳам қисқартириб берилган. Умуман Римликларда кўпроқ учрайдиган исмлар қисқартириб ёзилган. Қолган исмлар, яъни кам учрайдиган исмлар ёдгорликларда тўлалигича ёзилган. Масалан: Annius, Apuns, Atta, Cussus, Denter ва хоказо.

Ёдгорликларда ўғиллар кўпроқ отасининг исми билан ёзилган. Мил. авв. 230 йили бундай анъана сенат қарори билан таъқиқланди. Энди отанинг исми фақат катта ўғилга нисбатан ишлатиладиган бўлди.

Уруғ номи Рим эпиграфик ёдгорликларида қуйидагича ёзилган:

Классик Рим даврида уруғ номига – “ius” қўшимчаси қўшилган (Caecilius); республика давридаги уруғ номига эса – is va - i қўшимчалари қўшилган.

(caecilis, caecili).

Римлик бўламган уруғлар номига қуйидаги қўшимчалар қўшилган:

Сабин – Оск уруғига - enus – Alfenus, Varenus

Умбр уруғига - as - Maenas

- anas – Mabenas
- enas – Asprenas, Maecenas
- inas – Carrinas, Fulginas

Этруск уруғига - arna - Mastrana

- ena – Perperna, Calesterna
- enna – Sisenna, Tapsenna
- ina – Caesina, Prastina
- inna – Spurrina

Ёзма ёдгорликларда уруғ номи тўлиқ ёзилган, машхур уруғлар номи қисқартма шаклда берилган.

Aelius – AEL

Antōnius – ANT, ANTŲN

Aurelius – AVR

Claudius – CL, CLAVD

Flavius – FL, FLA

Iulius- I, IVL

Pumpeius – PŲMP

Valerius – VAL

Ulpus – ULP

Лотин ёзма эпиграфик ёдгорликларида ўғил, неvara ва хоказолар қуйидаги кўринишда учрайди:

F, FIL – filius – ўғил

N, NEP – nepus – неvara

PRU, PRUN, PRUNED – prunerus – чевара

ABN, ABNEP – abnepus – эvara

ADN, ADNEP – adnepus – дувара

Масалан: мил. авв. 42 йили консулнинг исми қуйидагича бўлган:

«Lucius Munatius, Lucii f(ilius), l(ucii), n(epus), l(ucii), prun(epus), Plancus»

«Луций Мунаций Планк, Луцийнинг ўғли, Луцийнинг неvarаси, Луцийнинг чевараси».

АЁЛЛАР ИСМИНИНГ ЁЗИЛИШИ: Сўнги республика даври ва императорлик даврида аёлларнинг шахсий исми ёдгорликларда ёзилмаган, аёллар номини ёзиш асосан – уруғ номини ёзиш билан эслатилган холос. Агар аёллар бир уруққа мансуб бўлса, уларнинг номи ёшидаги фарқ билан ёзилган.

Масалан: Luila Maior – (катта), Luila Secunda (иккинчи), Luila Tertia (учинчи) ва Luila Minor (кичик)

Машхур аёллар ўз уруғи номидан ташкари, аёл отаси уруғининг номи билан ёзилган.

Ёзувларда баъзан аёлнинг уруғи номи ёнига отасининг исми ва уруғиноми кушиб ёзилган:

“Caeciliae, q(uinti) Cretici f(iliac), Metellae, Crassi (uhuri)”

«Цевилни Метелла, Квинт Кретик қизи, Красс хотини»

ҚУЛЛАР ИСМИНИНГ ЁЗИЛИШИ: Қадимги даврда Римда қуллар ўз шахсий исмларига эга бўлмаганлар. Қуллар ўз хўжайинининг болалари ҳисобланган ва ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаганлар. Архаик даврда қуллар исмига, ўз хўжайинини исмига “puer” (ўғли) сўзи қўшиш билан ёзилган.

Кейинчалик қулчиликнинг ривожланиши билан, ахён-ахёнда қулларнинг шахсий исмлари ҳам ёзиладиган бўлган.

Ёдгорликларда қулни қаердан келганлигига қараб, “Dacus” – Даниялик, “Curintus” – Коринфлик деб ёзганлар.

Умуман тош, метал, сопол идишлардаги қадимги лотин ёзувлари мил. авв. VII –VI асрларга мансубдир. Лекин бундай ёзувлар жуда кам.

1871 йили Пренесда унча катта бўлмаган тилла фибула (соч тўғнағичга ўхшаган буюм) топилган. Заргар бу буюмни тахминан мил. авв. VII аср охири VI аср бошларида ясаган. Заргар тилла пластинкага хафсала билан «Маний мени Нумезия учун ясади» деб ўйиб ёзган. Ҳарфлар ўнгдан чапга қараб ёзилган. Ёзувдаги икки ҳарф юнон алифбосида йўқ. Лотин нутқидаги ўзига хос овозларни акс эттириш учун бу ҳарфлар этруск алифбосининг илк формасидан олинган.

Римдаги форум ўрнидан емирилиб, ҳароби чиққан тош устун топилган. Устунга «қора тош» деб ном беришган. Чор қирра устуннинг ҳамма томонига ёзувлар битилган. Олимларнинг фикрича бу ёзувлар мил. авв. VI асрга мансуб. Ёзувдаги ҳарфлар юқоридан пастга вертикал – бустрофеден усулида ёзилган.

Ҳарфларнинг ёзилиш йўналиши ва устуннинг емирилганлиги ёзувни ўқишни жуда қийинлаштирган.

Диёниснинг қурбонлик идишига гир айлантириб ёзилган учинчи ёзувнинг қайси асрга мансублиги тўғрисида олимлар ҳозиргача ягона фикрга келган эмаслар. Баъзи олимлар буни мил. авв VI асрга мансуб десалар, бошқалари IV асрга мансуб деб ҳисобламоқдалар.

Қадимги Римда юқорида айтганимиздек қуллар ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаганлар. Қуллар савдо шартномалари лавҳаларига битилган қулларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

«Батоннинг ўғли Максим Пассия исмли қизчани сотиб олди ёки бу қизча қандайдир бир исм билан аталмайди. Олти ёшда, шартнома тузилди ва сотиб олинди.»

«Эвтик Август қули (император қули), ёзувчи»

«Эрст, ошпаз Посиддин қули».

Бизгача етиб келган энг кўп эпиграфик ёдгорликлар бу қабртошлардир. Император Август шарафига ёзилган ёзув ҳам бизгача етиб келган. Бу ёзувларни кўрғошин ёки бронза лавҳаларга ёзиш мумкин бўлган. Бундай материалларга ҳарф (белги)лар ўткир кескич билан ёзилган.

Римда кундалик ёзувлар учун юзига мум суртилган тахтачалардан фойдаланилган. Мум қатламига ўткир учли чўп «стиль» билан ёзилган. Ёзув ўз вазифасини ўтаб бўлгач, «стиль» нинг тўмтоқ учи билан мум қатлами текисланган ва зарур пайтда яна ёзилган. Римликлар бундай тахтачаларни даста-дастаси билан белларига боғлаб юришган, бинобарин, уларда дафтарча вазифасини ўтаган. Ҳарфларни қамишдан ясалган учли перо билан, VI асрдан бошлаб эса қуш патидан ясалган қалам (перо) билан тирнаб ёзиш мумкин бўлган. Бу хилдаги «перо» (қалам) дан узоқ вақтгача фойдаланилган, ўтган асрдагина унинг ўрнини металл перо эгаллаган.

Қоғоз ихтиро қилинган, кўп муаммолар ҳал бўлган ва китоб ёзиш ишлари юришиб кетган. II асрдан қоғоз бутун дунёга тарқала бошлаган ва XIV асрда пергамент батамом истеъмолдан чиқиб қолган.

2. АНТИК ЛОТИН ЁЗУВЛАРИДА ФУҚАРО БУРЧЛАРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ.

Рим этнографик ёдгорликларида, яъни лавҳа ёзувларида исмдан кейин албатта ўша шахснинг уруғи номи ва вазифаси кўрсатилган. Кўпгина холлар римликлар мансабларни ўзлари тушунадиган холда қискартириб ёзганлар. Шунинг учун бу тур ёзувларни ўқиш анча қийинчиликларни туғдиради. Ёзувлардаги мансаблар бизга ўша шахс ҳақида, шахснинг қайси

табақага оид эканлиги ҳақида тўлиқроқ маълумот беради. Умуман латин эпиграфикасининг вазифаси лавҳалардаги қисқартирилган ёзувларни тўлалигича ўқишдан иборатдир.

Масалан, республика давридаги сенаторнинг исми ва мансабини кўриб чиқамиз: *«Гаи Мари, Гаининг ўғли, еттинчи бор консул бўлди, претор, халқ трибуни, квестор, авгур, Ҳарбий трибун»*.

Бу ёзувда машҳур саркарда Гаи Марии ҳақида сўз боради, унинг еттинчи консуллиги бор-йўғи бир неча кун давом этган холос. У мил. авв. 86 йил январда вафот этган. Император давридаги сенатор исми ва унвонлари ҳақида қуйидагича ёзув мавжуд: *«Луций Дасуми Тулли Туск, Публиининг ўғли, Стелатина воҳасидан, Август маслахатчиси, авгур, жамоат ишлари раҳбари, Юқори Германия ва Юқори Паннония претори ходими, давлат хазиначиси Африка провинцияси хукмдори ҳузуридаги ходим, император Антони Август Пий Квестори. Тўртинчи Флави легиони Ҳарбий трибуни, олтин, кумуш ва мис тангалар зарб қилдирган.»*

Бу ёзув 161 йили император Антони Пий шарафига ёзилган. Императорлар исми ва унвонлари ёзилган лавҳалар ҳам қизиқарлидир. Императорлар исмлари ёзилганда анъанавий исм унвон «Император Цезарь Август» қўшиб ёзилган. Лавҳаларда ушбу император халқ трибуни ва консуллигига нечанчи маротаба сайланганлиги кўрсатилган. Бундай маълумотлар император унвонларини аниқ белгилашга хизмат қилади.

Император унвонини ёзишда фахрий «Ватан отаси» унвони қўшиб ёзилган. Бундай фахрий унвонлар асрдан – асрга ўтиб келган. Юлий Клавдий оиласи императорлари фақат Германия лақаби билан ёзилган. Император Граян (98-117) эса Германча, Данияча ва Парфияча лақаблар билан эслатилган. Диоклетианда эса (-284 – 305) бундай лақаблар ўнлаб бўлган.

Император вафот этгандан кейин - *divus* (илоий) унвонини олганлар, ўлдирилган императорлар ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинганда, илохий деган унвон берилмаган.

Энг оддий ва қисқа унвон Октавиан Августда бўлган:

«Император Цезарь Август, илохий ўғил (Юлий Цезарнинг), 11 марта консул, 8 марта император, халқ трибуни 6753 йил»

Бу ёзув мил. авв. 23 йили император Август 11 марта консулика ва 8-март император лавозимига сайланганда 1 июль куни 1-март халқ трибуни лавозимига сайланганда ёзилган.

Кейинчалик «Цезар Август» императорлар номига қўшиб ёзиладиган бўлди: Тиберий Цезарь Август (14-37 йиллар), Гаи Цезарь Август Германик (Калигули 37-41), Тиберий Цезарь Август Германик (41-54 йиллар)

Милодий II асрдан бошлаб император титуллари узундан узоқ ёзиладиган бўлди. Масалан: *«Император Цезарь, илохий Марк Антоний Пий невараси, илохий Авриан чевараси, илохий Траян Парфиялик эвараси, илохий Нерв дувараси, Луций Септимий Север Пий Пертинакс Август Арабии, Авианебский, Парфиялик буюк, буюк жангчи, халқ трибуни лавозимига сайланган, 9-март трибун, 11-март император, 2-март консулликка сайланган, Ватан отаси, консул олди ва император Цезарь Луций Септимий, Север Пий Пертинакс Август Арабии, Авианебский, Буюк Парфиялик ўғли, Илохий Марк Антоний Пий Германский, Сарматлик невараси, илохий Авриан чевараси, илохий Траян Парфиялик ва Нерв эвараси, Марк Аврелии Антони Пий Бхатли Август тўртинчи март халқ трибуни лавозимига сайланди. Арки Целий воҳасида жойлашган.»*

Бу лавҳа Целий аркидан топилган, бунда император Септимий Север ва ўғли Каракалла эслатилади. Север халқ трибуни лавозимига 9-март, 10 декабрь 200 йилда, император унвонини 2-март 198 ёзда, иккинчи консул лавозимига 1 январь 194 йилда; Каракалла халқ трибуни 4-март 10 декабрь 200 йил олган. Бундан кўринадики, юқоридаги лавҳа 200-йил охири ёки 201 йил бошида ёзилган.

Император катта ўғли одатда «*princeps inventutis*» (ёшлар бошлиғи) унвонини олган. Баъзан ворис - *imperator destinatus* (императорликка тайинланувчи) ёки *imperii peres* (император ҳокимияти вориси) унвонини олиши мумкин эди.

Император оиласидаги аёллар фахрий унвон билан ёзилган:

AVG – Augusta – Августа

MC – Mater Castrorum – лагерь онаси

MP – Mater Patriae – Ватан онаси

MS – Mater Senatus – Сенат онаси

Лавхаларда императорнинг бутун оиласи *dumus Augusta* ёки *dumus divina* (илохий уй) деб аталган.

3.АНТИК ЛОТИН ЛАВХАЛАРИ ТУРКУМЛАРИ.

Қадимги лотин эпиграфик ёдгорликлари қуйидаги туркумларга бўлинади:

- фахрий ёзувлар
- илохий ёзувлар
- қабртошидаги ёзувлар
- қурилиш ёзувлари
- турли буюмлардаги ёзувлар
- шартномалар
- хужжатлар

Фахрий ёзувлар Римда қадимдан мавжуд бўлиб, улар элогия номи билан аталган. Элогия бу - бирор шахснинг маълум бир хизматига атаб ёзилган ёзувдир.

Машхур Римликлар ўз уйларида ўз мансаблари учун берилган белгиларни авайлаб сақлаганлар. Энг қадимги элогия Римдаги Аппиево қўлидаги Капен дарвозасида Карнелии Сципионов фамилияси номида 1614 йили топилган. Бу ёдгорлик Албаниядан келтирилган тошга ёзилган бўлиб, бу элогия мил. авв. 259 йили Луции Корнелии Сципион Барбатнинг ўғли, консул Луции Корнелии Сципион шарафига ёзилган. Худди шу ердан 1780 йили қурилиш ишлари олиб борилаётганда бир қабрга дуч келинди. Қабр икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватдан тўққизта қабртош чиққан, кейинчалик аниқланишича, бу қабртошлар мил. авв. 298 йили консул лавозимига сайланган Луции Корнелии Сципион Барбатга тегишли экан.

Мил. авв. III асрга тегишли бўлган лотин элогияларини ташқи киёфасига эътибор берадиган бўлсак, лотин ёзувларини қадимги юнон ёзуви прототипларидан анча узоқлашганлигини кўрамиз. Фақат баъзи ҳарфлар ўзининг архаик формасини сақлаб қолган. Масалан: L, N ва P ҳарфлари.

Умуман лотин элогиялари шеърий тарзда ёзилган.

Луции Корнелии Сципион Барбат элогияси: «Луции Корнелии Сципион Барбат (Соколли), Гнеемдан туғилган, олижаноб ва мағрур инсон, ташқи кўриниши унинг мағрурланишидан дарак беради; қачон ки у сизда консул, цензор ва эдил бўлган, у Таврязия, Цизавна, Самниумни олган, бутун Луконияни бўйсундирган ва у ердан жуда кўплаб асрлар келтирган.»

Помпейдаги форум майдонидан Ромул шарафига ёзилган элогиянинг нусхаси топилган:

«Ромул, Марснинг ўғли, Рим шахрига асос солган ва бу шахарни 38 йил бошқарган, Римликларнинг биринчи дохийси, у дохийлар худоси Акронни ўлдирган. Ценин шахрини босиб олган, Юпитер Феретрий шарафига қўн ишлар қилган, Кивирин деб номланади».

Маълумотларга кўра Ромул мил. авв. 753 йилдан 716 йилгача Римда подшолик қилган. Фахрий ёзувлар антик дунёда жуда кенг тарқалган эди. Энг аҳамиятли ёзувлар Римдаги Триумфал аркида жойлашган. Булар императорлар Тит, Септимий Север ва Константин шарафига ёзилган фахрли ёзувлардир. Дастлабки икkitаси – Форумда, охиригиси – Форум орқасида Колизейда жойлашган.

Аркдаги Тит ёзуви Иуда уруши ғалабасига бағишланган ёзувлар бўлиб, милодий 70-йилда, қисқа шаклда ёзилган: «Сенат ва Рим халқи илохий шахси Тит Веспасиан Август – илохий Веспасианнинг ўғли». Илохий ёзувлар бу асосан худолар шарафига ёзилган ёзувлар бўлиб, асосан ибодатхоналарда жойлашгандир.

Машхур худоларнинг исми ва сифатлари ёзувларда қисқартириб берилган:

ЎМ – Iuvē Uptimū Maximū – Юпитер барча илохлардан юксакдир.

MDM – Matri Deum Magnae – Буюк она худо

DIM – Deu Invictu Mithrae – Енгилмас Митра худоси

Мана шундай мадхия ёзувлардан бирини кўриб чиқамиз:

«Ҳамма илоҳлардан устун Юпитер Марк Требий Альфий, Марк ўғли. Палатин водийсидан, юксак мартабали суворий, Аквилледаги суд ходими, Норикадаги темир конлари солиқ йиғувчиси.»

Баъзан шахсларнинг ўз хўжайини ва императорларига мадхиялар ўқиганлар:

«Ҳамма шохлардан устун Юпитер Марк Ульпий Квинтиан шарафига, менинг хужайиним, Прокул тайёрлади.»

Қабртош ёзувлари бошқа ёзувларга нисбатан яхши сақланган. Қадимги ёзувларнинг бу тури бошқа ёзувларга нисбатан қисқалиги билан ажралиб туради, ёзувларда асосан дафн этилган шахс ҳақида қисқача маълумот берилади.

Мил. авв. I асрга оид қабртошлардаги ёзувларда асосан Манам худоси тилга олинган.

Қурилиш ёзувлари асосан жамоат иншоотларида бўлиб, янги қурилган ва қайта тикланган биноларга ёзилган.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Форум , Триумф , Стилъ.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. *Антик лотин ёзувлари ҳақида нималарни биласиз?*
2. *Исмлар лотин эпиграфикасида қандай ёзилади?*
3. *Давлат унвонлари ёдгорликларда қандай ёзилган.*
4. *Аёллар исми эпиграфик ёдгорликларда қандай ёзилган?*
5. *Қабртошлар қандай бўлган?*
6. *Энг кўп лотин эпиграфик ёдгорликлари қаердан топилган?*
7. *Лотин эпиграфик ёдгорликларида қуллар исми қандай ёзилган?*
8. *Римдаги қоратош ҳақида маълумот беринг.*
9. *Республика даврида сенаторлар исми қандай ёзилган?*
10. *Император исмлари қандай ёзилган?*

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Е.В. Фёдорова «Введение в латинскую эпиграфию», МГУ-1982 г.
2. В. Дравчук «Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди», Тошкент, Ўзбекистон – 1980 йил.
3. К.Конрад «История алфавита», Санкт – Петербург, 1908 г.

Мавзу: Рус эпиграфикаси.

Режа:

1. **София соборидаги граффити.**
2. **Кайин пустлогига ёзилган ёзувлар.**
3. **Рус қабртошларидаги ёзувлар.**

1.СОФИЯ СОБОРИДАГИ ГРАФФИТИ.

Биноларнинг сувоклари, ибодатхоналарнинг нақшларига ўйиб ёзилган хатлар Рус ерларида кўп ва маълум. Бундай ёзувлар «граффити» деб аталади. Киев шаҳридаги София собори Киев Русининг ҳашаматли ҳашаматли меъморлик обидасидир. Бу бинонинг деворларида ҳам шундай ёзувлар бехисоб кўп. Рус меъморчилигининг жаҳон санъат хазинасига кирган бу дурдонаси урганила бошланганига бир ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди.

София собори деворларидаги граффити (уйиб ёзилган хатлар) ни ўрганишга дастлаб асримизнинг 20-30 йилларида уриниб қурилган. Академик Б.Рибаков урушдан кейин собор деворларидан ажойиб ёзувлар топди. 1947 йилда академик томонидан нашр қилинган граффитилар орасида диққатни жалб қиладиганлари қадимги Руснинг атоқли тарихий арбоблари – Владимир Монамах, Мартирий, архиепископ Новгородский ва бошқаларнинг номлари тилга олинган ёзувлардир.

Граффитиларни мунтазам равишда ўрганишга анча кейин киришилди. 1954 йилда жомъани тиклаш ишлари авж олдириб юборилди. Рус олими С. Вқсоцкийнинг София Соборидаги XI – XIX асрларга мансуб қадимги рус ёзувларини дори суртиб кўринадиган қилиши, фиксаж ёрдамида учмайдиган қилиб мустахкамлаш, изохлаши ва нашр эттириши катта воқеа бўлди.

Олимларни хаяжонга солган нарса Собордаги ёзувлар мазмунининг солномалардаги маълумотларга яқинлиги, баъзан эса шу маълумотларга ўхшашлиги эди.

Мана Ярослав Мудрийнинг вафоти ҳақида ги ёзув:

«В лето 6562 месяца февраля 20-го кончина царя нашего...» С.Вқсоцкий топган бу ёзувни изохлаш иши билан академик Б.Рибаков шугулланди. Академик девордаги ёзув билан шугулланиб, Ярослав Мудрийни милодий 1064 йил 20 февралда вафот этганлигини аниқлади. 1054 йил кўрсатиб қуйилган бу ёзувда «подшоҳимиз вафот этди» дейилган. Киевдаги София соборини қурдирган, Киев князи Ярослав Мудрий айна шу йили, яъни 1064 йил, 20 февралда вафот этган.

Асрлар қаъридан бизгача етиб келган мана бу сирли хабарга эътиборингизни қаратмоқчимиз: «4 декабрда Желанда уч князг: Святополк, Владимир ва Олғлар шартнома» туздилар.

С.Высоцкий ёзувни изохлашни Святополк исмидан бошлади. Ўша замондаги коидаларга биноан Киев князининг номи биринчи уринга ёзилган.

Святополк Владимирович ўз укалари Глеб ва Борисни улдирганлиги учун малъун деб лақаб олган. Ана шундай ёмон от чиқарганлиги учун Русда Святополк номи кенг тарқалмаган. Тадқиқотчи шунинг учун Святополк Владимировични «даъвогарлар» руйхатидан чиқариб ташлайди. Малъун 1019 йилда вафот этган. София собори эса 1037 йилда қурилган.

Бу собордан ёзувнинг Киев князи Святополк Изяелавич (1093 – 1113) ҳақида эканлигини аниқланди. Бу шартнома 1097 йил Любечда Рус князлари съезди, унда князг Олегнинг катнашмаганлиги, кипчоклар хужуми ва бу шартноманинг 1104 йили тузилганлигини аниқлади.

С.Вқсоцкий граффитиларни тадқиқ қилар экан, унлаб воқеаларни ўқиб тушунди, яъни изохлади. У Киевдаги офия Соборининг XI – XIV асрларга мансуб ёзувларини қуйидаги асосий гуруҳларга бўлди:

А) Қадимги Руснинг Ҳарбий – сиёсий маълумотларини ўз ичига олган ёзувлар;

Б) солномадаги маълумотларга яқин бўлган эслатувчи ёзувлар («месяца августа в 22 преставился раб божий Лука епископ блаженнқй Белогородский» - солномада унинг вафот этганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ.)

С) автографдан иборат ёзувлар («Михаилг убогий, а грехой богатқй писал, господи помощи ему»), «Писал Ставр Гордятинич» янада соддароги «Иван Писал»)

Д) фрескаларга тегишли бўлган ёзувлар (масалан, Онуфрия тасвирига, полдан, 1.8 метр баландликда қуйидаги сўзлар уйиб ёзилган: «Святой Онуфрий, моли бога милостивого за рабу свою Елену и... помощи... рабу своему Фсқпорови, аминг»)

Е) рамзли тасвирлар ва майишй турмушга оид сурат, нахшлар. Яна бир кашфиёт ҳақида, бу бизнинг замонамизда қилинган кашфиёт бўлиб, Соборнинг ён томонидаги қўшимча Михайлов алтарида бутун бир алифбе топилди. София соборидаги бошқа ёзув (граффити) лар сингари, бу алифбо ҳам қадимги сувок устидан уйиб ёзилган. Ҳарфларнинг буйи 3 см. келади. Соборда алифбо XI асрнинг биринчи ярмида, ибодатхона қурилишидан кўп ўтмай пайдо бўлган. Бироқ тадқиқотчининг фикрига қараганда алифбо эртарок даврга мансуб.

Алифбо 27 ҳарфдан ташкил топган бўлиб, уларнинг 23 таси юнонча, 4 таси эса славянча (б, ж, ш, ў) ҳарфлардир. Олим София Соборидаги алифбони юнон алифбоси билан кириллица ўртасидаги оралик алифбе деб ҳисоблади, чунки кириллицанинг Моровия вариантыда 38 белги (ҳарф), иккинчи болгар вариантыда эса 43 белги (ҳарф) бор.

2.ҚАЙИН ПЎСТЛОҒИГА ЁЗИЛГАН ЁЗУВЛАР.

1951 йилда Новгородда археологлар XIV асрга мансуб, катламни казиётганларида, археолог Н.Акулова қайин пустлогига ёзилган ёзувни топади.

Ҳозиргача бутун Рус еридан ана шу қайин пустлогига ёзилган 530 дан ошқиб ёзув топилди. 1951 йилгача олимлар ўртасида Қадимги Русда фақат князлар, боярлар, черков ахлларигина ёзувчизувни билганлар, оддий хунарманд ва деҳқон аҳолининг кўпчилиги эса саводсиз бўлган деган тушунча етарди. Новгороддан топилган ёдгорликлар оддий халқ, фуқаро ҳам саводли бўлганлигини кўрсатди. Ҳамма номаларда ҳарфлар аллақандай ўткир буюмлар билан тимдалаб ёзилган. Бу қурол учи ўткирланган турли суяк, металл ва ёғоч стерженлардан фойдаланилганлиги аниқ. Стерженг – «калам»нинг иккинчи учини тешиб, ўша жойдан камарга осиб юришган. Қайин пустлогига ёзилган ёзувни ўқиш жуда қийин эди. Буни Л.Черепнин амалга оширди. Олимнинг фикрича бу номаларнинг ҳаммасини оддий фуқаро ёзган экан. Бундан кейин пустлогига битилган ёзув фақат Новгородга эмас, балки Псков, Смоленск, Витебск ва Старая Руссада ҳам хат битилган қайин пустлоглари топилди.

«Турамиз Тимофейга Михаилдан салом. Ер тайёр, урўғлик дон керак, Турамизнинг фармойишини олмай туриб, экишга журъат эта олмаймиз. Одамингизни юборинг турам.» деган мазмундаги хат топилган.

Новгород еридан топилган номаларнинг энг дастлабкиси XIV асрга оид. Нома ун уч сатрдан иборат бўлиб, ҳар бир сатрнинг узунлиги 38 см. дан иборат. Номаларнинг ҳар бир сатри бўзилган. Лекин, А. Арциховский бу номанинг магзини чакиб берди:

«Осмон билан ер оралигида шаҳар бор. Бу шаҳарга ўзи йўқ йулдан элчи тукаб кетди, саков бу элчи ёзилмаган нома олиб кетяпти.»

Жумбоқ Библияга асосланган бўлиб, қуйидагича изоҳланади: осмон билан ер оралигидаги шаҳар – Нух Пайғамбарнинг тўфон вақтида одам ва ҳайвонларни қутқарган кемаси эмиш. Соқов элчи – каптар. Нух Пайғамбарнинг яқин ўртада қуруқлик бор-йўқлигини билиб келиш учун учирган каптари эмиш. Ёзилмаган нома эса каптарнинг қуруқликка яқин келганлигининг далили сифатида Нух Пайғамбарга олиб келган номаси эмиш.

Қайин пўстлогига битилган номаларнинг муаллифлари ичида оддий кишилар, хунармандлар ва деҳқонлар ҳам бўлган. Баъзи номаларни бир гуруҳ деҳқонлар ёзган. Уларда фуқаро халқ феодалларининг жабр-зулмига қарши ўз норозилигини билдирган.

Шундай номалардан биринчи А.Арциховский мана бундай таржима қилган: «Поклон к Юрию и к Максиму от всех сирот. Что тк дал нам за ключкина, он за ас не стоит, нас продает, и мк им аграблемк. Мк из-за него неподвижнк, не разрешает вкздов. Из-за него мк погибаем. Если он будет сидетг, нам силк нет сидетг. Дай нам смирного человека. А на том тебе челем»

Бу номадан тушунилишича, Новгородлик деҳқонлар – «етимлар» хужалик – рўзгор эҳтиёжларини қондириш зарурати билан ҳам қишлоқдан чиқишга йул қуймаётган, тиришчок уй бошқарувчисидан шикоят қилишган. Агар зулм давом этаверса, кетиб қоламиз деб пуписа қилишган.

Болалар кули билан расм солинган номалар серияси диққатга сазовордир. Олимлар уларнинг исмини аниқлашди. Бу Онфил исмли бола экан. Бир номада у ўзининг «Қахрамонлаштирилган» расмини – душманни тор-мор қилаётган чавандозни тасвирлаган.

Новгороднинг узоқ шимолий чегараларидаги дахшатли хатлар, ўз давлатининг шон-шарафи ва мустақиллиги учун олиб борилган кураш акс эттирилган номалар бор.

«От Григория к Дмитру. Мк в Норове, а та ходи, не бойся, Мир взяли на старой меже Юрия князя, нкне на послале кареля на Каяно, море а не помеуай не испакости каянецано, ни соби.»

Кайин пустлогига битилган бу номада, Новгороднинг дипломатик хаётига хос нозик томонлар тафсилоти берилган. Олимлар узоқ вақт тадқиқотлар олиб бориб, бу маълумотлар 1399 йилга оид эканлигини билиб олдилар. Новгород элчилари Кирил Магнус билан келишув битими тўзгандан сўнг, Григорий нома деб сулх тузилганлиги тўғрисида Дмитрий биринчи бўлиб огохлантиради. Григорий элчиларга тегшли шахс: солномачи тилга олган «дўст лар» жумласидан эканлиги аниқ. Дмитрчи? Номадаги «Присловия возле а поимало дани ленеско» деган сатрлардан («хотира дафгари ол, ўтган йилги хирожларни қандай тупладинг?») деган мазмунда мазмунда) Дмитрнинг ким бўлганлиги кўриниб турибди. Шундай қилиб Григорий билан Дмитр хирож ушловчилар экан. Григорий бунинг устига элчи ҳам бўлган. У хирож йиғиш учун Дмитр билан бирга бориш керак бўлган экан, аммо элчиларнинг иши чўзилиб кетган, шунинг учун Григорий номаг мана бу сўзларни кушиб куйган. «Менинг Норовига бормаслигим аниқ бўлса, ўзинг менсиз боравер». (Нарве дарёси буйидаги ерларни швёдлар билан Новгород ахолиси Норова ёки Нарова деб атаган). Охирги жумладан олдинги мана бу ибора ҳам элчихона Новгород билан яхши алоқада бўлганлигидан далолат беради: «Уйимдагилар сог-саломат, бу тўғрида менга хабар қилишди».

Қадимги муаллифларнинг маълумотларидан аёнки, Швеция, Шарқий балтика буйида ёзув материали сифатида кайин пустлогини ишлатишган: бироқ шу пайтгача бу ерлардан ёзма ёдгорликлар топилмаган эди. Нихоят «Гот саройи» деб аталган швёд савдо факторияси урнида археологик казишлар ўтказилган вақтда кайин пустлогига битилган, ҳарфлари готика ёзувига жуда ухшайдиган нома топилди. Номани изохлаш иши билан Москва Давлат Университетининг ходими Д.Дробоглав шугулланди. Тадқиқотчининг аниқлашича, нома XIV – XV асрларга мансуб готика курсиви билан ёзилган. Номадаги ёзувлар уч хил: ҳозирча шуларнинг биттаси энг узун уқилди: аллақандай художуй «мехмон» Забурдаги 94-оятнинг бош қисмини ёзган.

Бу топилма Ғарбда ҳам кайин пустлогига ёзилган номалар бўлганиддан аниқ далолат бера олмайди, албатта. Нома муаллифи Новгородликларнинг ёзув усули шундайлигича қабул қилинган бўлиши мумкин. Шунга карамай унинг бу кашфиёти Ғарбий Европа археологларининг кидирув ишларини давом эттириш учун туртки бўлган.

3. РУС ҚАБРТОШИДАГИ ЁЗУВЛАР.

XVI асрда рус хунармандчилиги анча ривожланди: Айнан шу даврда XVI асрнинг 40-50 йилларида сопол буюмга ёзиш санъати кучайди. XVI – XVII асрларда черков ибодатхоналарида сополга ёзилган Қўлёзмалар кўпая бошлади. Бўлар асосан зангори ранг бўлиб, турли хажмдаги сопол буюмлар эди:

XVI – XVII асрларга оид сополга ёзилган ёзувлар ичида, сополга ёзилган қабртошлар ажралиб туради. Бу қабртошлар асосан Псков-Печор монастырининг ер ости галереясида сақланиб қолган. Бу сопол лавхалар катта улчамда ва турли формада бўлган: Бу лавхалар ёркин зангори ранги, орнамент ва ёзувлари, тасвирлари билан қадимги рус деклорациясининг намунаси бўлиб хисобланади. Бу ёзув текстлари XVI – XVII асрларда Псков ери ва Печора монастырида юз берган воқеалар ҳақида маълумот бери.

Псков – Печора монастыри асли XV асрнинг 70-йилларида қурилган. Бу монастыр ўзининг жойлашувига кура Болтикбуйи ва Псков чегарасида бўлиб, Россиянинг Болтик денгизига чиқишида муҳим нукта бўлган.

Монастирнинг қурилишига поп Иван асос солган. Бу одамнинг асл исми Иоан бўлиб, Ливониядан келган эди.

Умуман Псков – Печора монастыри олти галерия мавжуд бўлиб, шулардан биринчисидан қабртошлар сақланмаган. Қолган бешта галерия турли даврга оид бўлиб, асосан тош ва сополга ёзилган ва керамик ёзувлар деб аталади. Бу керамик плиталар вертикал ҳолатда жойлашган. Қадимийроқ даврга мансуб бўлган плиталар одатда пастки қаторда, кейинги даврга мансуб ёдгорликлар эса юқори қаторда жойлашган.

Бу қабртошлардаги дастлабки (тулик бўлмаган) текстларни 1893 йилда А.В.Филиппов ўқиган. Шу йили у ўзининг «Дастлабки Псков – Печора монастыри» деган китобини нашр қилдирган. Филиппов ўзининг ушбу асарида бу керамикаларнинг қадимги рус тарихини ўрганишдаги аҳамиятини яхши кўрсатиб берган. У асосан XVI асрнинг 60-70 йилларидаги қабртошлар ҳақида ёзган ва ўзининг алғомли китобида 2 та тулик ва 4 та қисман қабртошлар ҳақида маълумот бергандир.

Ҳозирги кунда ана шундай қабртошлардан 105 таси мавжуд бўлиб, шулардан биттаси лой билан сувалганлиги туфайли, текстни ўқишга муваффақ бўлинмаган, учтасининг эса ёзуви учиб кетгандир.

Умуман XVI – XVII асрга оид рус қабртошлари жуда кўплаб топилган юқорида айтганимиздек, 105 та №1 дан №40 гача бўлган қабртошларнинг формаси бир хил. Қабртош марказида монастырғ тасвири, яъни асосан миноралари, икки ёзув, ёдгорликнинг энг марказида крест тасвири, пастки қисмида эса шу қабртош кимга тегишли бўлса, ўша шахс ҳақида маълумотлар ёзилган.

XVI аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошига оид илк қабртошлар асосан тўғри туртбурчак шаклида бўлиб, 53,5x41, марказий қисми эса 32x25 см. Бўлган.

Бу илк қабртошлардаги ёзувлар бироз кўполрок шаклда бўлган. Ҳарфларнинг улчами ҳар хил бўлиб, бир қанча ҳарфлар қаторга тўғри жойлаштирилмаган. Қаторлар тенг эмас, баъзи ҳарфлар қатордан тепага ёки пастга тушиб кетган ҳолда ёзилган.

Масалан, 1559 йилга оид Д.Г.Чебатаевнинг сопол қабртоши, 1560 йилга оид Д.В.Веселос қабртоши, 1561 йилга оид З.И.Объёдов қабртош ва хоказолар. XVI аср 60-йилларига оид қабртошлардаги тасвирлар бироз ўзгарган. Қабртошларда баъзан миноралар тасвири йўқолиб, урнига фақат крест тасвири берилган ҳолос. 1954 йилга оид И.В.Селиванов қабртоши ана шундай кўринишда бўлган.

Умуман қабртошлардаги ёзувлардан кўринадики, XVI аср ўрталарида рус описиографик ёдгорликлари пала-партиш ёзилган, ёки хали бу санъатни мукамал эгалланмаганлигини кўрсатади.

XVI – XVII асрларга оид Троица – Сергеев монастыридан топилган қабртошлар эса, Псков – Печора монастыридан топилган ёдгорликлардан фарк қилади. Троица – Сергеев монастыридан топилган қабртошлар асосан тошдан ясалган бўлиб, бу ёдгорликлар асосан В.Б. Гиргибергнинг «Москва ва Москва атрофларидаги XV – XVII асрларга оид тош плита ёзувлар ҳақидаги маълумотлар» номли китобида ёритилган.

Бу монастырдаги қабртошлар фрагменти асосан ёзувлардан иборат. Тасвирлар ёки расмлар йўқ ва бу қабртошлар улчамлари ҳам йирикрок, баъзан буйи 1,2 метргача.

Масалан, 1495 йилга оид Новгород архиепископи Сергей қабртоши улчами: узунлиги 119 см, тепадаги эни 57 см, пастки эни 51 см, қалинлиги 12 см. 1519 йилга оид князь Иван Иванович Холмск қабртоши, бу қабртош бутун сақланмаган: узунлиги 65 см, эни 67 см, қалинлиги 10 см.

1596 йилга оид княгиня Анна Глинская қабртоши, улчамлари: узунлиги 106 см, тепадаги эни 76 см, пастки қисмидаги эни 70 см, қалинлиги 20 см.

Умуман XV – XVII асрларга оид Троица – Сергеевдаги қабртошларни урганар эканмиз, бу қабртошларни Псков – Печора монастыридаги қабртошлардан фарк қилишини куришимиз мумкин. Троица – Сергеев монастыридаги қабртошлар фақат тасвир йўқлиги билангина ажралиб турмайди, балки қабртошлардаги ёзувлар текис ва равон. Бу билан улар ўша даврда Троица – Сергеев монастыри ҳудудида тошга уйиб ёзишни нақадар ривожланганлигини кўрсатади ва шу билан бирга ажойиб санъат намунаси ҳам ҳисобланади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Граффити , Саркофаг , Монастир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Рус алифбоси кимлар томонидан яратилган?
2. Онфим ёзуви ҳақида нималарни биласиз?
3. Граффитилар нима?
4. XV аср рус қабртошлари ҳақида гапиринг.
5. XVI – XVII асрлар рус қабртошлари ҳақида нималарни биласиз?
6. Саркофаг нима?
7. Троица Сергеев монастири қачон қурилган?
8. Рус алифбосининг шаклланиши қандай бўлган?
9. Рус алифбоси дастлаб нима мақсадда яратилган?

Фойдаланилган адабиётлар.

1. В.Дуравчук «Ёзувлар ўтмиш сирлари шохиди» Тошкент, Ёш гвардия – 1980 йил.
2. И.Ф.Дубов «Новый источники в древней истории Руси», Новосибирск – 1979 йил.
3. Нумизматика и Эпиграфика, VI том, Москва – 1966 йил.
4. К.Конрад «Истории Алфавита», Петербург – 1908 йил.

Мавзу : Китоб босиш тарихидан.

Режа :

- 1.Китоб ҳақида мутафаккирлар фикри.
- 2.Китобларнинг тузилиши ва турлари, китоб босишнинг бошланиши.
- 3.Ёзув қуроллари ҳақида умумий маълумот.

Китоб – ахборотлар, ғоя, образ ва билимларни сақлаш ҳамда тарқатиш воситасидир. Халқаро миқёсда ЮНЕСКО тавсиясига кўра 3 босма табоқдан ортиқ, яъни, 48 саҳифадан кам бўлмаган босма асарни шартли равишда китоб деб қабул қилинган.

Китоб сиёсий ва мафкуравий курашнинг муҳим қуролидир, у ижтимоий онг маҳсули сифатида синфий ва партиявий характерга эгадир.

А.Навоий : “Оламда китобдан азиз дўст йўқдир”, “Китоблар инсон тафаккури жавахирларини йиғиб авлодларга мерос қолдиради”, “Китоб ғоят, ғоят катта кучдир” ;

Ойбек : “Халқнинг қай даражада маданиятли эканлигини мамлакатда нашр этилаётган китобларнинг миқдори билан ўлчанади”;

Китоб иши – бу китобни яратиш, тайёрлаш, тарқатиш, сақлаш ва ўрганиш билан боғлиқ катта жарёни ўз ичига олади. Китобни қўплаб чиқаришни палеография саноати амалга оширади.

Китобнинг пайдо бўлиш тарихи ёзувнинг яратилиш ва шаклланиши жарёни билан узвий боғлиқдир. Ёзувнинг тузилиш хусусиятлари ва материали китбонинг тузилишини белгилаб беради. Қадимги Миср , Рим , Юнонистон ва Ўрта Осиёда дастлаб инсонлар тош , пальма дарахти барглари , сопол бошқа материалларга ёзишган, шунинг учун ҳам қадимги китоблар бир неча килограммдан иборат бўлган. Мил.авв. Дастлаб папирустан, мил.авв. II – асрга келиб пергаментдан фойдаланиш бошланди. Айрим маълумотларга қараганда “Авесто” китоби ҳам пергаментга ёзилган.

Арабларнинг Ўрта Осиёга босқинига қадар китоблар кутубхоналарда сақланган, халифа Усмон томонидан пергаментга ёзилган **“Қуръони Карим”** 681 йили ёзилган бўлиб, ҳозирги кунда у Ойбек номи Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда.

Қоғознинг кашф қилиниши китоб ривожланишида янги даврни очди. Қўлёзма китоблар одамларни китобга бўлган эҳтиёжини қондира олмади , қоғознинг кашф қилиниши китобнинг

кўпайишига, тарқалишига, турли расмлар, хошиялар билан китоб чиқариш имконини берди, ҳаттотлик, муқавасозлик касблари шаклланди.

XV – асрнинг 40 – йилларида Германиялик Иоганн Гутенберг зомонавий китоб босиш санъатини ихтиро қилди, у дастлаб ёғочдан кейинчалик металдан ҳаракатланадиган ҳарфларни тайёрлаб, қоғознинг икки томонига китоб босишни кашф қилди.

1465 йили Италияда, 1468 йили Чехославакия ва Швейцарияда, 1470 йили Францияда, 1473 йили Польша ва Венгрияда, 1477 йили Англияда китоб босиш кенг тарқалди. XVIII – XIX асрларда босмахона, бадий безак соҳалари алоҳида касб сифатида шаклланди. 1798 йилда Литография, яъни, Тошбосма ихтиро қилинди, энди китобларни расмли ҳамда турли безакли қилиши мконияти яратилди.

Пергамент – махсус ишлов берилган мол тери бўлиб, қадимда хат ёзиш учун ишлатилган, биринчи бўлиб Пергам шаҳрида (Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар - Пергам шаҳри номидан олинган бўлиб, ҳозирги кунда Бергама номи билан аталади) хат ёзишда папирус ўрнига пергаментдан фойдаланилган. Пергам шаҳри кутубхонасида пергамент қўлёзма китоблар кўплиги жиҳатидан Миср (узоқ Александрия) кутубхонасидан кейинги иккинчи ўринда туради.

Қоғоз – ўсимлик толасидан тайёрланадиган махсулот бўлиб, эрмизнинг II – асрида Хитойда ихтиро қилинганлига ҳақида маълумотлар мавжуд. VI – VIII асрларда Ўрта Осиё, Корея, Япония, Ҳиндистонга, VIII – XI асрларда Араб ҳалифалигига, XI - XII асрларда Европага кенг тарқалган. Хитойлик Чай Лун деган киши қоғоз тайёрлашда энг мураккаб усуллардан фойдаланган. Хитойда қоғоз тайёрлаш учун бамбук ва ипакли дарахтлардан фойдаланилган.

Қалам – туркча “қара” ва “таш” сўзидан олинган бўлиб, кўмирнинг бўлаги ёки графит (қалам каттиқ сиёҳ) га айтилади. Кўмирнинг ёзиш хусусияти борлиги инсониятга оловдан фойдаланиш бошланганидан маълум. XIV – асрдан бошлаб Италияликлар қалами кенг тарқалган. Қалам ичдаги каттиқ сиёҳ шаклидаги қалам XVI – асрдан бошлаб учрайди. Қалам ичига қуйиб ишлатиладиган графит (қора минерал) хом ашёси 1565 йилда Британиянинг Камберленд графлигида, Испаниядан кейинчалик Сбирдан топилган.

Биринчи бўлиб ёғочдан қилинган қалам 1790 йилда Француз олими Н.Канте (1755 – 1805 й.й.) томонидан ихтиро қилинган. Бир вақтнинг ўзида Чех олими Гартмут биринчи бўлиб графит ва лой тупроқдан ўзгарувчан ёзув воситаси ишлаб чиқаришни таклиф этган, шу таклиф асосида XVIII – асрда Ломоносов графитли қалам ихтиро қилган.

Қалам ишлаб чиқариш учун 3 процесс : қаламнинг асоси, қалам тахтачалари ва қалам ишлаб чиқаришдан иборат.

